

MUNDARIJA



JARAYON

3 Akmal Murod

Novdalarni
bezab g'unchalar...

NAZM

6 Yo'ldosh Eshbek

Iforlar ichindan yor hidi
kelar

30 Benazir

Umr fununida hamon
tolibmiz

NASR

9 Iqbol Mirzo

Zarb

50 Bobo Ravshan

Mehribon

MAKTUBOT

27 Adhambek

Alimbekov

O'qiganimiz sari
ishonchimiz ortdi

62



Муқовада:
Ёш драматург,
акриса
Хуснора
Рўзматова.
Суратни
Муҳиддин Али
олган.

Ovchining so'nggi ovi

Ёштарман мақсадимнинг тўққисизла охири...
М. СИНКО



Масъуд ҚИЯМОВ
2008 йили 19 сентябрда
Балхоннинг дегирман
қалъасида туғилган.
Ўқувчи.
2018 йили "Ўзбекистон
қўшма Республикаси"
дашархонасида
"Ўзбекистон"
журналида
"Ўзбекистон"
журналида
"Ўзбекистон"
журналида
"Ўзбекистон"
журналида

Мен қайста қилиш ва қандай қилиш билан бераётганим билан шикоятимда, шикоятимда. Яқин кўриб, гапларим қилганим билан шикоятим, қандайсиз фарқим, қандайсиз фарқимга улар бўлиб соғин тура олмаганим билан қилганим.
Ундаги ёшларим билан, маърузаларим билан қандай қандай қилганим билан қилганим тушуриб тушуриб қил...



46

27

32 QO'LYOZMA
O'tayor
Qo'msash

31 NIGOH
Xalq yuragidagi shoir

43 XAZINA
Abdusattor
Jumanazar
Oltin zinalar

46 TADQIQOT
Rustam Musurmon
Koshg'ariydan qolgan til sadolari

54 BADIA
Dilfuza Shomalikova
Yig'layotgan qushlar

60 UCHRASHUV
Islomjon Qo'chqorov
Xalqim, mehring ziyosi ko'ngilga boshlab borsin

62 MULOHAZA
Oygul Asilbek qizi
Tarix ayol haqida nima deydi?



54

05.2018
(324)

YOSHLIK

Muassislar:
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
O'zbekiston yoshlar ittifoqi

1982-yildan chiqa boshlagan.

Tahrir hay'ati:
Sirojiddin SAYYID
Minhojiddin MIRZO
Nodir JONUZOQ
G'ayrat MAJID
O'razboy ABDURAHMONOV
Farrux JABBOROV

Jamoatchilik kengashi:
Qahramon QURONBOYEV
Iqbol MIRZO
Abdurasul ABDULLAYEV
Rustam NOSIROV
Rustam QOBILOV
Ahmad OTABOYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Serobiddin ISMOILOV

Bosh muharrir:
Faxriddin HAYIT

Bosh muharrir o'rinbosari:
Nurilla CHORI

Mas'ul kotib:
Bobur ELMUROD

Adabiy muharrir:
Husan MAQSUD

Mas'ul muharrir:
G'iyosiddin O'NAROV

Badiiy muharrirlar:
Akbarali MAMASOLIYEV
Rahmatjon YUNUSOV

Manzirimiz:
Toshkent shahri, Alisher Navoiy nomidagi Milliy bog', Adiblilar xiyoboni,
Yozuvchilar uyushmasi binosi.
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz
Veb sayt: www.yoshlikjurnali.uz
Tel.: (0371) 231-20-58, 231-20-59

Navbatchi muharrir: G'. O'narov
Bosishga 06.06.2018-yilda ruxsat berildi.
Qog'oz formati: 30x42 1/4
Nashriyot hisob tobog'i: 8,7
Indeks - 822.
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007-yil 4-mayda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.
Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Yoshlik" dan olindi" deb izohlanishi shart.
"SILVER STAR PRINT" MChJ bosmaxonasida chop etildi.
Buyurtma № 51. Adadi: 3700
Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 22-mavze, 17-uy.

Novdalarini bezab g'unchalar...

Бирини деганинг ҳамонок, иккинчиси ҳам чарақлаб ёдга келадиган каломлар бор. Денгиз десанг кема, боғ десанг гул, шоир десанг шеър хаёлга урилганидек.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия! Шоирнинг “энг гуллаган ёшлик чоғи”дан сўйлаган оташин сатрлар илҳоми – Зулфия. Шоиранинг ҳижрон ва садоқат кўшиғи – Ҳамид Олимжон. Бу илҳом, бу вафо қуримас ҳам қаримас илдиз – кўнгил боғида қайта-қайта-лаб куртак ёзади; гоҳо шоир кўз ўнгида бир туп ўрик бўлиб опшоқ гулга бурканса, гоҳо еллар уни алдаб кетади... Шоира эса шаббода қур(ма)ғур олиб кетган гул тотию баҳорни салқин саҳарларда, бодом гулида топгандек бўлади. Асли, шоирман дегани фасларни шундай илғайди, шундай севади... шундай севиши ҳам керак. Киши ўрик гуллариға қарай туриб, мевасидан тўйиб ейиш ҳақда ўйласа ва ёки дарахт боши-

га нуқул қорин тўйғазиш гамида термилса... шеър туғилмайди. Одамнинг табиатга қандай кўз солиши замирида унинг ким бўлиб шаклланиб келаётгани ҳикмати ётади. “Бола бошдан” нақли бежиз эмас. Заминга, табиатга Ҳамид Олимжон ва Зулфия кўзи билан қур назар ташласак агар, фасларнинг ясама бўёқлардан холи табиий эпкени димоққа урилади.

Бу гал фикрларимизни мана шу нуқтаи назар атрофида умумлаштирган ҳолда, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби ҳақида икки оғиз сўз юритамиз.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби

- Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги қарори асосида ташкил этилган.
- Жиззах шаҳрида жойлашган.
- Она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган.
- Муассаса 150 ўринли ўқув биноси, 100 ўринли ётоқхона, 100 ўринли фаоллар зали ва 75 ўринли ошхонага мўлжалланган.
- 19 нафар ўқитувчи таълим беради.
- Фан тўғаракларидан ташқари, “Ёш китобхон”, “Ёш қаламкашлар”, “English conversation” каби ижодий тўғараклар фаолияти ҳам йўлга қўйилган.



– Давлатимиз раҳбарининг ёш истеъдодларни қўлаб-қувватлашга қаратаётган алоҳида эътибори туфайли халқимизнинг икки оташнафас шоири – Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги махсус мактаб-интернат очилиши биз учун улкан воқеа бўлди, – дейди мактаб-интернат директори Сардор Расулов. – Бундай хайрли ишлар самарасини олдиндан сезиш қийин эмас, бироқ кўзланган натижага оз муддатда эришилмайди. Ижод борасида бу масала ўн карра қийин. Бугун ерга кўчат экиб, ҳосилни эртасигаёқ териб олиш мумкин бўлмаганидек, бизнинг ижод мактаблари “мева бойлагунча” ўз олдимизга қўйган мақсаддан оғишмай бораверишимиз керак. Биз бугун гўё бир боғбон. Ниҳолларни парвариш қиляпмиз. Улар келажакда қандай мева солади, қандай униб-ўсади – бизнинг саъй-ҳаракатга боғлиқ. Шу маънода мактаб-интернатимизда она тили ва адабиёт фанларининг ўзигагина таяниб қолмаганимиз ўринли. Устоз ижодкорлар, атоқли шоир ва ёзувчиларнинг ўқувчилар билан мунтазам ўтказиб келаётган Маҳорат дарслари болаларда ўзига ишончни ошироқда. Тасаввур қилинг, китоблардан ўқиб-ўрганиб юргани шоир Анвар Обиджон ўқувчиларга дарс ўтмоқда. Болани ижодга, мутолаага қизиқтиришда бундан гўзал ва самарали восита йўқ, назаримда. Ўқувчилар ушбу сабоқларда ижодий машқларининг кам-кўстини ўзи учун билиб олаяпти. Таъбир жоиз бўлса, сўзларни, ибораларни эркалашга ўрганишаяпти. Ўйлаймизки, ижод мактабларида, хусусан, биз таълим-тарбия бераётган ушбу даргоҳда ўқиётган ўғил-қизлар орасидан жамиятда ўз сўзи ва овозига эга саводхон, улкан марраларни кўзлайдиган, йиқилганни суяшга тайёр софдил, пок қалбли шахслар етишиб чиқади.

– Бизда ўқиётган ўғил-қизларнинг ижодга иштиёқи баланд эканини сезаман, – дейди мактаб-интернатининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Маъмура Юсупова. – Бироқ мени бир нарса кўпроқ ўйлантиради: қизларжон орасида ижод бир ёнда қолиб, мукофотларга ўчлари чиқиб қолмасмикан? Йўқ, биз айнан шунинг учун



ўқувчининг ўз-ўзига кўзгу тутамиз. Уни аввало билим олишга, ўқиб-ўрганишга ундаймиз. Ижодий салоҳиятини юзага чиқаришда асосан маҳорат дарсларига таянамиз. Бунда ўғил-қизлар ўзининг, дейлик, қайси босқичда тургани, ҳато-камчилигини сезади. Боя айтганимдек, уларни ўртоғи ёки дугонаси билан таққослашга уринмаслик керак. “Дўстинг мунақа шеър ёзибди, сенинг қўлингдан келмайдими шу?” ёки “Ҳамманг фалончи ўртоғингдан ўрناق ол, унда бугун “беш” баҳо” каби қиёслашлар ўқувчи руҳиятида тарқоқликни пайдо қилади. Кимўзарга ўқишга тушади. Шунинг учун мактабда, айниқса, ижодга ўргатамиз деб турилган жойда дарсга бундай ноҳолис ёндашув бола онгида қусурни келтириб чиқармайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ўқувчиларни “ёндим-куйдим” мавзулардан, “дод, дунё” деган сунъий ҳайқириқлардан асрашга ҳаракат қиляпмиз. У ҳали бола. Дунёни бола кўзи билан идрок этади. Шеърларию қатрала-рида ҳам аввало унинг болалик ҳайратлари уфуриб туриши керак, назаримда. Ана шунда унинг ижодий машқлари самимий чиқади.

Бугун ёш истеъдодларга яратиб берилаётган бундай имкониятлар ўза-гида ҳадсиз умид, балки умидворлик барқ уриб турибди. Устоз мунаққид, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафидинов таъбирича, “Оқ қоғознинг тили, забони йўқ – нимани ёзсангиз, чидайверади, аммо истеъдоднинг истеъдодлиги шундаки, у нимани ёзишни билишдан ташқари нимани ёзмаслик кераклигини ҳам яхши англаши керак”.

Акмал МУРОД





Бобомнинг боғи

Бобожоним боғига,
Кўгатлар эккан эдик.
Ҳосилин дўстлар билан,
Мириқиб, тўйиб едик.

Бу йил ҳосилга кирди,
Ўрик, қатор-қатор.
Теришгани бордик биз –
Мен, Маржона ва Аброр.

Меваларни саватга
Солиб қўйдим авайлаб.
Ишдан кейин бизлар ҳам
Едик, саралаб сайлаб.

Қуёш ботар маҳали
Ҳориб, сўнг уйга қайтдик.
Ушбу боғни яратган,
Бобомга раҳмат айтдик.

Каромат Икромжоновна,
7-синф ўқувчиси

Ўзим билиб оламан

Ақром деган бир бола,
Жуда сергап, серсавол.
Дейди:

– Нонни емасак,
Бўлади нега увол?
Нега баланд бинолар
Осмонга бўй гўзади?
Нега акамнинг бўйи
Мендан тезроқ ўсади?
Нега ҳамма мактабга
Боради, мен бормайман?
Акам тез-тез гаргайди,
Нега мен ҳег толмайман?
Нега ҳамма мушукни
Шер билан ўхшаш дейди?
Айтинг-чи, нега унда
Шер сут эмас, гўшт ейди?
Туя овқат еганда,
Нега кўп вақт қорни тўқ?
Хилма-хил мавҳум жумбоқ,
Саволлардан толаман.
Катта бўлганимдан сўнг,
Ўзим билиб оламан...

Умида Мавлонова,
7-синф ўқувчиси

Аёзда

Аёзда кизик қуён,
Қарабди у ён-бу ён.
Келаётганмиш бўри,
Шалпан қулоқнинг шўри.

Сўнг ростлабди жуфтисин,
Югирибди олмай тин.
Фарибгина уйининг
Танбалабди эшигин.

От қолибди бўривой,
Ва яна йўқ иссиқ жой.
Қуён иссиқ тўшақда
Хуплаб-хуплаб, изар зой.

Жалолиддин Расулов,
5-синф ўқувчиси

Тинчлик

Тинглик айтади бизга,
Юрт тақдири қўлингда.
Ҳалолликни шиор қил,
Тўғри юргин йўлингда.

Шу азиз диёримга
Тегмасин ёмон кўзлар.
Озод, гўзал гўшамда
Бахтдан порласин юзлар!

Шоҳсанам Аллаёрова,
8-синф ўқувчиси



Iforlar ichindan yor hidi kelar



Йўлдош ЭШБЕК

1950 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети
(ҳозирги ЎЗМУ)нинг
Ўзбек филологияси
факультетини
тамомлаган. «Соғиниб
яшайман», «Юксак
дарахтлар», «Мовий
турналар», «Яхшиликка
қарайман», «Дарахтлар
эртаги», «Ҳаёт чечаги»,
«Мангу масофа»,
“Қизғалдоқлар
оралаб” каби шеърий
тўпламлари нашр
этилган.

Ёруғ кунлар

Осмон ёғдуларнинг равшан кўйида
Чегаклар киприги севингга тўлиб,
Ҳаккалаб топади ариқ бўйида
Қўл тўзар зилол сув қиқирлаб кулиб.

Рангин зиёларга тўлмоқда олам,
Мунаввар кунларнинг боши ёруғдир.
Олтин қўшиқларга тўлди далалар,
Томларнинг бошида қизғалдоқ – тугдир.

Чумоли карвони ўрайди тоғни,
Қамал қилмоқлари тўққини ҳетмас.
Булбуллар ижара олурлар боғни,
Рўмолли уятган гуллардан кетмас.

Келар

Баҳор ёмеиридан қор ҳиди келар,
Ифорлар игиндан ёр ҳиди келар.
Кўнглимга қарасам, журъати йўқдир,
Ногоҳ ростин десам, дор ҳиди келар.

Дилимни ёруғга сўзларим қани,
Кўнгулнинг тўлпони – кўзларим қани,
Мен қаён борурман, бўзларим қани,
Жомимга боқурман, зор ҳиди келар.

Мен сурат гизурман, дилимга сурат,
Сийратим суврати топмади суръат,
Тилагим қийнайди: қон билан сур хат,
Йўқса, аъмолингдан хор ҳиди келар.

Мен тунлар титрабон унсиз куйлайман,
У билан тупроқни тинсиз ўйлайман.
Тасалло тинглайман, кўкка бўйлайман:
Ошиқ бўйларингдан нор ҳиди келар!

Мен эса йўқман

Бир бахт яшар, кўзинг қамашар,
Мовий ўлка, бир нуфуз игра.

Бир тахт яшар, кўрмаган башар,
Бир куй игра, бир шоҳ сўз игра
Мен эса йўқман...

Бир улкан қишлоқ бор, оққушлар қўнар –
Улкан кўллари тор, нилуфар унар,
Совуқлар гуллайди, иссиқлар кўнар,
Мен эса йўқман...

Бир жажжи шаҳар бор – бу улкан олам,
Аламдан қотганнинг бари шунда жам,
Булбуллар елканга кўниб олар дам,
Мен эса йўқман...

Бир куйги куйлайди, юраги биллур,
Юртдошлари уни султон деб биллур,
Султонлари қулдай қулогин илур,
Мен эса йўқман...

Сен бундай қарама, дўсти вафодор,
Мен сенга ҳег қатон бермасман озор,
Сен бўлмаган жойлар менга хору тор,
Мен эса йўқман...

Ким кимнинг кўксини нишон атайди,
Гийбат бозорида пигоқ қадайдди,
Бир тўп товламаги мени алдайди,
Мен эса йўқман...

Бир ўгоқ бошида қайнайди гойдиш,
Бир қўлни, бир дилни куйдирар эмиш,
Нега йил йўл қарар Муштипар, Хомуш,
Мен эса йўқман...

Бир йўл бор – покиза, озоддан озод,
Чорлаган ҳаёт бор, ҳаётдан ҳаёт,
Ўҳ, қатон ихтиёр қилурман, ҳайҳот,
Мен эса йўқман...

Қайдадир куйлайди мовий бедазор,
Қушлар товланади, шамоллар зангор,
Бу буюк томошо, сўлмас бемадор,
Мен эса йўқман...

Баргаси ўтади, фонийдир бари,
Жамулжам бўлармиз, биз ёшу қари,
Демайлик, Шафоат Куни дўстларим:
“Мен эса йўқман!”

Бу тун

Бу тун қаро кукундир,
Кундузнинг паргалари.
Зарралари ўтиндир,
Қора гулхан – тун қаъри.

Э воҳ, бутун сирга мўл,
Ёнди ёстиқдай китоб.
Қоп-қора бўлар овул,
Куйди нур, куйди офтоб.

Қора ит қора ҳура,
Оқ ит ҳам ҳура қора.
Билинмайди, югурар,
Буқалар тортар наъра.

Бутун бўларми бутун,
Зилзилага ўхшаи ҳол.
Ит кўзи – қора угқун,
Тун тусида зўр шамол.

Дарахтлар югургандай,
Кўп олдинга энгашиб.
Юлдузларни туртгандай,
Ой булутга эргашиб.

Қора булут, қора ой,
Кўринмайди ҳойнаҳой.
Тилсимланган тун бу тун,
Ҳайвон... нободод... шовқин.

Бўрилар тинмай увлар,
Итлар мушукни қувлар.
Тилсимни бошга тортиб,
Одамзод ухлар қотиб.

Озодлик

кимга нафасизлик
кимга нафасдир
бировага қафасизлик
бировага қафасдир.

Қуёш

нақ шаҳарнинг устида
таргар
шаҳардан қарасанг.

Булоқ

билан булбулнинг
қариндошлиги бор
иккови ҳам гул пойин
ҳўл қилар.

Айланар

Теран боқ, тегрангда замон айланар,
Бу замон бағрида имкон айланар.

Айланар шамоллар, қуюнлар баъзан,
Гоҳ ватан қўйнида виждон айланар.

Айланиб ўргилар миллат деб дўстинг,
Кўзингни катта оғ, шамдон айланар.

Ўзингдан гина қил, ёришмаса йўл,
Гар оёқ тортмаса, гандон айланар.

Бошни тутаверма мудом зарбага,
Босқон тушаверса, сандон айланар.

Йўлдош, топ, Ҳақ изла, айланмайди Ҳақ,
Унинг амри билан жаҳон айланар.

Ҳар кун


қанга нон кетар
қанга пул
шунга одамга
шукр
баъзан пул бўлмаса-да
нон бор
пул бўлиб нон бўлмаса ёмон
бир одам бор
пули кўп
пули кўп
нон емас
фақат асал ер
фақат асални
касал ер
балки ер ҳам ненидир ер
тежаб еса бўларди фақат.

Ихтиро

Қўзигоқ боқиб юрардим
бузоқ боқиб юрардим
узоқ боқиб турардим
осмонга...
баъзан кетиб қолардим
тоғлар томонга
қўзиларни, бузоқларни ҳайдаб
хавотир олардилар
бобом, катта отам, амаким,
саккиздами тўққизда эдим
қўл телефон бўлса дердилар
орзулардилар
умид қилардилар балки мандан
киста телефон бўлса
такрорлар эдилар нуқул
балки укамдан кутардилар
балки ўлкамдан кутардилар
орзулар ушалди
умидлар бош кўтардилар
хаёл кетар
бош қолар
бизлар фақат орзу қиламиз
ихтиро қилади
бошқалар.

Zarb

Qissa



Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизди.



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ
шоири.

1967 йили туғилган. Фарғона давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Юракнинг шакли”, “Кўнгил”, “Сени соғинаман”, “Мени эслайсанми”, “Қўшиқларим”, “Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун”, “Сени бугун кўрмасам бўлмас” каби китоблари нашр этилган.

Ағдарамиз!

“Мен зўрман!” – деди рақибнинг кўзлари.

“Зўр бўлмасанг менга пой бўлармидинг?” – паст келмади Рустам.

“Йўқ, мен сендан зўрроқман!” – тепадан келди рақиб ва бирин-кетин қўшалоқ зарбалар берди.

“Ў-ҳў... Ҳа, тузук... лекин барибир са-ал хомроқ-да...” – Рустам қўлқопларини қалқон қилди.

“Мен... бу кунни узоқ кутдим... Сен...” – рақиб кутилмаганда чапга шўнғиб, ўнг қўли билан чалгитувчи ҳаракат қилиб, чап оёғига вазнини ташлади ва росмана мушт отди.

“Энди кунингни кўрасан!” – Рустам ўзини орқага ташлади. Бели билан ринг арқонларини ҳис қилди. Ҳа, чекинишга жой йўқ. – “Хафа бўлмайсан-да, оғайни! Буни бокс деб қўйишибди...”

Одатда полвонкелбат боксчилар чарчаган хўрозларга ўхшаб бир-бирига бўйин солиб, турган жойида айланиб қолади. Булар енгилроқ вазнда бўлса-да, азбаройи иштиёқ сабаб ортиқча куч сарфлаб, ҳакиллаб қолишди.

Рустам кўп жанг кўрган, кўпроқ қўлқоп титганига қарамай, ҳозирги баҳс унинг учун иситма аралаш тушда кўраётгандай алоқ-чалок тусга кирган, устозининг кўрсатмалари узук-юлуқ бўлиб узоқдан келар, рақибининг юзи ўта баҳайбат, беўхшов ва совуқ кўринадди.

Устози Содиқ Бўтаев қўлини карнай қилиб қичқирар, депинар, гоҳ сочиқни жаҳл билан ерга уриб тепаларди – кошки, фойдаси бўлса...

– Рустам! Нима бало, қантарилган сўқимдай бурчакда турибсан! Чик-е! Ўв, худо чап қўлни сенга нимага берган?! Солмайсанми очиб бериб турганда! Ё ўзим чиқайми? – Хуноби ошган мураббий ёнига қараб гўё суҳбатдоши бордай хулоса беради, – йўқ, буни қулоғи том битган!

Ана энди гапни рақиб мураббийидан эшитинг:

– Қўйорма! Етвол! Тезроқ! Сол! Чалпак қип ташла!.. Ўлвор, пандовақи! Эсизгина шунча жасади! – У ҳам ёнида ҳамдарди бордай аввал ерга бир тупуриб олиб, елка қисади, – тавбангдан кетай, булар рингга чиқди дегунча қулоғи билан мияси ишдан чиқади. Бизни давримизда...

Бонг янгради. Боксчилар ўз бурчакларига боришди. Секундант рингга кириб, елпишни бошлади. Содиқ Бўтаев ёнбошда туриб, шогирдига сув ичирди:

– Оёқларингда кўпроқ ҳаракат қил! Яқин келса, қисқа зарба билан кутиб ол! Зарбаларинг охиригача етиб бормаяпти! Масофани ушла! Кўпроқ ҳаракатлан! Тўхтаб қолма! Фарқ унча катта эмас! Шошилма! Ютишинг шарт! Биласан-а, ютсанг, жаҳон

чемпионатига борасан! Қани, арслон! Афдарамизми? – Содиқ Бўтаев ўнг қўлини мушт қилиб узатди. Рустам устозининг муштира оҳиста қўлқоп уриб:

– Афдарамиз! – деди шахд билан.

Яна бонг янграб, боксчилар бир-бирига рўпара бўлишди. Томошабинларнинг олд қаторида оёқ чалиштириб ўтирган Элмурод Содиқ Бўтаевга луқма ташлади:

– Содиқ ака, қайдан топгансиз бу лакаловни?

Содиқ Бўтаев унга ўқрайиб қараб қўйди. Таниш овозни эшитган Рустамнинг кўзи бир лаҳза Элмуроднинг кўзи билан тўқнашди. Хаёлида рақиб бирдан Элмурод қиёфасига ўтди-ю, Рустам “ҳех!” деб пастдан юқорилатиб учирма зарба берди. Рақиб бирпас каловланиб турди-да, кўзлари ғилайланиб, бор бўйи билан ерга қулади. Ҳакам энгашиганча бармоқларини кўрсатиб санай бошлади:

– 1... 2... 3...

Рустам Элмуродга қаради, у нигоҳини олиб қочди.

Рингда саноқ давом этяпти:

– 4... 5... 6...

Рақиб туришга ҳаракат қилди, лекин ўзини йиға олмай, музда сирфангандек тойиб, чалқанча йиқилди.

– Тур ўрнингдан! Тур!.. Э-э-э... Атала! – дея рақиб мураббийи хуноб бўларди.

– 7... 8... 9... Нокаут!

– Бор экансану, Рустамжон! Онаниб кетай!

– Энди бораман-а?

– Борасан, борасан!

Бир “Зарб” билан...

Кўп йиллар бурун газетада Иқбол Мирзонинг бир лавҳасини ўқиб, “Шоирда қора сўзгаям уқув борга ўхшайди, наср ёзиб кўрса бўларкан” деган гап ҳаёдан ўтган эди. Шунгами, куни кеча учрашганимизда “Қисса ёздим, ака, бир кўз ташлаб берсангиз” деганида унчалик ажабланмадим, лекин ичимда, ҳа энди, шоир кўнгилинг анчайин таманноларидир-да, деб қўйганимни ҳам яширмайман.

Адашган эканман, қаранг. Худди кўпдан бери наср машқ қилиб юргандек (эхтимол, шундай ҳамдир) ишонч билан, эркин, равон қалам сурибди. Тўғри, одатдаги қуюшқонларга солиб қараганда, унча-мунча “хато”лари чиқади. Аммо кўлам кенг, персонаж бисёр (одам гоҳо калавнинг учини йўқотиб, чалкаштириб ҳам юборади), асардан романнинг нафаси келади, хомакироқ роман ҳам дейсиз.

Бироқ булар бари даққи қонун-қоидаларга кўрагина! Билибми-билмайми, муаллиф шуларни бузган денг. Балки тўғри қилгандир, а? Бу борада унча-мунча ютқижиқлар сезилади, албатта. Аммо топилдиқлар ҳам кам эмас. Келинг, дарров оёқдан олавермай, бағирни кенг қилайлик. Бу – Иқбол шоирнинг насри! Иқбол Мирзо шундай ёзади, тамом-вассалом!

У шундай ёзадик, мутолаадан асло зерикмайсиз, асар енгил ўқилади, завқ билан ўқилади; халқона тилига, бурро ифода-ибораларига-ку тан бермай илож йўқ. Муҳими шу эмасми ахир? Ёзаверсин-чи...

Уш келибсиз, Иқболжон, абжир қаламингиз билан биз – нони қаттиқлар сафини тезроқ тўлдиргайсиз!

Эркин АЪЗАМ

Рустам камдан-кам одамга насиб этадиган тан-сиқ ва танқис сурур – голиблик завқи билан маст бўлса-да, мураббий қўлқоп ипини чуватиб ечаётган чоғи оғриқдан “ух” тортиб юборди.

– Нима бўлди?

– Бармоқларим... Узилиб тушади... Тортманг! Уҳ-ҳ, секинроқ!

– Шошма, кейин ечармиз... Бўпти, бор! Ҳакам депсиняпти...

Гумбалақидом-гум!

* * *

Ўн чоғли ўсмир қишлоқ четидаги сойбўйи сайхонлигида тўпланиб турибди. Нисбатан гавдалироқ, бошқалардан ёши каттароқ Жавлон сигарет қутисини намоийшкорона очяпти. Қути кетига оҳиста чертиб, бир дона сигаретни олди, эзгилаб юмшатди, кейин чақмоқтош ёқиб, олифтагарчилик билан тутатди. Болалар маҳлиё.

– Буни ўғил бола чекади. Эс-эс, битта тортманган – пес! – деди Жавлон тутаб турган сигаретни кўрсатиб.

Болалар бирин-кетин тутун тортиб, айлантиришди. Бирови йўталди, бирови ўқчиди, яна бири дудни тақлидан осмонга пуфлади. Жавлон елкасини ташлаб-ташлаб, яйраб кулди. Навбат четда турган озгинроқ болага келди.

– Ҳа, Азиз, ўзингни кўрсат! Битта ўғил болача тортгин, кули жингалак бўлиб, бурнингга тиралиб қолсин. Қани!

– Мен чекмайман.

– Нега?

– Чекмайман, деб қўйганман.

– “Чекмайман деб қўйганман?” – Азизнинг гапини мазах оҳангида қайтарди Жавлон. – Кимга деб қўйгансиз, опоқ бола?

– Бу – мени ишим! Чекмайман, тамом!

Жавлон кураш тушмоқчидай қулочини ёзиб, майда қадамлар билан гапириб кела бошлади:

– Қаранг-а-а! Қандай одобли боламан! Аълочиман, тирноқларимниям вақтида олиб юраман, бетимниям совунлаб юваман. – У шундай деб масхаромуз оҳангда кўшиқ бошлади:

Эрта билан туроман

Наҳори нашта-ё, наҳори нашта.

Гумбалақидом-гум!

Ўнг қўлимда игнаю...

Шу жойга келганда болаларга қараб кўз қисди:

– Ҳа!

Болалар жўр бўлишди:

Тиззамда кашта-ё, тиззамда кашта!

Гумбалақидом-гум!

“Гум!” дейилган пайтда Жавлон Азизнинг кўкрагидан итариб юборди, у ортида атай тўрт оёқлаб олган Мирзага айқашиб, чалқанча йиқилди.

Жавлон кўзларини олайтириб, шарқ яккакураш услубларига ўхшатиб, “ийя-ийя” деб ҳавони тепди, муштларини биқинига тираб, кескин ортга ўгирилиб, болаларга қараб ўзича:

– Ай-кидо! Мейд ин Жапн! – деб хитоб қилди.

Азиз эса ўрнидан туриб, жимгина кета бошлади. Шу пайт Мирза қайроқчилик қилиб, унинг йўлини тўсди ва гиж-гижлашга тушди:

– Ия, йўл бўлсин, опоқ бола? Сизда гурур борми? Сизни итариб, юмалатиб ташлади-ю, сиз бўлсангиз аммамни бузоғидай хўшшайиб кетаверасизми? Ҳеч бўлмаса, ярим шапалоқ совға қилинг қайтимига. Бўлмаса, болалар туғилган кунингизга рўмол совға қилишига тўғри келади! Рўмолингизни ранги қанақа бўлсин?

– Қоч йўлдан!

Мирза бирдан тўйда табрикка чиққан қизча қиёфасига кириб, кўйлагининг этагидан пастга тортиб, шеър айта кетди:

– Оқ рўмол бошингизда,

Сояси қошингизда...

Паранг рўмол ўрабсиз

Ўн икки ёшингизда!

Болалар қийқириб кулишди. “Фишт-фишт” овозли хўштаклар, “Июв-июв!”, “Ёмон қилди-ю, артист-да бу!” деган хитоблар янгради. Мирза иккала қўлини мушт қилиб, бош бармоқларини тиккайтириб, Азизнинг бурнига ниқтади.

– Қани-қани, отасими-энаси? – Кўзи билан бош бармоқларига ишора қилди. – Буниси – отаси, буниси – энаси. Қайси бирини танлайсан? Ё ўзим ушлашиб қўяйми?

Азиз қайроқчинини туртиб, четга сурди ва ўз йўлига кета бошлади. Орқадан югуриб етиб келган Жавлон ўзини ажриққа ёнбош ташларкан “шмик!” деб қийқириб, Азизни тўпигига тепиб йиқитиб, бир айланиб устига ўтириб олди. Эрмак қилиб қўлини қайирди, манглайини манглайига тирагудек бўлиб, “тирс” эткизиб бурнига чертди. Азиз ҳар қанча уринмасин, уни ағдаришга ожизлик қилар, кучли панжалардан билакларини қутқаришга илож тополмасди. Шу аснода тутқатор сўқмоғидан ўтиб бораётган синфдош қизларга кўзи тушган Азиз жон-жаҳди билан типирчилай бошлади. Хириллаган овозда бақирди:

– Қо-о-оч!

– Ие, сенсиратордизми? Тилингизни чиқаринг-чи, қани. Ай-яй-яй! Қаёққа қочай? Қошингиз билан йўл кўрсатворинг.

Жавлон росмана бир шапалоқ тортди-ю, Азининг бурни тирқираб қонаганини кўриб, апил-тапил ўрнидан турди. Шериклари билан қий-чув кўтариб, бошларида сумкаларини айлантирганча қишлоқ томон йўртиб кетди. Бироздан сўнг Азининг синфдоши Азим қайтиб келди.

– Азиз, ҳалиям ўтирибсанми? Битта тортганинда шу гаплар йўғиди. Болаларга мазах бўлганинг қолди. Биласан-ку уни, йўқ жойдан уруш чиқаради.

– Ҳа, ҳаммаёқни расвоси чиқди. Ҳаммасиданам Нурхон кўргани чатоқ бўлди.

– Нурхон? Сенга ҳали шу алам қиляптими? Усти-бошингни қара, кўйлакларинг қон...

– Буни ювса кетади...

Бу хўрозмас, туяқуш!

Дакан хўроз аввал бўйинини бир тўлғаб олди-да, гўё навбатдаги қоратомоша бошланганини эълон қилаётгандай бўғиқ овозда қичқирди.

Давра асосан ёшлар, ўсмирлар ва отасига эргашиб келган уч-тўртта болақайдан иборат бўлиб, кўпчилигининг қучоғида ҳар хил турдаги хўрозлар бетоқат фуқиллайди.

Баъзи “шинавандалар” ярадор хўрозининг жароҳатига эм истаб, ёш болаларга пул тутиб, “озгина чоптирворинг, той бола!” деб авраса, бошқа бир хангоматалаб хўрозбоз болапақирнинг капалагини учириб, “Хўв, чўмбирни оча кўрма, чувалчангдай чўрт узиб олади-я!” деб тиззасига шаппатилаб кулади.

Қийқириқ ва олағовурга тўла давра ўртасида иккита хўроз зўр бериб тепишяпти. Эгалари ҳам уларга монанд давра айланиб, гоҳ хурпайиб бошини елка ичига тортади, гоҳ турган жойида сакраб қўяди, қўлларини қоқиб, “жангчи” сига бақириб далда ва танбех беради. Даврадан: “Яшавор, акангни хўрози!”, “Биртепар-да бу, биртепар!”, “Тожи сини тиртиб қўй!”, “Бу хўрозмас, табака!”, “Менга қара, пихига писка қўймаганмикан?”, “Хўрозмас, бу – Тайсон!”, “Қочди-қочди, еди-еди!” каби овозлар эшитилади.

– Қаддингдан кетай, қадрдонлар, – деб сўз бошлади даврабоши ва одамлар тинчланишини кутиб, бир-икки ёлғондакам йўталиб олди. – Ўхў-ўхў... Кўриб турибсизлар, бугун қўштегирмонликларни омади чопган кун экан. Расул полвонни кулонкири Нажмиддин қассобни даканини қочирди. Хўкм қатъий, шикоятга ўрин йўқ. Қани, даврага чиқинг-чи, Расулжон. Ўртоқлар, ўртоқлар! Соврин-

ни туманимиз азиз меҳмони, яъни меҳмони азиз Фуломжон... – Насабини қўшиб айтмоқчи бўлди, эслолмай давра четида гўдайиб ўтирган Фуломжонга қаради.

– Геракл Ҳожатбарор, деяверинг, ако, – деди тўрдаги йигит.

– Ҳа-я, эсим қурсин. Шахсан ҳомийлар ҳомийси Геракл Ҳожатбарор топширади совринни. Марҳамат!

Геракл ўрнидан турди:

– Бизда гап битта бўлади! Мана, мана шу компьютер Расулжон укамизга биздан савго! – Совринни топшириб, жойига ўтиргач, ёнидаги ёрдамчиси паст товушда сўради:

– Шеп, мукофотни жа-а кучайтирвормадикми? Ҳозир компьютер ҳокимдаям йўғ-у!

– Ҳали ичинг қотгани йўқ-да, бачам. Бу совринмас, тўр. Ҳали бу тўрга тилла балиқлар илашади. Кўзингга мўлтираб “Тила тилагингни!” деб туради. Кўряпсанми, ҳов анавиларни, – у даврадан четроқда тўп бўлиб қўлма-қўл наша тутатаётган йигитларга ишора қилди, – ўшалардан тушган бугунги даромаднинг ўзи совға-саломни кўтарди.

– Шеп, сизга гап йўқ. Нашанинг ўзидан шунчалик. Ҳали “гера”га ўтсак, пишагимизнинг сумаги ҳам тилладан бўп кетаркан-да. Боризга шукур, шеп.

Давра яна жонланди. Қутиларни бирма-бир очиб совринни кўз-кўз қилаётган баковул монитори боши узра кўтариб намойиш қилди. Қувончдан лабларини йиғиштиролмаб қолган Расулжон баъзи қизиқувчанларнинг узатилган қўлларига уриб қайтарарди. Нўъмон Расулнинг энгидан тортиб, секин шивирлади:

– Ўртоқ, бунинг ҳалигидақа киноларниям тиниқ кўрсатса кераг-а?

– Унақа киноларни уйингда ўзинг қўясан, хўпми! – деди Расул жаҳл аралаш тўнғиллаб.

– Оббо, бирдан мулла йигит бўп қоптилар-у. Олчинга бориб, Каримжонни оғилида саҳаргача сўлакайинг оқиб ўтирганинг эсингдан чиқиб қолдими?

– Ҳозир битта ейсан!

Даврага оқ жайдари хўрозни бағрига босиб, Жавлон чиқиб келди:

– Меникига пой борми?

“Ие, Қуйқаданам хўроз чиқибди-да охири!”, “Колхозди хўрози ҳалиям бор экан-да!”, “Байбайбай, бу хўрозмас, туяқуш-ку! Мактабни оҳак чуқурига тушиб кетганми дейман”, “Бунга пойни қайдан топамиз энди, динозаврлар қирилиб кетган бўлса...” каби ҳазил-мазах гаплар янграб, даврада кулги кўтарилди. Жавлон каловланиб, атрофга нажот истаб боқди.

Даврабоши кулгидан ўзини зўрға тўхтатди:

– Ука, отинг нимаиди, ҳа, Жавлон. Аъзам Қуйқийни укасисан-да. Бу хўрозинг... – Хўрозни қўлга олиб, айлантириб, томоша қилди, – фақат қичқиради, холос. Ҳофиз хўроз-да бу.

– Нима деяпсиз, тоға. Маҳалладаги ҳамма хўрозларни тизгитиб юради.

– Хўроз билан макиёни фарқи-сарқига борасанми, укам шўх? – деб сўради кўзлари қизарган хўрозбозлардан бири.

Жавлон унга ўқрайиб жавоб берди:

– Сизлар фарқи-сарқига бормасаларинг керак-да!

– Йиғиштир майнавозчиликни, жибириқ. Кўтар товуқшўрвангни! – деди газабланиб хўрозбоз.

Шу пайт Геракл ҳинду сардорларидек ўнг қўлини кўтариб, ўрнидан турди. Даврадаги гала-говур, кулги тинди:

– Азиз биродарлар, орзуга айб йўқ, ниятга – гуноҳ. Бу йигитни иштиёқини сўндирмайлик. Бўладиган болага ўхшайди. Хўрозига рақиб йўқ бўлса, демак, у – голиб. – Ёнига қиморбозлардан бирини чақирди. – Менга қара, Мираббос, соврин сифатида бу укамизга битта жангари жўжангдан берасан. Ўзи тарбият қилсин, сен хабар олиб тур. Маъқул?

– Боз устига, Фулом ака, – деди Мираббос ва шоша-пиша эгилганча ёнбошига лўндагина қилиб нос ташлади.

Геракл Жавлоннинг елкасига қўлини қўйиб, пишанг бериб, қўлтиғига сув пуркади:

– Худо хоҳласа, кейинги мусобақаларда фақат сен соврин кўтарасан.

– Раҳмат, раҳмат, ака! – деди Жавлон севинчдан терисига сиғмай.

– Арзимаиди, бачам, – деди Геракл олисларга виқор билан қараб.

Бошқа сафар бўлмайди

Аслида, касалхонани ёқтирадиган одам топилмас керак. Албатта, дўхтирларнинг ўзлари бундан мустасно.

Болаликда ёппа эмлама пайти ҳамширалар қамалга олинган синфхоналарга бостириб кириб, спирт ва хлор ҳидини анқитиб, ўқувчиларнинг ўтақасини ёриб укол уришарди. Гарчи Рустам “Ўғил бола қўрқмаслиги керак” деган ақида билан укол қилиниши мўлжалланган жойини очиб, кўзларини юмиб тайёр турса-да, синфдошларининг оху фиғонлари унинг шуурида кўнгилни оздирадиган ҳадик уйғотган эди.

Рустамнинг отаси “Бизда шифохона эмас, касалхона бор”, деб кўп айтарди. Бу жайдари ҳикматни қаҳрамонимиз ёши улғайиб, жиддий баҳсларда жароҳат олиб, дўхтирлар билан юзма-юз қолган

чоғларида тушуниб етди. Мана, ҳозир ҳам врачдан текширув натижаларини билиш учун қабулга кириб улгурмай, Рустамнинг ранги оқариб, кўнгли беҳузур бўлиб турибди.

У хонага кириб борганда Содиқ Бўтаев асабийлашиб, тинимсиз у ёқдан бу ёққа бориб келар, ора-сира қўлларини совунлаб юваётгандек бир-бирига айлантириб ишқалаб қўярди.

– Бўлди-да энди, бошимни айлантириб юбордингиз-ку! Ўтиринг! Сиз ҳам ўтириб олинг, ўртоқ қаҳрамон. Мана, қаранглар, – дўхтир рентген қоғозини мураббийнинг пешонасига тирагудай бўлиб қалтиратди. – Учта бармоғи синган. Панжаси эзилган. Миясиям чайқалганга ўхшайди. Тамом!

– Жаҳон чемпионатига бориши керак. Саралаш баҳсларидан ўтди. Тушуняпсизми? Нима қилиб бўлса ҳам тузатиш керак. Ишонган боксчимиз шу ахир!

– Ҳа-а... Эчкига жон қайғу, қассобга – ҳалигидақа...

– Илтимос-да энди, дўхтир... Бир амаллаб беринг, – деди Содиқ Бўтаев қўлини кўксига қўйиб.

– Ғалати гапларни гапирар экансизлар-а сизлар... Бу бармоқни сирач билан ёпиштириб, қотириб қўйиб бўлмас. Мия ҳақида гапирмай қўяқолай. Одам ўзига ўзи шунча жабр қиладими, тавба.

– Ҳозирча вақтимиз бор. Кейинчалик яхши бўп кетар?... – бошини қийшайтириб илтижоли қаради мураббий.

– Албатта, кўрмагандай бўлиб кетади. Фақат беш-олти йиллардан кейин. Лекин мия чайқалиши жиддий масала. – Шифокор столдаги сигаретни олиб, лабига қистирди. Тутатмасдан гижимлаб, ахлат челагига чертди. – Ташлаш жуда қийин бўляпти-да. Қисталоққа ўрганиб қолган эканман...

– Нос тузук. Атрофдагиларга зарари камроқ. Ерни унумдорлигиниям оширади... – деди Содиқ Бўтаев зўраки ишшайиб.

– Э-э, бари бир гўр... – Бирдан куйиниб гапиршига тушди. – Ака, кейинги зарба уни бир умрга тўшакка миҳлаб қўйиши мумкин. Жаҳон чемпионатидаги рақиблариям илоё калтак еб келай деб бувисидан дуо олиб боришмайди-ку. Хўп, уларни ютар ҳам. Жаҳон чемпиони ҳам бўлар. Кейин унга уйида сиз шопирма атала ичириб ўтирасизми? Сиз сабабчи бўлиб қоласиз. Қўрқмайсизми? Бировни боласи-я... – Дўхтир Рустамга ўгирилди. – Уйланганмисан?

– Ҳа.

– Ана! Бола-чақасини боқадими ё уни боқишади-ми? Болалардан нечта?

– Энди, худо хоҳласа... – деди Рустам ўнғайсизланиб.

– Э, ҳали қиладиган ишинг кўп экан-у, бўладиган иш билан шуғуллансанг-чи. Сен рингда эмас, бошқа ёқда жанг қилишинг керак, укагинам.

– Нима дейсан? Бу гал бўлмаса бошқа сафар-да, – деди Содиқ Бўтаев ноилож тақдирга тан бериб.

– Бошқа сафар бўлмайди, – гўдранди Рустам.

Орага бир муддат оғир сукунат чўқди. Аламзада Бўтаев шифокорга сохта табассум билан боқди:

– Дўхтир, янгисини эшитдингизми?

– Яна Файрат қизиқ тўқигандир-да?

– Ажойиб кунларнинг бирида бош шифокор хонасига сизга ўхшаган ходими кириб, “Хўжайин, бугун эрталаб келган бемор билан гаплашдим, жуда яхши одам экан бечора, нима қиламиз, даволаймизми ё яшайверсинми?” дермиш. И-е, ва-ха-ха-ха!

Шифокор пинак бузмади:

– Файрат тўқигани аниқ. “Ажойиб кунларнинг бирида” деб бошлашидан маълум. Яна “Агар касалнинг умридан берган бўлиб, бу дунёдан ризқи узилмаган бўлса, дўхтирлар ҳеч нарса қилолмайди”, деган қочирим ҳам ўшаники... – шифокор шовқин солиб бурун тортди, – энг ёмони... уни мутойибалари тумов-пучқоқдай юқумли. Қайси даврага борсанг, янгисини эшитдингизми, деб куйдирилган кўйкалладай тиржайиб туришади. Кеча биттаси замонавий мақол деб бир гап айтди, худойида қулмаган одам қолмади. Нимаймиш, “Бой қўлини чўнтагига солиб қашланса, табиб қўл узатади”, эмиш. Ким кўрган экан? Шу Файратга ўхшаганлардан чиқади-да... Майли, қўлга тушиб қолар уям...

Ҳардамхаёл ўтирган Рустам ўрнидан турди:

– Демак, етиб кепмиз-да?

– Рухсат бермаяпти-ку манави... дўхтирлар. Лекин гапи тўғри, соғлиқ билан ҳазиллашиб бўлмайди. Даволан! Ҳали сенинг ғалабаларинг олдинда... Ўша охирги зарбанг зўридан ўзингниям бармоқларинг синди. Нокаут қилмасанг ўлармидинг?

Тузукмисан, Азиз?

Азиз сўрида тушкун кайфиятда оғир хаёл суриб ўтирибди. Онаси хонадан чиққанини пайқаиб, шоша-пиша ёнидаги китобини қўлига олиб, дуч келган жойини очди.

– Ҳой бола, китобни тескари ушлаб ўтирибсан – бир. Мени алдамоқчи бўляпсан – икки. Ниманидир яширяпсан – уч. Молга сув бермабсан – тўрт. – Онаси шу ерга келганда бирдан оловланиб кетди. – Қанақа боласан, ўзи? Мунча мени куйдирасан? Дардинг бўлса, айт, дадангга ўхшамай! Даданг келсин...

Азиз индамасдан оғилга кириб, пақир кўтариб чиқди ва кўчага йўл олди. Ортидан дастурхон кўтариб чиққан онаси “Мен ров Икром домланики-

га ўтиб дам солдириб қайтаман, ҳазир бўлиб уйда ўтир”, деди-ю, илдам жўнаб кетди.

Азиз ариққа пақир солиб, оқар сувга қараганча ўйга толди. Шу пайт мактабдан қайтган Нурхон ва дугонаси Мукаррамхон унинг ортида тўхтаб, бирдан саволга тутишди.

– Ҳа, Азиз, тузукмисан? – деб гап бошлади Нурхон.

– Тузукмисан, Азиз? – деб унинг гапини такрорлади Мукаррамхон.

– Ҳа, яхшиман. Раҳмат, – қад ростлади Азиз. Кейин мактабга бормагани бирдан эсига тушиб, гапини ўнглаб олди. – Бошим ёмон оғрияпти. Уҳ!

– Вой, нега оғрийди?

– Нега оғрийди, вой?

– Билмайсанми? – деб сўради Азиз Нурхонга синовчан қараб.

– Нимани?

– Нимани, Азиз? – гап қўшишда давом этди Мукаррамхон.

– Кўрмадингми?

– Нимани кўраман? – Нурхоннинг қуюқ қошлари чимирилди.

– Нимани кўраман, Азиз? – атрофга аланглади дугонаси.

Азиз хурсанд бўлиб кетди:

– Ростданми? Ҳеч нарса кўрмадингми?

Нурхон жилмайди:

– Йўқ.

– Йўқ, Азиз, – хандон отиб кулиб юборди дугона.

– Ҳа, унда яхши. Бошимам оғримай қолди.

– Ие, Азиз, тезроқ уйингга кир. Ҳидоят опамиз келяптилар. Биз сени касал деб айтиб қўйганмиз.

– Ҳа, айтиб қўйганмиз, Азиз. Уйингга кир.

Азиз шоша-пиша челақни лапанглатиб, уйига югурди. Ҳидоят қизларнинг саломига алик олиб, Азизларнинг бир қаноти қия очик дарвозасидан “Ассалому алайку-ум, ким бор?” деб ичкарилади.

Кўзёшдан фойда йўқ

Чорбоғ томони бўз мато билан тўсилган ҳовлидан совуқ маъраканинг нафаси кетмаган: бурчакда ҳали йиғиштириб олиб кетилмаган қозон-ўчоқ, чойқумгон, маърака стол-стуллари кўзга ташланади. Ўрта ёшли икки киши айвон четига тўшалган якандозда омонатгина ўтиришарди. Улардан бири қўл телефонда ниманидир диққат билан томоша қилар, иккинчиси ҳафсаласизлик билан ҳовлининг баланд-пастини кўздан кечирарди.

Элмурод устунлари тоб ташлаган дарвозахонада икки фарзандини қучоқлаб ўтирган аза кийимидаги аёл билан гаплашиб турибди:

– Энди-и... келин, кўзёшдан фойда йўқ. Укамни ризқи узилган экан. Нимаям қилардик? Менам сиздан кам куйганим йўқ. Она бошқа бўлсаям, ота бир укам эди.

– Энди нима қиламиз?.. – деди келин болаларини маҳкамроқ кучиб. – Булар нима қилади?

– Мана, биз бор, қариндош-уруғ бор...

– Раҳмат, минг раҳмат. Энди, ака, уйни гаров пулидан қутулиб олсак эди...

– Гаров пули? – деди Элмурод жиддийлашиб. – У нима дегани? Ҳовли аллақачон сотилиб кетган. Билмасмидингиз? Уйни янги эгаларини укамни қирқи чиққунча сабр қилинлар, деб тўхтатиб турибман.

– Нима? – Бу гапдан илонни ушлаб олгандай сесканди келин. Сўридагилар ўрнидан туриб жиддий қиёфада дарвозахона томонга бир-икки қадам ташлашди. – Қанақасига? Гаровга дегандингиз-ку?! Ўн йилга...

– Хужжатга қўл қўяётганда қараганмидингиз? Тўғри, бошда уйни гаровга қўйиб, қарз олгандик. Кейин уйни бизга ўтказасан, деб туриб олишди. Ҳа, аттанг! Ўша кунни хужжатвозликда қатнашолмадим-да. Бўлмаса, сизга ўзим тушунтирардим.

– Ҳам уйдан, ҳам хўжайинимдан айрилиб қолдимми? Ҳиндистонда даволатаман, катта пул керак, ҳовлини гаровга қўййлик, деган гап сиздан чиққан эди.

– Ҳаракат қилдик-ку, бўлмади-да, келин. Ўз жигаримга ёмонлик тилармидим? Пешана-да, пешана... Дарди бедаво экан-да. Худодан зўр эмасмиз-ку.

– Ҳиндистонга обориб келишга сиз айтган катта пул ҳам кетмас экан. Таъзияга келган бағдошлик Озодахон ҳожи она айтдилар.

– Ўша Озода ҳожи сизга жой топиб берсин энди, – Элмурод росмана аччиқланди. – Шунчалик жони сизга қайишса... Маъракасани ким ўтказди, келин? Менми, менми? Э, яхшилиқни тенги эмас экансиз ўзи! – Соқчидай қотиб турган шотирига қараб давом этди. – Исмоил ака, мана шу уй сизники. Хоҳласангиз, ҳозир кўчиб келинг. Раҳмингиз келса, бир-икки ҳафта муҳлат беринг. Мен энди ўйиндан чиқдим. Бас!

Элмурод жаҳл билан қўл силтаб, катта-катта қадам ташлаб кўчага чиқиб кетди. Аёл болаларини бағрига босганча изиллаб йиғлаб қолди.

Сен оғриқни қайдан биласан?

– Ҳалиям оғриятими? – сўради Ҳидоят ачиниб.
– Ҳа, озгина бор, – деди Рустам истамайгина.
– Боққа чиқинг, сой бўйига тушиб, айланиб келинг. Оғриқ пасаяди, энгил тортасиз, чалғийсиз.

– Сен оғриқни қайдан биласан? Бирор марта қўл кўтарганим йўғ-у сенга... – Рустам тирсагига таяниб, бошини ёстиқдан узди, хотинининг қизарган кўзларига ажабланиб қаради.

– Мусобақаларда сизга битта мушт тушса... Кейин бошқа оғриқлар ҳам бор дунёда. Ўша пайтларда ўйлаб топганман бу муолажани... – деди Ҳидоят кўзларида ёш ҳалқаланиб.

– Йўғ-е... – Рустамнинг ҳайрати ошди.

Даҳлиздан чиққан онанинг кўзи ўғли ва келинга тушди. Огоҳлантириш маъносида томоқ қириб, улар томон юрди. Келиб “Ё бисмилло...” деб сўрининг четига ўтирди. Ҳидоят ўзига ўзи гапиргандай “Чойни янгилаб келай-а?” деди-да, чойнакни кўтариб, ошхона томон юрди.

– Рустамжон, болам, қўлинг тузукми? Ўзи дўхтирларни гипс-мипсидан кўра ўзимизнинг тахтакач дуруст эди. – Рустамнинг гипсли қўлини силаб, сўзида давом этди она. – Хоҳлаганда ечиб, тухум-пухумми, мўмиёми суриб, яна боғлаб қўйса бўларди.

– Мўмиёни ичяпман-у, ая.

– Ичган бошқа, сурган бошқа, болам, тезроқ битади-да. Зирқираяптими?

– Йўқ, яхши.

– Ўлгудай қайсарсан-да. Минг марта айтдим сен болага йиғиштир бу ҳунарингни, деб. Ҳўкиздай йиғит шаҳарма-шаҳар лўкиллаб муштлашиб юрса... Кимдан чиққан томоша экан бу қуриб кетгур. Яна телевизордаям кўрсатишади-я.

– Спорт-да, ая, спорт. Кўпчилик қизиқади. Шуғулланган одам соғлом бўлади...

– Шуми соғлом бўлганинг? Бир ҳафтадан бери кундузи сир бой бермай, кечаси алаҳсираб, ихраб чиқасан. Сен боланинг ё ошқозонинг, ё жигаринг касал. Бўлмаса гўжанак бўлиб ётмасдинг кучала еган кучукдай. – Она рўмолининг четини кўзларига босди. – Бу ёқда гулдек хотинингни умри ўтятипти. Менам неварамни ҳидлаб-ҳидлаб, бешикка белагим келади. Э, сен бунини хуморини билармидинг...

– Дадам уйдаими? – деди Рустам чалғитмоқчи бўлиб.

– Даданг қўлинг тузалишини кутиб турибди. Тузалволсин, яхшилаб савалайман, деяпти. Ёлғиз ўғил бўлса, қўлтиғимга кириб, мадад бўлиш ўрнига санғигани-санғиган, деяпти. Ҳали кўрадиганингни кўрасан.

– Болалигимда емаган калтагимни энди ерканман-да, – деб кулди Рустам. – Мусобақаларда еганларимам етар.

– Бизни гапимиз шу, бўкисингни йиғиштирасан, тамом! Агар ота-онангни розичилиги керак бўлса... – Она шундай деди-да, юзига фотиҳа тортиб, туриб кетди.

Рустам «ух» тортиб ёнбошга ағдарилди.

Соғиниб кетяпман-да!

Қодир бирдан қўл ва оёқ тормозини баравар босди. Велосипеднинг орқа гилдираги шағал сочиб, кескин бурилди-ю, кетаётган йўлларига тескари туриб қолишди. Қодир бир оёғини ерга тираб, укасига қаради:

– Нима бўлди? Нега йиғлаяпсан?

– Аямни соғиндим. Аям қайда? Қачон келади?

– Келади, – Қодир иккала панжасини ёйиб, укасига уч марта кўрсатди, – мана шунча ухлаб турсанг, келади.

– Ёлғон! Неча марта айтдинг бу гапни! Бувим ҳам доим аямни расмига қараб йиғлаб ўтиради...

– Эҳ, дадамиз касал бўлмаганида, уйимиз сотилмасди. Уйимиз сотилмаганида аямиз четга ишлагани кетмасди. Эҳ! – Қодир велосипед ромидан оёғини олиб, уловни манзил томонга ўнглади. Ботир қўлларини мушт қилиб ёзғирарди:

– Ўз амакимиз бизни алдаб кетди-я... Катта бўлсам ҳали роса дўппослайман...

– Сен қиз болага ўхшаб йиғлайвермасдан ўзингни қўлга ол. Бекорга мен сени боксга олиб бораётганим йўқ.

– Соғиниб кетяпман-да, – яна йиғлашга тушди Ботир.

Қодир китоб орасидан ярми чиқиб турган аясининг расмига кўзи тушиб, кўзёшини яшириш учун укасини маҳкам кучиб олди:

– Бўлди, йиғлама...

Ҳаммаси бекорчихўжа

Рустам қишлоқ дорихонасига кириб, жанжал устидан чиқди. Ширакайф Нўъмон дорихоначининг асабини зўр бериб эговлаётган эди:

– Нега йўқ бўларкан спирт? Спирт бўлиши шарт. Дўхтирди рецептнам керакмас. Сўраган одамга истаганича беришинг керак. Қонунда шунақа. Биз қанча бўлса, ҳаммасини оламиз. Тушундингми?

– Йўқ нарсани қандай қилиб бераман? Спирт тугаган. Кеча ҳаммасини қоқиштириб опкетгансиз. Шунча спиртни нимага ишлатасиз?

Нўъмон сурбетларча илжайиб, томоғига пўкиллаб чертди:

– Компресс, компресс!

– Дардим томоқ, дегин, – деб гапга аралашди Рустам. Нўъмон ортида турган ўртоғини кўриб, бирдан шаштидан тушди:

– Ие, Рустамжон, жиноят устида қўлга олдинг-ку, – ўзини оқлаш оҳангида давом этди Нўъмон. – Биласан-у, ҳозирги арақларга ишонч йўқ. Кўпи – туфта, ясама. Ана, Чичқон қишлоқлик Қурбон Чекушка Испарани арағини ичиб, заҳарланиб, қовун пойлоқчиликка кетворди.

Рустам юзига фотиҳа тортди:

– Худо раҳмат қилсин. Эшитмаган эканман.

Қачон?

– Эртага тўрт кун бўлади. Қадрдон бўп қолгандик. Жуда қўли очиқ, улпат йигит эди. Шундай йигит-а?.. Юрагинг ачиганидан ичасан-да одам. Бўлмаса, зарилми?

Рустам керакли дориларни олиб, пул санаркан, Нўъмон сотувчига тинмай:

– Бир жуфт спирт ҳам қўшвор, бунинг кимлигини биласанми ўзи? – деб жаврарди.

Дўкон олдидаги супада бир тўп ёш-яланг қарта ўйнаб ўтирибди. Мағлубнинг бурнига чертаётган пайти “Бурнингни опқочдинг! Бошқа чертаман”, деб норозиланди голиб. Мағлуб эса паст келмади, “Мана чертасан!” деб ўдағайлаб қўлини дутор чертаётгандай силтади.

Биллиардхонанинг эшиги ланг очиқ бўлса-да, азбаройи кўп чекилганидан тутун ичидаги тумонат одам ҳаммомнинг пархонасидагидек айқаш кўзга ташланади. Ичкаридан “Бўлди, бўлди, ҳов тирриқ! Кийни жойига қўй, сендан бошқаларам одам! Пулни чўз, хунаса!” деган хитоблар эшитилди. Оғзаки жанжал ўт олиб, бир тўда йигитчалар бир-бирини судрашиб чиқишди. Чиқишди-ю, ўзларига ачиниш ва ҳайрат билан қараб турган Рустамни кўриб, попуклари пасайди. Қовушмайгина саломлашиб-сўрашиб, яна чиққан жойларига кириб кетишди.

– Аҳволни қара-я! Давангирдай йигитлар... – деди Рустам карахт ҳолда.

– Нима қилишсин? Иш йўқ. Ҳаммаси бекорчихўжа. Кўпчилиги четга бориб, қайтага қарз бўлиб келган. Рекетни қўлига тушиб, ер тимдалагани қанча. Буларгаям осон тутма... Мана мен, мактабда қоровулман, топганим уйга етиб бормайди. Носқовоққа нон борми, дейдиганларданман. Ўшан-чун ичилади-да. Бўлмаса зарилми?

– Ошхўрга ош, нонхўрга нон топилади. Ишлайман деган одам ҳеч қачон ишсиз қолмайди. Бозор одамларни йўлдан оздирди, қайси йўлдан бориш кераклигини билмай, кўпчилик гангиб қолди. Бу кунлар ҳам ўтади.

– Ҳамма бемазагарчилик иш йўқлигидан кеп чиқади. Шунинг катталарга бир оғиз шипшитиб қўйгин, Рустам. Энди, сенам катта одамсан. Бизи гапимизни ким эшитарди. Ўшан-чун ичамиз-да. Бўлмаса зарилми...

Эшак ҳам восита

Жазирама туфайли хамирдай юмшаб қолган асфальт йўлдан қайноқ ҳовур кўтарилади. Назорат постида турган милиционерлар узоқдан келаётган қора “Мерседес”ни кўриб, жонланиб қолишди. Уловдан туш-

ган Геракл ва ҳайдовчисини бир четга тортиб қўйиб, автомашинани обдон текширишди. Милиционерлардан бири ерга қоп тўшаб, ёнбошлаганча дудбуронга тут новдасини уч-тўрт марта тиқиб олиб ҳидлаб кўрди.

– Йўғ-у, қаерга яширган бўлиши мумкин? – деди у ётган жойида шеригига шивирлаб. Кейин ёнига келиб, камарини ҳидлаётган итнинг бўйнига новда билан беозоргина уриб қўйди, – Дозор! Иди! Сиди!

– Ҳайронман, бошим қотди. Лекин бу жуда тул-лак-да. Худо билади, қанақа усул қўлладийкан?

– Ёки хабарчилар адашдимикан?

– Исковуч ҳам тополмади. Нима қилдик? – биринчи милиционер фуражкасини ечиб, елпина бошлади.

– Бошлиқдан сўраб кўр!

Биринчи милиционер йўл четидаги бўлмага бориб, телефонда гаплашиб, қайтиб келди. Геракл ўзини бепарво тутиб, қарсиллатиб сақич чайнаб турарди.

– Мана, хужжатлар, кетишингиз мумкин.

– Майли, раҳмат, командир. Хижолат бўлманг, вазифангиз шунақа, тушунаман, командир. Хизмат бўлса, биз – доим шай.

– Ҳайр, саломат бўлинг, – деди иккинчи милиционер энсаси қотиб.

Геракл машинага ўтиргач, улов бир гуриллаб олди-да, равон юриб кетди. Ортидан қараб қолган биринчи милиционер ўзига ўзи: “Барибир қўлга тушасан, борадиган манзилинг аниқ”, деб қўйди.

Адирлар орасида Гераклни қўйпода ҳайдаган эшакли киши қарши олди. Улар машинадан тушиб, ўша томон йўналди.

– Шеп, бу сафар ҳам чалғитдингиз. Боризга шукур. Ментларниям тоза ҳафсаласи пир бўлди.

– Мақсад йўлида ҳамма воситалар ўзини оқлайди. Ҳатто эшак ҳам.

Эшакли киши узатган гиштдек келадиган сувқоғозли ўрамни олиб, унинг қўлига пул қистирди. Қайтгач, машина ўриндиғи тагига матоҳни яхшилаб жойлади.

– Ҳайда, бос!

– Ўзимизни чойхонагами?

– Ҳа! – Геракл завқ билан хиргойи қила кетди. – Чай-хана, чай-хана, чайхана!

Қўшиққа ҳайдовчи ҳам қўшилиб куйлади, рул чамбарагини чилдирма қилиб чаларкан, елкаларини учириб муқом қилди.

– Боризга шукур, шеп. Чай-хана, чай-хана, чайхана!

Ҳисоб – 18:15

– Яна бир бора ассалому алайкум, ҳурматли рақонлик футбол мухлислари! Камера ва микро-

фонларимиз мактабимиз марказий стадионига ўрнатилган! Шу жойдан гапирамиз ва кўрсатамиз. Бугунги финал ўйинида 6-“А” ва 6-“Б” синфининг терма жамоалари майдонга тушган. Иккинчи тайм. Ҳисоб – 17:15. – Нўъмон ўқувчилар сумкаларидан ясалган дарвозаларни яна бир бор қадамлаб ўлчаб чиқди, – марҳамат, кутиб олинг, майдонга қишлоқлараро тоифадаги ҳакам – Илҳомжон домла кириб келяптилар!

Муסיқа ўқитувчиси Илҳомжон домла майдон марказига салобат билан яқинлашиб, бармоғини оғзига солиб, ҳуштак чалишга бир-икки марта уринди. Бўлавермагач, кўзи билан Нўъмонга ишора қилди. Нўъмон иккитадан бармоғини баравар оғзига тиқиб, тантанали ҳуштак чалди. Ўйин бошланди.

– Тўп 6-“Б” синф Пелеси, биринчи таймнинг ўзидаёқ 14 та тўп киритган Азизбек Раҳмоновда! У ҳимоячини эпчиллик билан алдаб ўтиб, дарвозага яқинлашиб боряпти. – Нўъмон дарвозада қатор туриб олган ўйинчиларга ўшқирди. – Ҳов! Қайси биринг дарвозабон! Битта одам турсин! Зарба! Го-о-о-л! Ҳисоб – 18:15!

Стадион четидаги ўриндиқда ўтирган синфдош қизлар Азизни олқишлаб, қийқиришди. Азиз Нурхонга қараб, жилмайиб қўйди.

Рақиб жамоаси голни тан олмай, ҳакамни ўраб олди.

– Домла, гол бўлгани йўқ. Тепадан кетди, – деб турган жойида сакради рақиб жамоа сардори.

– Гол бўлди, гол! Дарвозабонингни қўлтиғидан ўтди-ю! – деди ҳакам чўрт кесиб.

– Сумкаларди тепасидан ўтди – штанга!

– Ҳеч қанақа иштонга-пиштонга бўлмади. Фирт гол! Бўлмаса, катта кўча, сурларинг бетдан. 6-“В” ҳам навбат кутиб турибди.

– Домла, битта ўн бир қўйиб беринг, – ялинди рақиб сардори.

– Бўпти, кўрамиз. Нарироқ тур.

Нўъмон қўлини карнай қилиб эълон қилди:

– Ҳурматли футбол мухлислари! Ҳозиргина гол ўтказиб юборган 6-“А” синф терма жамоаси таркибида ўзгариш бўлади. Диққат, диққат! Қорни оғриб қолган Мўминжоннинг ўрнига легионер хужумчи Жавлонбек тушади. Энангни кўрдинг, 6-“Б”!

6-“Б” жамоаси сардори ҳакамга эътироз билдирди.

– Домла, у 8 да ўқийди-ю!

– Легионер деяпти-ю.

– Бўлмаса менам дадамни чақирайми “легионер” деб... Уйнамаймиз!

– Унда ютқазди деб эълон қиламан.

– Ўйнаймиз. Гап битта, – деди Азиз пешонасидаги терларни кафти билан сидириб.

Ўйин яна бошланди. Жавлон ҳаммани туртиб, чалиб, йиқитиб, қўполлик қила бошлади. Лекин тепган тўплари дарвозага аниқ бормади.

– Легионер ҳужумчи Жавлонбек бугун сал мўл-жалга адашяптилар. Бу киши учун кўчма дарвоза ташкил этиш таклифи бор. Яъни унинг тўпи қай тарафга думаласа, дарвозани ўша тарафга кўчириб турамыз. Қалай?

Жавлон Нўъмонга ўқрайиб қараб қўйди.

Азиз рақиб дарвозасига шиддат билан яқинлашиб бораркан, қаршисида пайдо бўлган Жавлоннинг чатаноғидан тўпни олиб ўтди. Кулгили аҳволда қолган Жавлон аламига чидай олмай очиқдан-очиқ Азизни ортидан чалиб йиқитди. Ҳамма норози увиллаб юборди, ҳуштакбозлик авжга минди. Лекин ҳакам ўйинни тўхтатмади. Нўъмон унинг ёнига югуриб бориб, ёқасидан олди.

– Кўзми бу, пўстакни йиртиғими?! Жарима белгила! Тез!

– Ўзи йиқилди.

– Агар “ўн бир” бермасанг, ўзинг тепиласан!

– Бўпти! Ўзинг ҳакамлик қилавер! Ҳуштагингам ўзингда. Мен чарчадим.

– Унақада ўйин тугади! – Нўъмон тўпни олиб, ҳуштак чалди ва тантанавор эълон қилди. – Бугунги финал голиби – 6-“Б” синфи! Ҳисоб – 18:15. Ҳамма уй-уйига, така – тўйига!

Нўъмон бориб оёғини уқалаб ўтирган Азизни тургазди. Азиз оқсоқланиб майдон четига чиқиб ўтирди. Нурхон унга ачиниб қараб турар, Жавлон эса масхаромуз тиржаярди.

Яхши туш кўрдим

Токнинг қатлама барглари оралаб кўзга тушган қуёш нурлари гашни келтиради, бошни озгина нари суриб оласану, лекин бироздан кейин яна кўзларингни офтоб топиб олади.

Кўчада машина тўхтагани, эшиги очилиб-ёпилгани эшитиб, Рустам тирсагига таянганча бош кўтариб эшик томон қараб қолди. Тош тиралган дарвоза қаноти сурилиб, устози Содиқ ака кириб келди.

Сўри тагида думи билан ер супуриб ётган қари кўшпак меҳмонни кўриб, вазифаси юзасидан эринибгина ҳар бир товушини алоҳидалаб ҳорғин овозда “В-о-в, в-о-в” деб қўйди.

– Рустамжон, талонғич эмасми, ишқилиб? – деб сўради Содиқ ака ортига бир қараб олиб.

– Яхши одамлар эсида туради. Илгариям кўришгансизлар шекилли? Сўрига чиқинг, устоз. Ё уйга кирайликми?

– Йўқ, иш зарил. Тур, кетдик шифохонага. Чиқмаган жондан умид. Балки ҳаммаси жойидадир. Яхши туш кўрдим.

Шу пайт томорқа тарафдан “Рустамжон, меҳмон келдими?” деган овоз эшитилди. Кўп ўтмай қўлида ўроқ кўтариб, хонадон соҳибни кўринди:

– Ия-ия, келинг, Содиқжон. Касал тузаладиган бўлса, табиби эшик қоқиб келади, деган машойихлар. Мени дардимни шифойи сизда. Келинг, қани, бир кўришиб қўяйлик.

Чол қўлидаги ўроқни ток зангига илиб, меҳмон билан қучоқлашиб кўришди. Тўшакка тушган узум баргини олиб ташлаб, такалуф қилди:

– Келинг, ўтиринг.

– Иш зарилроқ эди-да. Дўхтирлар кутиб қолишди.

– Ишингиз шу ерда ҳал бўлади. Дўхтирингизга кеча мен бориб келганман. Масала ойдин.

Содиқ ака савол назари билан Рустамга қаради, у “ҳеч нарсадан хабарим йўқ”, дегандай елка қисди. Меҳмон ноилож сўрига ўтирди.

– Рустамжон, сен чой-пойга қара, – деб ота меҳмонга изоҳ бериб қўйди. – Бугун қайнона-келин кидириб кетишганди, уйда ўзимиз.

– Яхши-да, – деди Содиқ ака нима дейишини билмай. Унинг фикри-зикри чол айтмоқчи бўлган гапда эди.

Ота Рустам кетган томонга бир қараб олди-да, шивирлади:

– Содиқжон, болани энди тинч қўяйлик. Дўхтирлар айтди, энди катта баҳсларга ярамас экан. Жигариниям узоқ даволаш керак, дейишди. Мени шундан бошқа палагим йўқ. Сиз ҳам мен тараф бўлинг. Сизга ўхшаб мураббий бўлсин. Эртага бир бало бўлса, мен буни кўтаролмайман. Тушунсангиз керак.

Меҳмон ишонган дўстидан қарз сўраб келиб, раджавоби олгандек жуда ноқулай вазиятда қолди.

– Майли-да, – деди у. – Нимаям дердик. Менга ҳам фарзанддек Рустам. Аслида, бир соғлигини сўраб қўяй деб келгандим. Тушимга кирибди.

Гипсли қўлига дастурхон ташлаб, соғида чойнак кўтарган Рустам сўрига яқинлашиб, тифиз вазиятни ҳис қилди. Аввал отасига, кейин устозига қаради.

– Мана, устозинг ҳам менинг гапларимни айтяпти. Энди Ҳидоят билан болага уннанглар. Мактабда ишлайсан. Вақти билан мураббий бўласан. Пўкониинг ел кўрмай тоза оғирни устида, енгилни остида юрдинг. Энди рўзғор нималигини, ҳақиқий ҳаёт қандайлигини кўр. Бурнингга бир сув кирсин...

Рустам қўлидаги чойнакни сўрига қўйиб, меҳмон ортидан жимгина эргашиб кўчага чиқди.

Бу – бизнес

Иккинчи қават деразасидан миллиқ ўқидек

янграган “Мунир!” деган ҳайқириқ Гераклнинг ҳовлисини исканжага олган баланд деворлардан оша тоғ тошларида акс-садо бергандек бўлди.

– Ҳа, нима, тинчликми? – деди аёл бошига бир нарса тушадигандек кафтларини иккала чаккасига босиб овоз чиққан томон қараркан.

– Чиқ бу ёққа! Ҳе, мочағар! – бақирди Геракл деразадан қаҳрли қиёфада бош чиқариб.

– Вой, ҳозир, мана боряпман. Урди худо!

Хонада ғазабдан бўғриқиб кутиб турган Геракл хотини кириши билан бурчакдаги сейфнинг очиқ эшигидан темир қутичани олиб стол устига зарда билан қўйди.

– Ким тегди? Ким?! – Гераклнинг овозидаги ваҳшат аёлни деворга қапиштириб қўйди.

– Бо ҳаққи Худо, билмайман.

– Ким тег-ди!?

– Ўлибгина қолай!

– Ўғлинг қани?

– Кўчада... Тоҳиржондан кўряписизми?

– Энангдан кўряпман. Чақир! Тез бўл!

Хотини эловланиб эшикка йўналди. Геракл сабри чидамай, деразадан пастга қараб бақирди:

– Бек, ҳов, Бек! Тоҳирни тез чақириб кел! Бўл!

Геракл бетоқат бўлиб, сейф ёнига борди, эшигини кўрсаткич бармоғи билан нуқиб ёпган эди, яна қайта қия очилиб қолди. У қўшқават сўкиниб, столда турган қутини қайта очиб қаради, кейин стулга ўтирганча бош чангаллаб қолди. Оғир уҳ тортди. Орадан бироз вақт ўтиб, хонага ранги-қути ўчган Тоҳиржон оёқ учида кириб келди.

– Ким билан чекдинг? – деди Геракл ғазаб билан ўшқириб.

– Нимани? – деди Тоҳиржон жовдираб.

– Сейфни ким очди?

– Ўзи очиқ экан.

– Очиқ экан? Очиқ экан деб... – Геракл боласига яқин келиб, паст, аммо ваҳшатли оҳангда вишиллади. – Чекдингми?

– Йўқ, йўқ, дадажон...

– Нима қилдинг?

– Озгина олиб, тоғамга бердим.

Геракл хотинига қаради:

– А-ҳа! Телефон қил, чақир касофат укангни!

Ўзини қўли эгрилиги етмагандай энди бизникниям ўргатяптими! Терисини шилиб, гўштига гера сепаман! Бир тўйсин!

– Бо худо, аввал билинг, суриштиринг. Ёш бола ни гапига ишониб...

– Йўқол! – Хотини каловланиб чиқиб кетгач, ўғлига юзланди. – Ўтир! – Ўртага таранг сукунат тушди. Тоҳир бегона дарахт шохига қўнган чумчуқдай бесаранжом ўтирар, икки юзи кунгайда

қолган мисдай қизиб, пешонасига тер тепчиди.

Геракл чуқур уҳ тортди-да, кутилмаганда мулойим оҳангда сўз бошлади. – Ўғлим, сен тилаб олган биттагина фарзандимсан-а? Сендан бошқа бойлигим йўқ. Мен ҳам сен учун шунақаман деб ўйлайман. Яхши кўрасанми мени? – Тоҳир ердан кўз узмасдан тасдиқ маъносида бош ирғади. – Ҳамма нарсам сеники. Фақат сен соғ-саломат, бақувват, ақлли бўлишинг керак. Шу гапим қулоғингда бир умр қолсин... – Шундан сўнг ўғлининг икки елкасидан тутиб, дона-дона қилиб уқтирди. – Наркотикка ҳеч қачон яқинлашма! Бу – жувонмарт бўлдим дегани!

– Ахир ўзингиз...

Геракл ўғлининг гапини кесди:

– Мен ёшлигимдан шу йўлга кириб қолганман.

Лекин ҳеч қачон герага ўтирмаганман. Сотаман, холос. Бу – бизнес. Худо урган бандалар, яшашга нолойиқ одамлар, кайф-сафо учун яралганлар ҳисобидан пул қиламан. Энди айб кимдалигини ўзинг ўйлаб кўр. Тушундингми?

Тоҳир яна тасдиқ маъносида бош ирғади.

– Эшитмадим!

– Тушундим...

– Қаттиқроқ!

– Тушундим, дада, – деди Тоҳир баланроқ товушда.

– Янаям қаттиқроқ айт! Ҳамма эшитсин! Бутун дунё эшитсин!

Геракл ўғлини бағрига маҳкам босди.

Филҳақиқат

– Биз учун бокс янги спорт тури эмас. Қадимда боболаримиз муштзанлик билан ном таратган. Бу ҳақда “Бобурнома” да аниқ маълумот берилган...

Азиз интервью бераётган Рустамни кўриб телевизор қаршисида миҳлангандай қотиб қолди.

– Зеро, кечирасиз жумлангизни бўлганим учун. Замондошлар учун қизиқ – сиз катта спортдан кетишга аҳду паймон қилиб, мураббийликка юз бурмоқчи экансиз, – тележурналист ўзига хос ўта сунъий, суҳандон оҳангда келишикларни урғулаб савол берди.

– Ҳа, шунақа бўп қолди...

– Ҳар бир олижаноб спортчи жаҳоннинг чемпиони бўлишни орзу қилади, бу менинг шахсий фикрим. Сиз эса, бинобарин, айни шу имкониятдан юз ўгириб, спортни тарк этмоқдасиз. Буни қанақа тушунмоқ ва англамоқ даркор?

– Ҳаётда сен кутмаган турли тасодифлар бўлади. Ўзим чемпион бўлолмаганим вақтинчалик армон менга. Бу армон шогирдларим чемпион бўлганда албатта ушалади.

– Филҳақиқат, сиз шу чекка қишлоқдан чемпионлар чиқади, деб чиндан ишонмоқдамисиз? Ёки ўзингизга таскин бериш учун гапирмоқдамисиз?

– Бизни болаларни бошқалардан қаери кам деб ўйлайсиз? Зуваласи пишиқ болалар, фақат тарбия ва эътибор керак.

– Чунончи, шунча файзиёб шаҳарлар, теран туман марказларидан чиқмаган чемпионлар чанг кўчалардан, шуғулланиш учун шароит номавжуд бўлган қишлоқ-овулардан чиқишига барибир ақлим бовар қилмаётир.

– Чиқади, кўрасиз. Ўшанда салом берамиз.

– Демак, “Ассалом, Ўзбекистон” дастурида яна бир дилтортар чиқиш айлаш ниятингиз барқарор. Инсон орзу билан яшагани яхши, десак асло муболаға бўлмайди. Бу менинг шахсий фикрим. Орзуси ушаладимми-йўқми, хомхаёллигича қолаверадими, бунинг бизга унчалик аҳамияти йўқ. Муҳими, ваҳоланки, орзу одамнинг эзгу мақсадлари йўлида бағоятда асқотади. Омад сизу бизни асло тарк этмасин!

Кўрсатув яқунланиб, об-ҳаво маълумоти берила бошлади. Азиз экранга термулганча ўйланиб қолди.

Чойхона

– Мана шу бизга ўхшаб улпатчиликни яхши кўрган шоир айтган экан:

Май итсанг оқилу доно билан ит,

Ёки гул юзли бир зебо билан ит.

Оз-оз ит, кам-кам ит, ҳам яширин ит,

Ҳақиқий мард инсон – Элмурод билан ит!

Даврада қийқириқ кўтарилди. “Ўша шоирам билган экан-да Элмуродбойни”, “Биринчи марта бамаъни шеър айтди ўзиям”, “Бошқа гап керакмас, қани, олдик” сингари гап-сўзлар янгради. Шу тоб эшик очилиб, зиёлинамо киши салом бериб кириб келди.

– Э, келинг-келинг, Жамшид ака. Кутиб қолдик-ку. Ана энди базми Жамшид бўладиган бўлди.

– Ҳокимимизнинг жияни шафтолидан заҳарланган экан, тепасида турдик-да ё ҳақ деб.

– Униям Ҳиндистонга обормаймизми?

Даврада яна кулги янгради.

Жамшид ака ўзига аталган жойга ўрнашиб олиб, гапга тушди:

– Ўзбекни соддаси кўп-да. Вей, нима десанг ишониб кетаверади-я.

– Жон аччиғи тутганда мол аччиғи ҳеч нарса-мас-да. Айниқса, ана кетар-мана кетар бўп турган одамга. Буям бизни бахтимиз.

– Ҳа, ўзимни содда ўзбегим-а. Сен кимсан, отинг нима демасдан борини қўшқўллаб тутқазади.

– Ҳаммагаяммас, ҳаммагаяммас. Ишонтириш керак, ишончига кириш керак. Мана, биз раҳбарларга юз фоиз ишонишади.

– Ўшан-чун сизни даврага тортганмиз-да, Жамшид ака. Озгина гипноздан ҳам хабарингиз бор, биламиз.

– Лекин ҳамма гап сизда. Сиз салобат билан кўр тўкиб турмасангиз, биров ишонармиди?

– Жамшид ака, дастурхонга қаранг. Олиб ўтиринг. Бу зиёфат бугунги операциямиз шарофатидан.

– Раҳмат, раҳмат. Элмурод ака, яна биттаси илашиб турибди. Дарди бедавога йўлиққан. Мудиримизни божаси экан. Бугун бир оғиз гап ташлаб қўйдим. Бу дардни Хитойда даволашади, деб. Пули бор – божаси сотди.

– Пули бўлса, шеп хамирдан қилни суғургандек суғуриб олади. Бу масалада шеп ўз жигарлариниям аяб ўтирмайди. Шеп! Ўзингизни укангизни қия қивордингиз-у, қойил! Боризга шукр, шеп. Лекин болларига сал раҳмим келди.

Элмуроднинг бу гапдан жаҳли чиқди:

– Олим ака тўғри айтади: фаросатни дўкони йўқ, деб. Бўлса, сенга бир қоп оберадим. Мен соққа йиғсам, манавинақа дастурхон учун эмас, келажак учун, эртанги бизнесимиз учун йиғаман.

– Узр, узр, шеп. Бунақа демоқчимасидим.

– Буюк мақсадлар йўлида катта қурбонлар берилади. Тушундингми? Сен барибир тушунмайсан. Келинлар, ушбу қадахни дунёдаги барча аҳмоқлар учун ичамиз.

– Шеп, бундан кейин ҳам тузоғингизга катта-катта лаққалар ва лақмалар тушаверсин.

Хизматчи йигитлар ҳалқа-ҳалқа пиёз сепилган қовурдоқ узатишди. Давра бир жонланиб олди. Санчқига илинган ҳил-ҳил гўштни оғзига солган Жамшиднинг кўзлари лаззатдан сузилиб кетди:

– Оҳ-оҳ-оҳ! Ейишдан бошқа нарсага ярамайдиган бўпти-ю!

Таом тугагунча санчқи ва қошиқлар шовқинига лаблар чапиллаши жўровоз бўлди.

– Энди ёшлар билан ишлашимиз керак, – Элмурод қоғоз сочиқчага лаб-лунжини артиб, чой хўплади. – Нега? Чунки ниҳолни тарбия қилсанг, узо-о-қ вақт мева беради. Уларни алдаш, йўлдан уриш катталарга нисбатан осон. Энг асосийси, бир гап бўлса, ота-онаси балоғардон бўлиб кетаверади.

– Тўппа-тўғри. Ака, ҳозир нима кўп? Бекорчи ёшлар кўп. Ким кўп? Пулга муҳтож кўп. Пул бўлса – чангалда шўрва.

– Ҳаммасини ота-буваси – пул...

Элмурод кутилмаганда юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди-да, давра аҳлига буйруқ оҳангида деди:

– Энди менга рухсат берасизлар! Сизлар бахузур ўтираверинглар! Ҳеч ким жойидан жилмасин!

Барака топсин Ҳидоят

– Дада, еримиз кенгайиб, ариқ торайиб қолганга ўхшайдими? Ё менга шунақа туюляптими?

– Ҳа, бола ёш, чиқмагансан-да яқин орада. Юргансан-да шаҳарма-шаҳар сандироқлаб ҳалоқунинг итидай. Ерга бегона – элга бегона, дейишади.

– Тўғри, охирги марта қачон чиққанам эсимда-ям йўқ.

– Анави ўрикзорнинг ерини шохдан йиқиллавери-б ўзинг қотиргансан. У ўриқлар энди қариди. Меваси сийрак. Анови... аянгни тандир касовига ўхшаб турган акашак шохларни каллаклагани чиқдик. Сен арра тортолмайсан, – деди ота Рустамнинг қўлига ишора қилиб, – болтаниям кўнгилдагидек соломмайсан. Тоғанг жиянларинг билан ёрдамга чиқаман деган экан, дараги йўқ.

– Айтган бўлса кеп қолар. Тоғам бир сўзли одам-ку.

– Бир сўзли бўлгани учун қирчиллаган ёшида амалидан айрилиб, яккамохов бўлиб ўтирибди.

– Унчаликмасдир-е, дада...

– Шунчалик-да, бола ёш. Ўзи, бу дунёда худо ургандан кўра бандаси ургани ёмон. Худо уриб майиб-мажруҳ бўп қолсанг, – шу сўзни айтиб ота ўғлининг бўйнига осиелиқ қўлига қараб қўйди, – бу гапнинг сенга алоқаси йўқ, хуллас, ногирон одамга бошқаларнинг раҳми келади, хабар олади, ёрдам қилгиси келади. Бандаси, яъни каттароқ раҳбар урса-чи? Тамом, ҳамма ўзини олиб қочади.

– Бу ҳикматларни қайда ўргангансиз, дада? Бобом раҳматли жуда камгап эди.

– Ҳаёт мактабида, бола ёш... Ҳавонинг айнаигиси бор, қўлинг зирқираяптими?

– Ҳа, буниям сезиб турибсиз-а?

– Ўзимам шу-да. Осмонга булут чиқса, оёғим қақшаб оғрийди. Унга буни нима алоқаси бор, шу жойига ақлим ожиз. Ўзи ёшинг ўтинқираб қолганда бирор жойинг оғриб, борлигини билдириб турмаса ўзингни ёмон ҳис қиладиган бўп қоларкансан.

– Дада, оёғингиз ростдан зинада тойиб синганми?

– Тойдириб синдиришган. Гдлян хунагани одамлари синдиришга уста эди. Лекин айбномага қўл қўймаганман. Буни биласан.

– Ўшанда ҳамма бир-бирини сотган экан-а? Жон ширин-да...

– Келгиндиларга роса худо берган-да, тоза яйрашган қўрқоқлигимизни, тарқоқлигимизни, худбинлигимизни кўриб. Қўй-е, падарига лаънат, эслатма ўша кунларни.

– Дада, нега биз шунақамиз?

– Қанақамиз?

– Бирлашмаймиз, бир-биримизни қўлламаймиз?

– Менам шунга ҳайронман. Тарихимиз ун-доғ-мундоғ деймиз, мақтанамиз, фалончининг авлодиман деймиз, лекин дўппи тор келса, тумта-рақай қочамиз.

– Балки, Шўро юрагимизни олиб қўйгандир?

– Хонлик даврида-чи? Ўшандаям худди шу томоша эди. Қодирийни “Ўтган кунлар” ини яна бир ўқиб қўй.

– Шунинг учун энди гурурли, ориятли, бутун йигитларни тарбиялаш керакмикан, эркин бўл-дик-ку, тўсиқлар йўқ, дейман-да, дада.

– Маъқул. Ўзинг ҳам пахтазорда туғилгансан. Болалигингда тузук-қуруқ кийинтиролмаганман, едиролмаганман. Ҳаммининг қора қозони бир маҳал қайнарди. Шундаям тоғни талқон қиладиган бўп чиқдинг-ку. Ҳозир шароит бошқа. Менимча, сени йўлинг тўғри. Энди ўзбекни даври келди. Спорт ҳам бирлаштирса керак авомни.

– Демак, сиз қаршимассиз-а? Аям ҳали кўрадиганингни кўрасан дадангдан, деб ўтакамни ёрғувди.

– Яхши аёл эрини улуг кўрсатади, тарбияга восита қилади. Ёмон аёл эрини ерга уради, шу билан боласиниям расво қилади. Сен билан мени бахтимиз шуки... хуллас, гапирсанг гап кўп...

– Мен ҳовлига тушиб чиқайми, дада?

– Ҳа, бола ёш, сен адирни ҳавосини олгин, тупроқни хидини туйгин пича. Бу давр ҳам ганимат.

– Бирпасда шунча вақт ўтиб кетибди-я. Раҳматли бобом билан ўрикзордан тош териб, сойлиққа ташиганимиз эсимда.

– Ҳа-а... Худо раҳмат қилсин бобонгни. Ҳа-лол одам эди... Ҳозир “ҳалол одам” десанг ношуд кимсани тушунишади, а? Ҳа, майли. Ишлаб-ишлаб, роҳатини кўрмай ўтиб кетди. Бу қисталоқ Шўро деганин деҳқонни кўкартирмади-да.

– Бобом ўзиям тинмасди, сизниям ҳеч тиндирмасди. Дам олиб ёнбошлаганини бирор марта кўрмаганман.

– Бизнинг умр заҳматда ўтди. Энди сенларники – маза. Гоҳида сени талтайтириб юбордимми деб ҳам ўйлаб қоламан. Негадир бегонасираб юрасан.

– Бу ёғи янги ерми? – гапни чалғитишга уриниб, соғ қўли билан кўчат экилган майдонга ишора қилди Рустам. – Ҳидоят айтувди. Булар қанақа кўчат? Гилосми, ўрикми?

– Болалигингда чироқни кўрсатиб, “Бу қайси қушни тухуми?” деб сўраган эдинг. Олма, жоноқи олма. Барака топсин Ҳидоят. Бу ерни ер қилгунча она сутимиз оғзимизга келди. У сени ўрнинггаям ишлади. Эҳ! Шу келинимга тирноқ ҳам берганда эди...

– Тоғам қайси ўғли билан келаркан, айтмаганми-ди?

– Нима фарқи бор? Ўрни ўзгаргани билан қиймати ўша. Бўлаларинг ҳам меҳнатни кийворадиган хилидан. Қайда соя бўлса, ўша ерда тоғаваччаларинг, ёзда, албатта...

– Ҳа-а...

– Уйга келиб, аянг билан гаплашиб ўтирган-дир-да чордана қурволиб, тўққиз қўйиб. Унга эшитадиган қулоқ керак. Ўтган бозор куни сўфи гимнастика, ҳақка нонушта қилмасдан уйга кепти аянгни сўраб. Ҳа десам, икки оғиз гапим бор эди опамга, дейди. Икки оғиз деб пешингача чакаги тинмаса-я. Радиогаям дам.

– Уйга тушиб чиқайми?

– Қўй-а. Шикаст қўлингдан уялиб, тутма-тут паналаб бориб-келгунингча бу ерда мен ўзим илдиз отворарман...

Сайр

Отда сайр қилишнинг бошқача гашти бор. Авто ҳам яхши, лекин у барибир темир-да. От бошқа гап. Сенинг раъингни, хоҳиш-иродангни одамдай ҳис қилади яхши от.

Сайр шавқини олган Тоҳиржон тулпорини гоҳ йўрғалатиб, гоҳ чоптириб адирни чангитади. Йўртганингда йўлдош бўлган шамол чопганингда қаршингга ўтиб йўлингни тўсмоқчи бўлади. Бундай пайтларда завқинг Шоҳимардон қояларидек юксалади, юрагингда ёввойи шодлик Кўли Қуббондек мавж уради: “Эҳ-е-й! Шамолла-а-ар, шамолла-а-ар, менга етиб оли-и-инг!”

Ҳаво чавандознинг қўйнига кириб, қўйлагини қанор қопдек шиширади. Димоғига адирнинг ўту ўланлари ўткир ҳидларини туттади, от тақаси зарбидан майда шўхак-тошчалар тангадек сочилади. Мовий осмонда беғам сузаётган уада булутлар ердаги отликнинг шиддату шаҳтини кўриб, ўзлари ҳам аста-секин тулпор шаклини ола бошлайди.

“Ҳа-а-айт!”

Тоҳиржон от бошини озод қўйиб, далада машқ қилаётган боксчи болаларнинг – тенгдошларининг рўпарасидан чиқиб қолди. Болалар беҳи шохига осилган қипиқ қопни дўппослаб шуғулланарди. Олдин узоқроқдан иккала қўлини дурбин қилиб томоша қилди. Кейин қизиқиши ортиб, яқинлаша келди.

Болалар унга бепарво назар ташлаб, ўз машқларини давом эттиришди. Икки бола астойдил бир-бири билан бокс тушар, қолганлари бошқа машқлар билан банд эди. Тоҳиржон отдан тушиб, жиловни тутганча узоқ вақт қолиб кетди. От бетоқат депсинар, пишқирар, лекин чавандознинг

фикри-зикри спортчиларда эди. Болалар томошабин пайдо бўлганидан янада руҳланиб, қойил қолдириш учун бор ғайратларини муштларига беришди. Уларнинг баҳамжиҳат, аҳиллик билан машқ қилаётганида, бир-бирига далда бўлиб, қўллаб-қувватлашларида, ўзаро самимий ҳурматларида аллақандай сирли қудрат сезиларди. Тоҳиржон отини етаклаб, тилар-тиламас машқ майдонидан узоқлашди.

Ўқитувчи бўлиш қийинми?

– Болалар билан ишлаш қийин-а?

– Осонмас. Лекин ўрганиб қоласиз. Ҳар бир бола ўзига хос дунё. Бугун бир ўқувчимнинг уйига бориб келдим. Ўзи ўқувли, тарбияли бола. Лекин бирдан уйдагиларга “Мактабга бормайман”, деб туриб олибди. Уч кундан бери дарсга келгани йўқ.

– Сабаби нима экан?

– Ким билади, айтмади. Борсам, уйда бир ўзи. Бошқалар Қўштегирмонга қидириб кетишган экан. Ҳовли хазон босиб ётибди. Бола тушкун.

– Мен танийманми? Оти нима?

– Танямасангиз керак – Азизбек. Пастмаҳалладан.

– Танийман, Носир аканинг ўғли-да?

– Таниркансиз, ўша... хуллас, дардини очиқ айтмагач, индамасдан супургини олиб, ҳовлини супуришга тушдим. Қўлимга ёпишади “Қўйинг, опой”, деб. Ўзи ҳаммаёқни саришта қилгунича супада кутиб ўтирдим. Бирам хижолат бўлдики. Менимча, эртага дарсга келади.

– Қойилман. Тайёр психолог ҳам бўп қопсан.

– Сиз ростдан ҳам мактабда ишламоқчимисиз?

– Физкультура ўқитувчисини иши қийинми?

“Қани болалар, тўпни олиб тепинглар. Қизларга жавоб, кетаверинглар. Шоввозлар, энди мактаб атрофида югурамиз. Бир, икки, уч, орқада қолган – ширгуруч”. Шуми?

– Қийинмас, – деди кулиб Ҳидоят. – Ҳар ҳолда уйга дафтар олиб келиб текширмайсиз-у. Ўт тушкур қоғозбозлик сизда камроқ бўлади. Лекин сабр-тоқат талаб этилади. Юрагингиз кенг бўлиши керак. Қўлингизга эрк бермайсиз.

– Болаларга бокс тушишни ўргатмоқчиман. Мактабга ишга кирмасам бошқа қаерда ўргатаман? Қишлоқда уйма-уй юриб, болаларни йиғиб чиқаманми? Мактабда эса дарс жадвали бўйича ўзлари келишади.

– Боксчи бўлиш учун мактабдаги дарс соатлари камлик қилмасмикан? Сиз ҳар куни шуғулланардингиз-ку?

– Камлик қилади. Аввал бошлаб олайлик. Кейин ўзлари келишади. Қиламан десам иш кўп. Ҳозир

асосийси бошқа масала. Бокс билан алаҳсиб, уйда кам бўлдим. Етарлича эътибор қарата олмадим сенга. Энди кўпроқ вақтимни сен билан ўтказсам дейман...

– Дафтарларни кейин текширарман, – Ҳидоят дафтар-қаламини йиғиштириб, ўрнидан турди, – тумандан тўкни узадиган пайт ҳам бўп қолди.

Бирга шуғулланамиз

– Дадажон...

– Нима дейсан?

– Ҳалиги... спорт яхши-а?

– Албатта, яхши. Мен ҳам сендайлигимда кураш билан шуғулланганман. Ҳозир ҳам, биласан-у, тонг саҳарлаб ўн чақирим югураман. – Елкасини кериб қўйди дадаси.

– Тоғанг ҳам спортчи, – деб гап қўшди онаси.

– Спиртчи дегин, – деди Геракл энсаси қотиб.

– Сиз билармидингиз, шахматни қотиради.

– Ҳа, шахмат тошини суравериб, мушаклари қайроқдай-қайроқдай бўлиб кетган экан-да?

– Дада, мен бокс билан шуғуллансам... Нима дейсиз?

– Нима дердим, маъқул. Шод бўламан, ўғлим.

– Хотинига бир қараб олиб, сўзида давом этди Геракл. – Мардларнинг спортини танлабсан.

– Жийронни совутиб юргандим, рапқонлик болалар шуғулланаётган экан. Роса ҳавасим келди.

Бу гапдан Гераклнинг ранги бўзариб, жаҳли чиқиб кетди:

– Нега у ёққа бординг? Пишириб қўйибдимми?

Ҳеч қанақа бокс-мокс йўқ! Гап тамом!

– Дадажон...

– Бирга шуғулланамиз! Сени ўзим пишираман!

У мусулмонмас – спортчи!

Бошдан-оёқ қоп-қора кийинган, оқ дўппили, эчкисоқол Қобил чамаси етти-саккиз яшар ўғил-часини диканглатиб, боғ оралаб шитоб ўтиб қолди. Ўғилчаси ҳам иссиққа қарамай банорас чопон кийиб олган, бошидаги оқ дўпписининг кегайлари тердан қорайиброқ кўринади.

Арраланган ўрик шохларини бир қўллаб тахлаётган Рустам йўловчиларга ажабсиниб қаради, ўнг қўлини ортига яшириб, салом берди.

– Ассалому алайкум!

Қобил ижирганиб, юзини тескари буриб ўтиб кетди. Рустам ҳайрон қолди. Ўзича: “Қаерда кўрганман, кўзга жуда иссиқ кўринди. Синфдошим Қобилга ҳам ўхшаркан”, деди-да, яна ўз ишига машғул бўлди.

– Дада, дада, анави Рустам амаки синфдошингизми? – деб сўради Қобилдан ўғли.

– Ҳа, тезроқ юр!

– Нега саломига алик олмадингиз? Домламитиз: “Саломга алик олиш парз”, дейди-ку?

– Мусулмонни саломига алик олиш керак. У мусулмонмас, спортчи.

– Ие, дада, Муҳаммад Али деган боксчиам мусулмонликни қабул қилган экан-ку!

Қобил ўғлининг юзига бир тарсаки туширди:

– Менга қара, эй Абдуқундуз, неча марта айтганман сенга телевизор кўрмагин деб. Кўзингни ўйволайми? Қайда кўрдинг?

Абдуқундуз ҳиқиллаб йиғлашга тушди:

– Кўрмадим, кўрмадим, дадажон! Мактабда синфдошларим айтди.

– Ҳе-е, ўша мактабингга, валлоҳи аълам! Энди бормайсан! Таълим-тарбияни охиригача Остонақул ҳазратимдан оласан!

Абдуқундуз баралла йиғлаб юборди, ерга ўтириб, товони билан тупроқ суриб, хархаша қила бошлади:

– Мактабим яхши, дада! Устозларимам яхши!

– Яхши устозни энди кўрасан, – Қобил бирдан тутақиб кетди. – Эй, Абдуқундуз, отага гап қайтарма! Дўзахи бўласан! Тур, кетдик, Қайсар Рум!

Бола туравермагач, даст кўтариб елкасига тарози қилиб ташлади-да, йўртиб-йўртиб, йўлда давом этди.

Оталар сўзи

– Рустам акани қаердан топса бўлади?

– Боксчими?

– Ҳа.

– Ҳўв ана ўзи. Болалар билан...

Кўликлар юриб кетди.

Рустам тўгаракка янги қабул қилинган болаларга тартиб-қоида тушунтирди:

– Асосийси – узлуксиз машқ. Бунинг учун ирода керак. Ирода нима, биласизларми? Бу қийинчиликларга чидам дегани. Хуллас, боксчи бўлиш учун чинакам ўғил бола бўлиш керак. Тушунарлими? Хўп, бугунга етади, – Рустам машғул тугаганини эълон қилди.

– Устоз, қачон мусобақаларга олиб борасиз?

– Олиб бораман. Жўжа тухумдан чиқиши учун камида йигирма кун керак, пўчоқни ёришга ярайдиган даражада чумдуги қотган бўлиши шарт. Хуллас, сабр-тоқат, ирода ва машқ!

– Чемпион бўлолмаганлар меласага ишга кирсам бўлади, а?

– Ниятни яхши қилсанг-чи! “Чемпион бўламан”, деб олдингга мақсад қўй, интил!

Меҳмонлар болалар тарқалишини кутиб туришди. Ниҳоят Элмурод ҳоли қолган Рустамнинг ёнига келиб, қўл чўзди:

– Салом!

– Ваалайкум ассалом, – деди Рустам хушламай.

– Ёнингизга ёрдам сўраб келдим, Рустамжон.

Биламан, мени ёқтирмайсиз, лекин отам замонидаги гапларни кўтариб юриш сизга ярашмайди. Ўтган ишга саловат. Эгилган бошни қилич кесмас, дейдилар...

– Шаҳардаям яхши мураббийлар кўп.

– Ўзимизда отни қашқасидаймиз-да. Кўздан на- рироқда машқ қилишгани яхши. Кўз тегмайди.

– Болаларингиз неча ёш?

– Ҳар хил. Шерзод, неччидасан?

– Йигирма иккида.

– Бундан ёшроқлари кўп, бироз катталариям бор.

– Узр, мен мактаб болаларига ўргатаман.

– Пулига гап йўқ. Хоҳласангиз олдиндан тўлай- миз. Бехижолат.

– Мен бошқа мақсадда ўргатаман. Шогирдла- римни ҳалол чемпионликка тайёрлайман. Меники – спорт.

– Бизам спорт тарафдоримиз. Қанча кўп чемпи- он чиқса, шунча яхши! Суягиям, гўштиям сизни- ки...

– Яна ўша гап... Бир пайтлар мени кўча жангига тортиш учун минг хил найранг ишлатган эдингиз. Энди...

– Энди... Мен тадбиркор одамман, очиғи, қайда пул борлигини орқам билан ҳис қиламан.

– Шунақа гапларни жиним суймайди...

Элмурод ҳал қилувчи сўнгги зарба бермоқчи бўлди:

– Ахир ўқитувчининг ойлигига яшайдиганлар- дан эмассиз-у.

– Сиз мени ғамимни емай қўя қолинг. Биров- нинг ғамини егунча...

– Сиз бировмассиз-ку, юртдошимиз ҳарна...

– Сизни йўригингиз, йўлингиз бошқа.

– Жавоб беришга шошманг. Ҳар томонлама ўйлаб кўринг. Мураббийлик қилаётганингизгаям анча бўп қолди шекилли, неча йил бўлди?

– Бир йил.

– Вақт бирпасда ўтиб кетади. Қарабсизки, бир қўлда ҳасса, бир қўлда бурноқларни шимилди- ригини артиб юраверасиз. “Кейинги пушаймон – булбулимни ушлайман”, дейдилар. Ёки ростданам шулардан катта боксчилар чиқади деб ўйлайсизми?

– Чиқади! Мана шу болалардан жаҳон чемпион- лари чиқади!

– Жаҳон чемпиони?! – Элмурод кула туриб ча- кагини ушлаб қолди. – Кулдирманг. Ўзим ҳам бокс тушиб тураман. Кулсам чакагим оғрийди.

Рустам илжайди.

– Бекорга куляпсиз. Ёшим катта бўлсаям ун- ча-бунчасидан зарба ўтказмайман.

– Ўтибди-ку.

– Сизнинг орзуларингиз ҳақидаям эшитгандим, – деди Элмурод кесатикқа парво қилмасликка тири- шиб. – Аммо бунчалик ўжарлигингизга ишонмаган- дим. Бўладиган ишдан гапиринг. Тарихда ўзбекдан жаҳон чемпиони битта чиққан – Руфат Рисқиев. Унгаям неча йил бўлди? Кейингиси қачон бўлиши номаълум.

– Муҳаммадқодир-чи?

– Уям адашиб биттагина чиқиб қолган-да.

– Яна чиқади.

– Рапқондан-а?

– Рапқондан.

– Менга қаранг, йигит, қишлоғингизга Куба- дан манаман деган мураббийлар келиб, тавалло қилсаям мўъжиза рўй бермайди. Четда туриб кучанганинг билан қисир сигиринг эгиз тугмайди, деганлар. Эси-ҳуши жойида одамга ўхшайсиз-у, гапираётган гапларингизни қаранг. Ундан кўра тирикчилигингизни қилсангиз-чи! Ё анави ран- гида раҳмони йўқ шогирдларингиздан бирортаси қарсиллатиб пул санаяптими – менга йўқ дейсиз? “Фалонча бўлади”, денг, тамом, вассалом!

– Яна ўша гап! Яна пул! Менга қаранг, иккита жиянингиз Қўштегирмондан велосипедда қатнай- ди. Эшитишимча, укангизни ўғиллари экан. Улар- ни яшаб турган уйини “касал укамни Ҳиндистонда даволатаман”, деб сотиб, пулини кўча жангига тикворибсиз. Болаларга ғамхўрлигингиз, спортга муносабатингиз шундан аён!

– Одамлар нималар демайди, – деди Элмурод гангиб. – Укамнинг бу дунёдан ризқи узилган экан. Нимаям қила олардик. Жияларимни эса “Онам ёлғиз”, деб келин эргаштириб олиб кетди. Укамни хотинига хўжайинчилик қила олмайман-ку. Рус- тамжон, майда гаплардан баландроқ бўлайлик, дўстим.

– Хўп, хайр!

Элмурод машинага ўтиргандан кейин ҳам Рус- тамдан кўз узмади.

– Бехуда ишларга умр сарфлаб юрадиган ғалати одамлар ҳам бор-да. Бунақалар хоҳлаган пайтимда дунёга яна келаман деб ўйлашса керак.

– Шунақа афандилар билан ҳаёт қизиқ-да, босс.

– Девона дегин. Лекин бугун шу девонанинг номи бизга жудаям керак. Фалончининг шогирди деган гапнинг ўзи спортчининг ҳурматини кўтариб юборади.

– Ҳа... Босс, балки палакат босиб, жаҳон чемпио- ни чиқарар? Худо билади...

– Бўталоғим, худонинг ишига аралашиш

одобданмас. Сен ўз ишингни қилиб, текисроқ йўлдан ҳайдайвер. Яхши йўлдан юр!

– Тушундим, босс, узр... Отам ҳам нуқул ёмон йўлга юрма, дейди.

– Оталар сўзи – ақлнинг кўзи!

Савдомиз пишмади

– Ҳа, тақсир, қишлоққами?

– Қишлоққа, Қобилжон, қишлоққа.

Қобил йўловчилар машинага жойлашиб олгач, томоғини қириб, сўз қотди:

– Собир ака, каминага Қобилжон дебмас, Абдиқобил деб гапираверинг.

– Ие, узр. Отингизни бошқа қўйдингизми?

– Бошқатдан туғилдингизми, деяверинг. Ҳақ йўлини тутганмиз, иншолло.

– Машина қуллуқ бўлсин.

– Қуллуқ, мошолло.

– Деҳқончилик бу йил зўр бўпти-да?

– Астафурullo! Афандимисиз, тақсир? Ерга тирмашган ер бўлади. Деҳқончилик билан тирикчилик қиб бўлармиди?

– Сизам савдога ўтдингизми?

– Тақволи бандасига тепадан тушади, – деди Қобил кўзи билан шифтга ишора қилиб.

– Тепадан? Қанақа қилиб, Қобил... Абдиқобил?

– Яхшилаб сўрасангиз, Ўзи беради.

– Бизгаям ўргатинг.

– Ҳа, балли! Менам шуни айтаман-да. Бу ўткинчи дунёда худобехабар бўлиб ўтишнинг оқибати дўзахнинг олови, валлоҳи аълам. Охиратни ўйлаш керак, охиратни, тақсир. Шунда бу дунё ҳам обод бўлади.

– Шу дунёни обод қилолмай доғдамиз-да, Абдуқобил.

– Тақсир, мундоқ бизни давраларгаям бош суқиб туринг. Ўғингиз ҳам таҳорат оладиган ёшга етиб қопти. Мана, менинг Абдиқундузим ҳазратимнинг даргоҳида ўқияпти. Мактабни йиғиштирган. Камгап, одобли бола бўлиб қолди, кўз тегмасин. – Қобил кутилмаганда машинани тўхтатди. – Укам, отинг нимаиди? Ҳа, Абдуллажон-а? Бирпас пастга тушиб тур. Ҳа, балли. – Абдулла машинадан тушиб, эшикни ёпгач, шивирлаб давом этди. – Тақсир, бу ибодатларни дунёвий мукофотлайдигон биродарларимиз бор. Даврага кириб, аъзо бўлсангиз, рўзгор ҳам бут, ҳамён ҳам бўғоз. Мана шу ўғилчангизни ҳазратимга беринг. Кам бўлмайсиз, тақсир.

Собир бироз ўйлашиб, иккиланиб турди:

– Узр, ҳазрат ким эди?

– Ҳа, бағдодлик Мамасоли ҳазрат-да.

– Ҳалиги бутилка махсимми? Бағдоддаги китоб дўконини сотиб олиб, ароқ магазинига айлантирган ўшамасми мабодо?

– Астофурullo! Тақсир, биринчидан, ароқ билан шаробни фарқи катта. Шароб Ибн Синони китобидаям бор, шифо дейилган. Иккинчидан, ҳазратим ичишним, сотишним ташлаган тавбаси калонлардан. Ўйлаб гапиринг!

– Шунақа демайсизми, мен уни яхши танийман. – Собир ойнадан ўғлига қаради. – Чиқ, Абдуллажон. Бўлди. Савдомиз пишмади.

Ҳасрат

– Бу... эр дегани буюм-пуюммасакан-да! – деди Шаҳноза овозида йиғи билан. – Куйдиргани куйдирган. Яна мени устимдан кулгани ортиқча.

– Нега кулади? Ойдай хотин бўлсанг, чеварсан, пазандасан...

– Баҳона-сабаб топиб кулгани кулган. У куни ҳовлида кир ювиб ўтирсам, эшик тақиллаб қолди. Чиқсам, оқ халат кийган бир йигитча билан бир аёл турибди. Шундай-шундай, ҳар эҳтимолга қарши, ит-кучук, мушукларни қутуришга қарши эмлаб юрибмиз, дейишди. Хўп, ҳозир, дедиму, у кишим ётган болохонага чиқиб, кучугимизни эмлатиб қўяйлик, ўз оёқлари билан келишибди, бор-йўғи тўрт минг сўм экан, дедим. Маъқул, деб харом илжайиб қўлимга пул узатди, санамай олаверибман. Қувалаб юриб, Бўйноқни тутиб, уколни уришди. Пулни берсам, ҳалиги ветеринар аёл биз битта кучукни эмладик, сиз иккитага пул беряпсиз, дейди...

Ҳидоят хандон ташлаб кулгу бошлади-ю, кафтини оғзига босиб, силкиниб-силкиниб узоқ кулди:

– Оббо қуриб кетмагур-ей, боплабди-ю...

– Мендаям қолиб кетмайди, биласану, қайтиб чиқдим болохонасига, ҳа, бўлдим, дейди тиржайиб. Билиб турибман, қайнисингилларимга тайёр латифа кўзлаб ётибди. Менам боладим. Тўрт мингини ёстиғига ташлаб, “Хотиржам бўлинг, қайнонанингиз уйида экан, у ёққаям кирдик”, дейишди, дедим.

– Урмадимми?

– Ўрнидан тургунча ҳовлига тушиб, дарвозани ёнига борволдим. Эринди шекилли, деразадан хезланиб қўяқолди.

– Рустам акам эрингни дилкаш, кўнгли оқ деб мақтайди. Бировга ёмонлиги йўқ, дейди.

– Бировга ёмонлиги йўғу, оилага яхшилигим камда... Ўтган йили латареяга қизиқиб, битта қўйни пулни кўкка совурганиди. Энди хўроз ўйинга танда қўйди.

– Тавба...

– Ўзи болаларга ёлчишиб бирор нима олиб бермайди. Тайёр емлаб турган сўқимимизни сотиб, Расул полвонни хўрозини сотволди. Қолган пулни белига туғиб “дод” деганимга қарамай Жийдалига қоратомошага кетди...

– Мактаб пайти энг аълочилардан эди-я эринг? Физикада ҳеч ким етолмасди.

– Мактаб бошқа, ҳаёт бошқа экан-да, Ҳидоят, мана, сени Рустам аканг...

Дугоналар ҳасратлашиб, дардлашиб эшик томон юришаркан, дарвозахона тоқчасига қўйиб кетилган бозорликни кўриб, бир муддат гапдан тўхташди.

Қоратомоша

Рустам Жийдалига етиб борганида давра томошабин билан тўлиб-тошган, тўрда Геракл хом макарон ютган бабоқдай кўр тўкиб ўтирарди. Икки четда икки даъвогар хўрозини совутиб турар, уларнинг бири Нўъмон эди.

– Қаддингдан кетай, қадрдонлар! – деб ҳамма-нинг эътиборини ўзига қаратди даврабоши. – Ана энди бугунги томошанинг энг зўр жангига етиб келдик. Эсларингда бор, Расул полвонни хўрози кўп жангларда голиб чиқиб келаётган эди. Ана ўша кўлинг ўргилсин кулонкир мулла Нўъмонжоннинг номидан жангга киради. Рақиби узункўчалик Ихтиёржоннинг дакани. Қани, ким кимга тикади?

– Ўзимиз бошлаб берамиз-да бўлмаса. Мана, беш юз кетди, – деди Нўъмон илжайиб.

– Мендан юз, – деди Ихтиёр атрофга аланглаб.

– Қадрдон хўрозимга минг тикаман, – Расул бармоғига туфлаб пул санай кетди.

– Ия, ия! Ҳамма Нўъмонжон тарафга ўтиб кетди-ю! Бирорталаринг Ихтиёржонга ҳам тикинлар.

– Бизники доим таваккал! Гардкам! Ихтиёржонга икки минг тикдим, – деди Геракл.

Жавлон давра айланиб, дов тикканларнинг пулини йиғди ва иккита алоҳида қутига жойлади. Кейин Нўъмонга яқин келиб:

– Агар ютсангиз, бир умр Иззат акани чойхонасида биқинга болиш тортиб кайф қилишингизга етадигани йиғилиб қолди, – деди тирсаги билан шимини кўтараркан.

– Ютаман-да! Эрталаб Расулжоннинг ўзи хўрозимга хом жигар едириб, оқ фотиҳа бериб кетган. Кўнглим тўқ.

– Бизиям қуруқ қўймассиз, ака, – Жавлоннинг гапига Нўъмоннинг энсаси қотиб, эшитмаганга олиб қўяқолди.

Даврага ташланган хўрозлар, одатда, рақибига ҳайбатли кўриниб чўчитиш истагида хурпайганча бир-бирига ёлғондакам даф қилади. Лекин негадир Нўъмоннинг хўрози паришон ва қарахт кўринар, зарбаларга жавоб қайтармас, рақиб хўроз эса тўхтовсиз чўқиб, тарсиллатиб тепарди. Нўъмон саросимада нажот қидириб, атрофга аланглай бошлади. Расулга кўзи тушиб, у томонга қараб юрди. Расул елкасини қисиб, қўлларини ярим кўтариб, ҳайрон-

лигини билдирди. Нўъмоннинг олазарақ кўзига гўё томошабинлар унинг устидан қотиб-қотиб кулаётгандай, бармоқларини бигиз қилиб мазахлаётгандай кўринди. У қанотини беўхшов ёйиб, чўккалаб ётган хўрозига, пул солинган қутиларга қаради. Шу пайт даврага кириб келган Рустамга кўзи тушди-ю, хўрозини даст кўтариб, югуриб унинг ёнига борди. Геракл ўрнидан тургач, давра сув қуйгандек тинчиб қолди.

– Бу нима номардлик? Хўрозни ташланг охиригача! Ё энгилдим деб тан олиб қўяқолинг!

– Йўқ-йўқ! Бу ерда бошқа гап бор! Фирром бўлди! – деди Нўъмон талвасага тушиб.

– Нима фирром бўлди? Исботинг борми?

– Билмайман! Лекин кўнглим сезяпти. – Бирдан Расулга қараб давом этди. – Ҳа, Расул... мараз, эрталаб жигарга қўшиб дори бериб қўйгансан, иплос! Экспертиза қилдираман!

– Экспертиза? Балки БМТга борарсан? Ўзинг қиморвоз бўлсанг, нима деб шикоят қиласан? – деди Геракл жаҳл билан.

– Нўъмон, ўша эрталабки жигардан қолганми? – гапга аралашди Рустам.

– Бир бўлакча қолувди.

– Тамом. БМТга бориш шарт эмас, ҳозироқ аниқлаймиз. Кетдик!

Расул каловланиб Гераклга қаради. Геракл шошиб бориб, Рустамнинг йўлини тўсди.

– Танишсак бўладими? Осмондан тушдингизми? Шотирларидан бири Гераклнинг қулоғига секин шивирлади:

– Боксчи, чемпион бу. “Арслон” дейишади.

Геракл Рустамга истеҳзоли қаради:

– Эчкини ўлгиси келса... Нега бировнинг ишига тумшуқ суқасиз?

– Булар менга биров эмас. Сиз кимсиз?

Нўъмон Рустамга шивирлаб, уни таништирди:

– Геракл дегани шу бўлади.

– Тушунарли.

Геракл Рустамнинг биллагидан ушлаб, четга тортди:

– Гаплашиб олайлик.

– Нимани гаплашамиз?

– Мақсад нима ўзи?

– Пулимни қайтариб берсин! – деб орага бош суқди Нўъмон.

– Бу эркакларни ўйини. Лафз олтидан қиммат! Ё хабарингиз йўқмиди? – ҳақ талаша бошлади Ихтиёр.

– Тўхтанлар! Тўхтанлар! – деди Геракл иккала қўлини кўтариб. – Ростанам тушунмовчилик бўлганга ўхшайди. Расул, бери кел! Хўрозга нима бўлган? Буларнинг шубҳаси ростми?

(Давоми 36-42 бетларда)

O'qiganimiz sari ishonchimiz ortdi

Ўзурматми неасурбек!



**Адхамбек
АЛИМБЕКОВ,**
филология фанлари
номзоди, доцент.

1954 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети (ҳозирги
ЎзМУ)нинг ўзбек
филологияси
факультетини
тамомлаган.
“Юлдузнинг
беш қирраси”,
“Латиф шеърият”
монографиялари,
“Турк адабиёти тарихи
хрестоматияси”, “Турк
адабиёти тарихи” ўқув
қўлланмаси, “Ишқ
асири бўлган жон”,
“Сўз айтсанг билиб
айт” рисолалари нашр
этилган.

Ижодингзни анчадан бери кузатиб келаман. Эсимда, VII Республика ёш ижодкорлар семинарида қатнашиб, устозлар эътиборини тортган эдингиз. Кейинчалик “Биринчи китобим” лойиҳасида “Кўҳна белбоғ” тўпламингиз нашр этилди. Бот-бот ҳикояларингизни газета ва журналлардан ўқийдиган бўлдим. Ўқиганим сари сизга, бардам ўсиб бораётган ёзувчига ишончим орта бошлади.

“Ёшлик” журналининг 1-сонидан эълон қилинган “Овчининг сўнгги ови” ҳикоянгни ишончларимни янада тасдиқлади.

Асарингизни ўқиб, сизга матбуот орқали мактуб ёзиш фикрига келдим. Тақриз ўз йўлига, таҳлил ўз йўлига, лекин бир яхши асар ўқиганингизда муаллифдан миннатдорлик маъносида хатлашувнинг ўзига хос завқи бор.

Ҳай, “Овчининг сўнгги ови”га қайтамыз. Ҳикояга Ибн Синонинг: “Ё етарман мақсадимнинг чўққисига охири...” сўзларини эпиграф қилиб олганингиз асар руҳига жуда мос келган. Ҳикоя шундай бошланади: “Мен ҳаётда ҳали шундай одамлар борлигини бировдан эшитганимда, ишонмас эдим.

Ўзим кўриб, гапларини қулоғим билан эшитгач, бандаси феъли, аъмоли, қатъиятию, бирсўзлигига, умр бўйи собит тура олишига ишонч ҳосил қилдим.

Ундаги ёввойи виқор, мағрурлик нишонлари оддий одам қавмидан эмаслигини билдириб турар эди...”. Мана шу ихчамгина кириш бўлмаганда овчи Муқим тоғанинг тийнати, унинг бошидан кечирганлари анча бўрттирилгандек тасаввур берарди. Бошқача айтганда, кириш ҳикоянинг руҳига ўқувчини тайёрлай олган.

Ҳикояда атроф-муҳит синчковлик билан тасвирланади. Гапга қўшилолмай турган овчи тоғанинг тоғликлар ҳақида сўз кетганда тили ечилиб кетиши ҳам ўринли.

Менга ёққан томони, ҳикояда ўрнини топиб, ўз мушоҳадаларингизни, кишини ўйловга тортадиган фикрингизни айтиб кетишдир. Масалан, тоққа кетаётганда Муқим тоға ариқнинг ўнг томонидан юрамиз деганига қарамасдан, икки киши ариқнинг нариги томонига ўтиб юрганингиз, бироз юргач, гап нимадалигини тушуниб, иккинчи ҳам ариққа йиқилганингиз ва муздек сувда шалаббо бўлиб, тишлар такиллаб, баданингиз кўкариб кетганида хаёлингизда кечган фикрлар: “Нега ортингиздан эргашмадик биз?

Ана
агаб
Бобур
Мур
Манс
Ишқ
Лат
асари

Сўз
1891

Ўзимизга янги йўл солмоқчимидик? Ота-боболар йўлидан юрмаганлар шуйтиб муқаррар адашар экан-да...". Мен бу сўзлардан фақат ота-боболар йўлидан юриш керак, ёки бўлмасам инсон янги йўл солишдан ҳадиклансин, деган чорлов бор дейишдан йироқман. Асарда ҳам шу сезилиб туради. Бу жойда ота-боболар йўлидан юрмаганликни тажрибага, катталарнинг ўғитига, қолаверса, қадриятларга қулоқ осмаган одам охир-оқибат афсус чекади, маъносини уқдим.

Сиз ҳикояда шева сўзларини ҳам ўринли қўллайсиз. “Қор тушмаган иқ жойда оёқ илди”. “Аврук хасини қўлига олиб, ҳадемай буюқ турса”, “Учинчисининг туси оқишга товун”, гажир каби. Бадий асарда шева сўзларини меъёрида қўллаб, матн ранг-баранглигини ошириш ёзувчининг муваффақияти деб биламан. Яхши биламизки, адабий тилни бойитиш воситаларидан бири шева сўзларини кенг истеъмолга олиб киришдир. Шунингдек: “Мардлиги бўйидан баланд келади”, “панжаси билан пашша тутгандай”, “девнинг чала туғилган боласига келбат берадиган зот”, “тик жарликни ялаб ўтган илонизи ёлғизоёқ йўл”, “товуқэт бўлиб кетади”, “элнинг элагини тешиб юрибсан” ёки “машинамиз чираниб-чираниб, тоққа ўрмаламоқда”, “енгил ҳаводан симириб-симириб ичкиси келади одамнинг”, “юсакка ўрлагани”, “ҳовлиларига довур”, “борлигини тусмоллади”, “ўнггай турган” каби ўхшатишларингиз, воқеани тасвирлашда, ҳолатни беришда қўллаган ибораларингиз ҳикоянинг тил жозибасини оширган бўлса, “Қарчиғай қариса, чумчуққа майна бўлармиш”, “Милтиқ кўтарган билан овчи бўлмас, дағдаға солган билан довчи бўлмас”, “Овни отсанг билиб от, дол нишонга илиб от” сингари халқ ибораларини ўринли қилиб Муқим овчининг тилидан беришингиз қаҳрамонингиз маънавий оламини кўрсатишда ҳам қўл келган.

Ҳикояда аниқ айтилмаса ҳам, ўз-ўзидан табиатга муносабат масаласи келиб чиқади. Ёзасиз:

“Инсон ва бўри бир-бирига рўбарў келди!

Муқим овчи милтигини тўғри унинг пешонасига тўғрилаб, яна бир қадам босди!

Инсон ва табиат орасидаги муқаррар фалокат масофаси яна бир қадамга қисқарди.

Ҳозир овчи тепкини босади-ю, яна бир йиртқичнинг ҳаётига нуқта қўйилади. Ёки аксинча...

У ёғи икки махлуқнинг эпчиллигию маҳоратига тан”. Ажойиб манзара. Ҳикоядаги шу биргина кичик парчадан хулоса қилиб, инсон ва табиат орасидаги масофа кундан-кун ёмон маънода қисқараётгани, умуман экологик муаммонинг туб мағзи ҳақида мунозара қилиш, мулоҳазалар билдириш мумкин. Бўрининг-да, одамнинг-да махлуқ-яратик дея бир мақомда берилиши ҳам ўзини оқлаган. Шунинг ўзи асарингизда инсон ва табиат муаммоси кўтарилган, одамиятни шу муаммога эътибор қилишига ишора бор дейиш ҳуқуқини беради.

Мулоҳазаларимни с
Китобхонанинг қарас
Ҳикоянинг маъқул
Узун ҳам ёзгани бу
Сиздек ишкорлар
Ушунга катта бўл
Боришингизни ис
Ишор йўлида сизг
Тилаб, ҳурмат

Жасурбек! Айрим мулоҳазаларимни кўнгилга оғир олмаган ҳолда тушунасиз, деган умиддаман. Балки ҳикоянгни китобга киритишдан олдин қайта ишласангиз қўл келиб қолар. Масалан, шундай ёзасиз: “Муқим овчи буталарни айланиб юриб, қуруқ ўт тўпланиб турганини кўрди-ю, юрагини баттар ваҳима босди. Айна баҳорда бутазорлар ичида бундайин усти қуруқ ўт билан қопланган янги шаббалар пайдо бўлдими, билингки, у жойда яқин орада ёввойи чўчка болалайди”. Биринчидан, Муқим овчидек довжоракнинг юрагини баттар ваҳим босиши ишонтирмайди, гарчан бу ҳолат ўзига-да нашъа қилиб, ўйлагани бироз овчини оқлагандек бўлса-да, аммо қуруқ ўт тўпланиб турмайди. Қуруқ ўтни тўплаб қўйиш, тўплаб қўйилган ўтни кўриш мумкин. Услужий ғализлик бордек. Яна бир жойда шундай тасвирни берасиз: “У қаддини ғоз тутди. Худди фронтга кираётган мағрур аскардай олдинга қараб интила бошлади”. Шу ўринда “фронтга” сўзи ўрнига “жангга” сўзини қўлласангиз маъқул бўлармиди? Айрим жойларда “ўтирганини” ёки “турганини” англаб олиш қийин: “...Уч бўрига кўзи тушди. Улар бир-бирига қарама-қарши чўнқайиб ўтирар эди. Икки кулранг бўрининг жуссаси катта, жуни ҳурпайган, бири ёлдор, виқор билан турарди”. Яна бир жойда ёзасиз: “Милтиқ стволини ёлдор кулранг бўрига тўғрилаб, жониворнинг нақ кўкрагини нишонга олди”. Шу ўринда “ствол” сўзи ҳам

132a
 11190
 132a
 11190
 132a
 11190
 132a
 11190
 132a
 11190
 132a
 11190

жойига тушмагандек. Худди шу сўз гуручдан курмак чиққандек матнга тушмай қолган. Шунинг ўрнига “милтиқ оғзини” ёки “қўшоғизни” сўзларини қўлласа мақбулмиди? “Сўнг бўрининг кўзига сўнгги бор тикилди ва нишонини янада ростлаб, тепкини босди”. Мана шу жойда бўрининг кўзига тикилиш, биринчидан, бир-бирига тикилиб ўтирган ва қайси бири кўзини юмса, гажишга тайёр турган бўри билан овчининг бир-бирига кўз тикиши, бунинг устига

орадаги масофани ҳам узокроқ – “эллик метрча нарида” деб берасиз. Милтигини иккинчи бор ўқлаб, бўри томон қадам ташлаганда “Орада йигирма қадамча масофа қолганида бўри оёққа турди” – деб ёзасиз. Яна бир фикр: иккита бўрини ўлдирган овчи уни кузатаётган учинчи бўрини нега отмагани ишончлироқ тасвирланса бўлар эди.

Яна бир иштибоҳ, Муқим овчи учта ўтирган бўрини кўради. Кейинчалик отгандан кейин маълум бўлдики, бўрилар тўртта экан. Муқим овчидек кўзчил, сезгир одам бир бўрининг иккинчи бўри панасида қолиб кетганини кўрмаслиги ва айни пайтда бир ўқ билан икки бўрини ер тишлатиши ҳам бадий ҳақрамонингизни жуда яхши кўриб кетганингиздан бўлса керак-ов. Аммо Муқим овчи отган икки бўри “терисидан бир ўтов тикса бўлар экан”- деган муболагаларингиз ярашиқли.

Ҳикоянгни ўқиб, хурсанд бўладиган жиҳат, ёзмоқчи бўлган мавзунгизни пухта ўрганишга интилишингиз. Озми-кўпми, ҳаммамиз овчилар билан гаплашганмиз. Лекин бўриларнинг оч қолганда бир-бирини ейиши, яъни ораларидаги “кўзи юмилгани” ни ейишини биринчи бор эшитишим.

Муқим тоғанинг уйига меҳмон чақириб, икки меҳмонни - кассир билан буғалтирни ўлдираман дея қўрқитгани ва улар қилган қинғир ишларини тўғрилаб, одамларнинг ҳақини еб юргангани тан олиб, ҳамма нарсани жой-жойига қўйгани балки ҳаётда бўлгандир? Лекин буни ишонарлироқ қилиб, ҳаёт ҳақиқа-

34 [NASR]

Ovchining so'nggi ovi

Hikoya

Ё старман мақсадимнинг тўққисиз охири...

И. СИНОВ



Жасур ХАТИБОВ
 1985 йили туғилган. Ўзбекистон давлат жазо тошлари университетининг қилди юридик факультетининг талабаси. “Ушбаши маънаби” VI республика ёш ёшларнинг олимпиади иштирокчиси. 2018 йили “Ўзбекистон ёшлари олимпиади” қилиб “Қўша Бабба” номини олиб олган.

Мен ҳаётда ҳали ҳам шундай одамлар борлигини берадан эшитганимда, ишонмас эдим. Уним кўриб, таълимни қўлим билан эшиттири, бандаси феълим, аъломим, қатъийни бирсўзгагина умр бўйи собит тура олишга ишонч ҳисла қилдим. Ундаги ёшларни бир виқор, маърурак ишончалари оддий одам қаммади эмаслигини кўрсатиб туради...

– Ҳовирғина одам жўнатилади. Муқим тоғи келди, – деди Бақдир дўстимиз жўнатиб. – Буна зўр мерган. Эллик йил овчилик қилган. Бу тоғу тошлар орасида у билмайдиган камар, у сув ичмаган бўлак, унинг қадами етмаган тоғ қолмаган.

Бир беш оғизни шовир дўстимиз Бақдир Бақдирнинг уйига, Қашқадарьон Китобхоналарига бағралиги Таълим дўсти мақсади билан бир суноқдан бўлди. Янадан бири суноқнинг олдига деб қўйганимиз Муқим оғини билан турганмиш. Таълимни ушлаганидан икки кўсондик.



Рисунок: А.Алиев

тини бадий ҳақиқатга янада яқинроқ тарзда ёзиш керакмиди?

Жасурбек, ҳикоянгни таъсирида туғилган фикр, таассуротларимни ёзишдан мақсад, сизни изланувчан, холис муносабатни қадрловчи ёш ижодкорларимиздан деб билганимдан. Асарингизни синчиклаб ўқишдан мақсад ҳам иложи борича сизга жўяли фикр айтиш. Ёзувчига ўргатиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Менинг фикрларимни танқид қилишдан осони йўқ, маъносида тушунманг. Бу танқид эмас, ҳикоя ўқишдаги кўнгилдан кечган гаплар ва муаллиф ижодини юксалишига истак натижасидир. Айтилган фикрларга қўшилиш ё инкор қилиш ихтиёрингиз, албатта. Мулоҳазаларимни сизга хайрихоҳ бўлган китобхоннинг қарашлари деб билинг. Машаққатли ижод йўлида сизга муваффақиятлар тилаб, ҳурмат билан

Аззамбек Аммибеков
 2018 йил. Апрель.

Umr fununida hamon tolibmiz



БЕНАЗИР

1981 йили туғилган.
Наманган давлат
университети филология
факультетини
тамомлаган.
“Сен барибир гўзалсан,
хаёт”, “Садосиз
товушлар”, “Утмаган
кунлар” шеърий
тўпламлари нашр
этилган.



Бургут фалсафаси

Бургут айтар: меники само,
Ёлеиз ўзим тикқаман овга.
Кимларгадир ўлжаман, аммо
Ўлжамни ҳег бермам бировга.

Қанотимни ёзаман катта,
Сўнг мардларга қиламан ҳужум.
Мен енгшим керак, албатта,
Бургут бўлиб яшашим угун.

Ожизларга ёқмас парвозим,
Пойлар мени қопқону тўрлар.
Жасадимни емоққа ҳозир,
Писиб ётар ўлаксахўрлар.

Вақт ганимат, умр ўтқинги,
Балки бир кун ўлжа бўларман.
Гар ўлсам ҳам заминда эмас,
Самоларда мағрур ўларман.

* * *



Иккимиз энг гўзал қўшиқмиз,
Назмимга наводай кераксиз.
Мен сизга, сиз менга ошиқмиз,
Сиз менга маъводай кераксиз.

Қувонган, қайғурган онимда,
Суянган тоғимсиз ёнимда,
Ишиқ бўлиб оқасиз қонимда,
Ҳарфимга имлодай кераксиз.

Ҳамрозим, ҳамроҳим, ҳабибим,
Ўзимдай девона, гарибим,
Ҳолимга кулмаган табибим,
Дардимга даводай кераксиз.

Сиз угун бор-йўғи тилакман,
Ўзга малаклардай малакман,
Мен сизга Ҳаводай керакман,
Сиз менга ҳаводай кераксиз.

Иккимиз энг гўзал қўшиқмиз...



* * *

Кўнглингизга сизмас тугилган куним,
Дунёнинг ғамлари турса қалашиб.
Ҳаётим баҳори, умрим мазмуни,
Биз қайси манзилдан кетдик адашиб?

Билмадим, йўл қўйдик қандай хатога,
Севги деганлари наҳот айб бўлса?
Нимамиз ёқмайди, айтинг, Худога,
Наҳот умр шундай мураккаб бўлса?

Асли мен шунгаки кирмадим, эркам,
Меҳмондай, дил деган кошонангизга.
Дунё яралмасдан Яратган Эгам
Исмимни битибди пешонангизга.

Бугун муҳаббатнинг ранги синиққан,
Бағри ўртанса ҳам тикмайди уни.
Не угун дунёнинг ғамлари сиққан
Кўнглингизга сизмас тугилган куним?

* * *

Эй дўст, дардимизни пинҳона айтиб
Ўтдик, эзгуликдан афсона айтиб,
Бир дам яшамадик шукрона айтиб,
Худога арз қилдик, арздан тикмадик.

Эй дўст, мардум игра ибратли бўлдик,
Ҳурмат бажо айлаб, иззатли бўлдик,
Ҳар лаҳза бир-бирга миннатли бўлдик,
Меҳрни қарз бердик, қарздан тикмадик.

Эй дўст, сиз-ла қанга хуш дамлар кетдик,
Шодликлар симирдик, аламлар игдик,
Дўстлик абадий деб қасамлар игдик,
Минг афсус, лафз бериб, лафздан тикмадик.

Эй дўст, бир-бировдан мудом нолибмиз,
Бугун мағлуб бўлсак, эрта голибмиз,
Умр фунунида ҳамон толибмиз,
Ҳаёт деган қадим дарсдан тикмадик.

Чўлпон

Ё Раббий, заминга сизмаган менман,
Ҳақ излаб, эсини йиғмаган менман.
Бу гиркин дунёнинг найрангларига
“Кулган бошқалару, йиғлаган менман”*

Ё Раббий, минбарда ёлгон жўшарлар,
Минг бир ёлгонига ёлгон қўшарлар,
Ўз макрига ўзи ўйин тушарлар,
Кулган бошқалару, йиғлаган менман.

Ё Раббий, куйганим халқим угунми,
Халқимнинг куйгани халқим угунми,
Халқ деган бир дайди тўлқин угунми,
Кулган бошқалару, йиғлаган менман.

Ё Раббий, адолат сарсонни бўлиб,
Не топдим, элимнинг виждони бўлиб,
Назм осмонининг Чўлпони бўлиб
Кулган бошқалару, йиғлаган менман.

*Чўлпон сатри

* * *

Бировнинг кулфати – бировнинг бахти,
Бировнинг улфати бировга ғаним.
Бировнинг заволи – бировнинг тахти,
Не угун яратдинг, Аллоҳим мани?!

Менинг яралганим – кимнинг йўқлиги,
Кимнинг ғалабаси – менинг хатойим.
Кимнинг фақирлиги – менинг тўқлигим,
Не угун дунёга келдим, Худойим?!

Менинг муҳаббатим кимнинг нафрати,
Менинг қувонганим – кимнинг озори.
Кимнинг ожизлиги – менинг қудратим,
Не угун яралдим, Парвардигорим?!

Ҳар куни яшайман, ўзимни енга,
Кетир, қилган бўлсам сенга иддао.
Ўлсам, тугилишидан не фойда менга,
Туғилсам – ўлишидан нима муддао?!



ОТАЁР

1947 йили 19 январда Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Оқтош шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетига таҳсил олган. Шоирнинг “Лоларанг эртак” (1978), “Ўша кўзлар” (1984), “Оқ фасл” (1989) каби шеърӣй мажмуалари, “Дўмбира” достони (1980), “Куёшни кўргани келдим” (1991), “Дунёга тенгдош хазина” (1994), “Одамлар учун яшайман” (1979) каби эссе ва очерклар китоблари нашр этилган. Унинг Ислом шоир, Бола бахши, Ёдгор бахши, Умаркул Пўлкан, Чори бахши Хўжамберди ўғли ва Қодир бахши Раҳим ўғли тўғрисида тадқиқот мақолалар ёзди. Шоирнинг саъй-ҳаракатлари натижасида “Ислом шоир замондошлари хотирасида” номли тўплам дунёга келди. У таржимон сифатида карело-фин халқлари эпоси бўлмиш “Калевала”нинг болаларга мувофиқлаштирилган насрий вариантини, эстон мумтоз адабиёти намунаси бўлмиш А. Таммсааренинг “Дўзахдан чиққан шайтон” романини, шунингдек, рус ҳамда туркийзабон адиблар ҳикояларини она тилимизга ўғирди. Бадиий таржиманинг назарий жиҳатларига бағишланган илмий мақолалар ёзиб, “Таржима санъати” тўпламида чоп эттирди.

Отаёр Наҳанов 1993 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланган.

Шоир 2001 йили Тошкент шаҳрида вафот этди.

Румсон

Кўнчилига хум ёқар бунда ҳар тартиб...
Унгиларда севице ётнини ардиб,
Қавказ тоғларида оларкан ҳардиб,
Шундоқ афсонавор Эранда ҳариб,
Уннини ўйладим ўзимдан ортиб,
Она, Онажонни —
Ўзбекистоним!

Балс=Қазо келса ёниб — қулладинг,
«Болам!» дея қуйиб мудои қулладинг,
Бўзимдан олганда дардини қулладинг,
Қавказ нафасидан ол деб, бўлладинг,
Лермонтов рўзига сифинди, бўлладинг...
Ёзда бўлдинг ҳевоним —
Ўзбекистоним!

Қавказ=Қавказ бўлмас эи тоғларимиз
Тоғлар резиб бунда ҳариб=тоғларимиз,
Мен=ку ўтиб кетам — сизга хуморимиз
Эпелар! Ҳарзаимиз, деб ёлға оларимиз!
Шу тоғлардан туриб интиб — ҳуборимиз
Сўтамим ҳавазимиз —
Ўзбекистоним!

Ҳайда бўлмай қону ҳоним — тонимиз,
Болданга ширинроқ болсам, малҳамим,
Палетансам, мўйим, олгин, мавдансам,
Мили минг — дили бир собит қўбамим,
Суюк Ватан игра суюк ватанам,
Узини қадру шоним —
Ўзбекистоним!

Қисловтеп,
26.11.83.

Бир хил одамлар бўладики, чақмоқдек яшаб ўтадилар. Фақат, чақмоқдан фарқли ўлароқ, улар сочган нур инсонлар қалбини узоқ муддат ёритиб, нурлантириб туриш хусусиятига эга. Раҳматли дўстим Отаёр ана шундай одамлардан эди. Китобларини тақдим этганида у дастхатини доимо “Меҳр билан: Отаёр” деган сўзлар билан тугалларди. Дарҳақиқат, унинг юрагидаги Инсонга, Ватанга, Миллатга, Дўстга меҳр жуда кучли эди.

Абдулла ШЕР

Xalq yuragidagi shoir

Миртемир замонавий ўзбек шеърлятининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган ардоқли лирик шоирдир. У миллий мумтоз адабиётимизнинг барҳаёт анъаналарини, халқ оғзаки ижодини тўқур ўрганиб, ўзлаштириб, ўз шеърларида уларни ижодий давом эттирди, ҳозирги ўзбек адабиётини бойитди. Шоир шеърларида туйғу, ҳиссиёт бўртиб туради. У гоҳ тарих саҳифаларини варақлаб, ота-боболарининг улуғвор ишларидан ҳайратга тушади. Гоҳи бу ҳайратлари ўз замонасининг мард, танги инсонлари билан мулоқотлардан шеърларга кўгади. Шоирнинг ижодидоги бош мавзу нима деб сўралса, юртга, табиатга ошиқлик, болалик хотираларига садоқат, ўз халқидан фахрланиш, уни гин дилдан севиши ва ардоқлаш деб айтиш мумкин. Миртемир шеърларида бу мавзулар кўпинга бирикиб, омукталашиб келади. Бир шеърнинг ўзида ҳам табиат гўзаллиги, ҳам хотиралар, ҳам ифтихор туйғуси ва яна ҳаётга муҳаббат каби тушунгаларнинг ифодаланишини кўриш мумкин.

Негоглик хокисор эдингиз, устоз,
Ялангтўш, меҳнаткаш, қалам деҳқони.
Қадим Туркистоннинг танги ўғлони,
Покиза эдингиз мисли оқ қогоз.
Сизнинг армонингиз яшар қогозда,
Балки, у бўйлагай асрларни ҳам.
Во дариг, мана шу сатрларни ҳам
Ёзсам бўлмасмиди Сиз тирик тоғда...
Абдулла Орипов



Шоир ҳар бир асар устида кўп ва самарали меҳнат қилар. Шу сабабли ҳам Миртемирнинг шеърлари гуқур гоёвий мазмундорлиги, бадиий юксаклиги билан ажралиб туради. У халқ жасоратининг илҳомбахш куйгиси сифатида кенг шуҳрат қозонган.

Комил Яшин



Устоз кутубхонасида.
1966 йил.

Миртемир ҳақида ўйлаш ва унинг муборак хотирасини ёдга олиш ҳам қувонгли, ҳам қайғулидир. Шунинг уғун қувонглики, Миртемир улкан шоир, жонажон дўст, тенги йўқ дилкаш инсон эди; шунинг уғун қайғулики, қалбимизга жуда қаттиқ таъсир қилган бу кулфат ҳали унутилган эмас. Биз Миртемирни ҳамиша машҳур қаламкаш салафлари қаторида барҳаёт, деб биламиз. У биз уғун Фафур Фулом, Ойбек, Шайхзода ва ўзбек адабиётининг катта авлодига мансуб бошқа санъаткорлар билан ёнма-ён туради.

Чингиз Айтматов



Миртемирнинг поэтик таржима санъатини ривожлантиришдаги хизмати – бутун бир жамоанинг меҳнатига тенг.

Асқад Мухтор

Дўстим Миртемир гўзал инсон, истеъдодли шоир эди.

Миртемир адабиётда ҳамон яшаётган сиймолардан биридир. Биз уни ҳамиша ҳурмат ила, муҳаббат ила ёд этамиз.

Сулаймон Рустам



Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Кастерия ва бошқа ижодкор дўстлар билан. 1950 йил.

Устоз ўзини қангалик камтарликка олмасин, хокисорликка олмасин, барибир ҳар бир ҳаракатида, феъл-атворида, мулоқотларида шеърларидай самимийлиги, ўқтамлиги сезилиб, билиниб турар эди.

Тўра Сулаймон



Комил Яшин билан.
1965 йил.

Миртемир ака шеър заргари. У сўзни мисқоллаб ўлгайди, ёзадиган гапини етти эмас, етмиш ўлгаб, бир кесади. Бу ойдай аниқ нарса.

Саъдулла Сиёев



Йўлдош Шамшаров ва
Саъдулла Сиёев билан. 1960 йил.

Турсунмуҳаммаднинг минг тўққиз юз ўнинги йилнинг бугдой пишигида туғилган ўғли Миртемиро аталиб яшайверди. Турган гапки, ўшанда ҳет ким бу норасида келгусида ардоғли халқ шоири, Миртемир деб ном таратган эъзозли эл ўғли бўлиб етишишини башорат қилмаганди, албатта. бироқ шундай бўлди: ўша оила, ўша қурама қишлоқ, ўша қадим Туркистон табиати ва одамлари Миртемирнинг болалигини, дунёга, эзгуликка, яхшиликка ташна покиза қалбини, гўзал туйғуларини ардоқлади, улгайтирди.

Отаёр



«Халқим этагида етдим вояга».
1961 йил.

Миртемир ўзининг нозик табиати ва ҳассос қалби билан ҳақиқий шоир эди. Шунинг угун ҳам у бутун умри мобайнида Шеъриятга – Гўзалликни, Нафосатни, Латофатни куйлаш санъатига содиқ қолиб, инсон қалбининг нафис манзараларини тасвир ва талқин этган.

Наим Каримов



Нардош ижодкор дўстлари ва Эркин Воҳидов билан.
1965 йил.



Бобо ва набира.

Миртемир домла шоирнинг, санъаткорнинг жойи ҳаммиша халқ игида, илҳоми ҳаммиша ўқувчилар билан бўлган дийдорлашувдан қуйилиб келади, деган ҳикматли гапга қаттиқ амал қилувги ва шунга ташвиқ этувги эди.

Муҳаммад Али



(Боши 9-26 бетларда)

– Энди, босс, бу дунёда товукдан нозик нарса йўқ. Бир касал тегса, ёппа қирилади. Қорасон бўлганми, офтоб урганми – итим биладими. Мен дўстлик қилиб, Нажим қассобдан янги жигар опкепман-а... Эсиз, хўроз. Нобоп қўлга тушган экан-да.

– Биродарлар, бундай қиламиз, биз учун энг асосийси – адолат. Расул, Нўъмонни пулини қайтарасан, Нўъмон, тиккан пулингни санаб ол. Ихтиёр, Нўъмоннинг хўрози қочгани йўқ. Демак, дуранг бўлди. Ўзингни бос. Дов тикканлар ҳақини қайтариб олсин, жанг бекор бўлди. – Геракл Рустамга қараб сўзини улаб кетди. – Қалай, дўстим? Шу керакмиди? Муаммо ҳал.

– Муаммо ҳал бўлгани йўқ. Бу ерда жуда катта масала бор. У осонликча ҳал бўладиганга ўхшамайди. Афсуски, – Рустам атрофдаги бангиларга, ўсмир болаларга, хўроз кўтарган йигитларга бир қур назар ташлади, – бу иллат газак олиб бўпти-ю, биз беҳабар қопмиз.

– Мана, даврамизга хўжайин ҳам топилди, – деди Геракл жаҳли чиқиб. Кейин вазоҳат билан сўради. – Балки улуш ҳам беришимиз керакдир? Қанча сўрайсан?

– Қанча эмас, нима сўрайсан, дегин.

– Хўш, нима сўрайсан?

– Даф бўл! Бизникиларни тинч қўй! Бўлмаса... чиққан жойингга...

– Вой-вў, қўрқиб кетдим-ку. Сендақаларни кўпини кўрганман, укам. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, дейилади ўзбек мақолида. – Геракл йиғилганларга қараб овозини бир парда кўтарди. – Бу Арслон эмиш, биласизлар, арслон-парслонлар циркда томоша кўрсатиб, қорин тўқлайди. Лекин бўри, – шу ерга келганда кўксига шаппатлаб қўйди, – ҳеч қачон луқма илинжида ялтоқланмайди, бош эгмайди. Бўрини қамчи зарби ҳам синдиrolмайди.

– Тўғри, лекин бўри билан чиябўрини фарқи бор. Аммо иккала тоифаниям касби – ўғирлик, талончилик. Ҳатто қуёнларгаям тўда бўлиб ташланади. – Рустам Гераклнинг атрофига йиғилиб олган тўдага, Ихтиёр, Расул, даврабоши, Жавлон ва шотирларга бирма-бир қараб чиқди.

– Томоша тамом! Тарқалинлар! – даврабоши Гераклнинг фикрини ўқиб, эълон қилди, – кейинги томошага яна хабарлашамиз.

Қани кетдик, шунқорлар!

– Одамни чипор чўчқадан фарқи шуки, унда мақсад, орзу бўлади. Ана шу орзусига етиш учун изланади, меҳнат қилади. Машҳур боксчимиз Руфат Рисқиевни кўрганман, гаплашганман. Оддийгина, ўзимизга ўхшаган одам. Фақат фарқи шуки, у ўз олдига қўйган мақсади йўлида кеча-ю кундуз машқ

қилган, қийинчиликдан қўрқмаган. Шундай, агар сизлар ҳам ўзингизни қўлга олиб, астойдил киришсангиз, дунёга машҳур спортчи бўласиз. Қаерга борсангиз ҳурмат билан қарши олишади...

– Ол-а..., – деди болалардан бири қашамшанглик қилиб, – мени ушланглар! Дунёни пиёда айлансак, шиппагимиз чидармикан?.. Сигиримни кечгача икки марта суғоришим керак. Йў-ў, тўғри келмайди.

– Олдинги ўқитувчимизам футбол жамоаси тузмоқчи бўлганди. Ҳозир қаерда экан-а? – деб гап қотди бошқа бир бола.

– “Нефтчи”га мураббий бўп кетгандир...

Саф боши бола гапини тугатар-тугатмас бош кўтариб қаради-ю, шундоқ ёнгинасида турган Рустамни кўриб дами чиқди.

– Исминг нимаиди?

– Адҳам.

– Ўша мураббий Сарқисянмиди? Тузолмаганмиди футбол жамоасини?

– Ҳа-а... – деди бола довдираб. – Болаларни тўплаш сал қийин бўлган. Ҳеч ким ишонмаган.

– Бокс бошқа гап, – деди яна биринчи бола масхарабозлик қилиб. – Уришишни ўрганиб олсак бўлди-да. – Тиззасини чала букиб, қисқа ҳуштак чалиб, ҳавога бурама зарбалар берди. – Хушт-хушт...

Рустам унга бепарво қараб қўйиб, томоғини қирди-да, давом этди:

– Агар кимда-ким боксни муштлашиш учун ўрганмоқчи бўлса, ундайларга – катта кўча. Мен безориларни тайёрлайдиган жанжалхона очмоқчи эмасман. – Болага яқин келиб, кўзларига қаттиқ қаради. – Бокс бировни уриш учун эмас, ўзингни ҳимоя қилиш учун керак. Соғлом бўлиш учун, характерни шакллантириш, иродани муштақамлаш, қисқаси, эркак бўлиб улғайиш учун ўрганилади. – Болалар жиддий тортиб, қадрларини ростлай бошлади. – Зўр спортчи ота-онасини, қишлоғини, юртини фахрига айланади. Ким кучли? Аввало, ўзига кучи етган, ўзини тўхтата оладиган одам кучли. Агар ким ана шундай эркак бўлишни хоҳласа, ҳар куни дарсдан кейин соат бешда келиши мумкин.

– Физкультура дарсига кирмасак ҳам бўлаверадими унда?

– Адҳамжон укам, дарсга кириш шарт. Яхши шуғуллансанг, майли “5” қўйиб берарман. Лекин бошқа дарсларни ҳам яхши ўқиш керак. – Сафда турган Азизга дўстона кўз қисиб қўйди. – Ишончим комил, ораларингдан ҳақиқий спортчилар чиқади! Нима дединг, Азиз?

Азиз кулимсираб, бош ирғади.

– Қани кетдик, шунқорлар!

Болалар Рустамга тақлидан қўлларини кўкраклариди мушт қилиб бир маромда югура кетишди.

Аҳли хомовқат

– Мен ҳайронман, ўртоқлар, жуда ҳайронман. Она сути оғзидан кетмаган норасида болани бегона одамларни қўлига бутунлай топшириб қўйиш... Тавба! Уларни на юридик ҳужжати, на ваколоти бор...

Нозир сўз қўшди:

– Қобил ака мажбурий таълим тўғрисидаги қонунни бузиб, Абдиқундузни мактабдан ажратиб олди. Нима, давлат йўқми? Ҳукумат йўқми? Жамоатчилик қаёққа қараяпти?

– Ўртоқлар, шаҳар бедарвоза эмас. Қишлоқ ҳам. Ҳаммамиз томошабин бўлиб тураверсак, эртага нима бўлишини Худо билади. Шунини ўйлайсизларми, опа?

– Ўйлаймиз. Мениям юраккинам эзилиб кетди. Ихтиёр мендамас-у... Боламни ҳидини қўмсаб, ухлолмай чиқаман, – Абдуқундузни бағрига тортиди онаси.

Шу пайт “Жигули” машинаси қаттиқ тормоз бериб тўхтади. Кўзлари ола-кула Қобил даврага қариб келди.

– Бировни пушти камаридан бўлган боласини, аҳли аёлини даврага олишга нима ҳаққинг бор сенларни ким бўлишингдан қатъи назар?! – Сўнг муштдеккина бўлиб ўтирган хотинига қараб ўдағайлади: – Тур, кетдик! Бошингда мен туриб, ҳе, ожизаи нопок!.. Уйда гаплашамиз!

– Шошманг, Қобилбой. Бу бола сизнинг фарзандингиз, лекин бизгаям бегонамас. Буни тақдирига биз ҳам масъулмиз, – деди фаоллардан бири Мухтор сартарош.

Қобил унинг юзига қарамай туриб зарда билан жавоб қайтарди:

– Сиз ўз болаларингизни эпланг. Кечаси-ю кундузи калта иштон кийиб, сакиллаб кўчада чопгани чопган. Спортчимиз. Ҳа, ўргилдим!

Қобилнинг бу сўзлари Рустамнинг отасига тегди. У тиззасига таяниб ўрнидан тураркан, ҳамма бирваракай шу томонга қараб нафас ютди.

– Қобилжон бизнинг Рустамбой билан синфдош. Мана бундайлигидан, – отахон кафти билан тиззасидан юқорироқни ўлчади, – билла-билла катта бўлишган. Нима жин урди, туппа-тузук юрган бола бирдан ўзини қаритиб, соқол қўйиб, оқ дўппи кийволди. Ҳаммадан ажраб, сурункали қичимага йўлиққандай доим асабий юрадиган бўлди. Мен неча марта айтдим, Қобилжон, ота-боболаримиз тутумидан қолма, энг тўғри йўл ўзимизники, Имоми Аъзам ўзимиздан чиққан, нима қиласан чегарадан

чиқиб? Намозингни ўқиб, ишингни қилиб юравермайсанми “Дил ба ёру даст ба кор”, деб...

– Қайси йўл тўғрилигини Роббил олабийн сиздан яхшироқ билади, сиз адирдаги тошингизни теринг! Хўпми?!

Отахоннинг юзига ғазабдан қон тепди. У Қобил томонга шахд билан икки-уч қадам ташлаганди, ўртага нозир тушиб, қулоч ёзиб тўхтатиб қолди. Шу қўйи нозир ёнбошига бош буриб, зарда билан ўшқирди:

– Менга қара, ўв, Қобил! Сен қонунга зид иш қиляпсан. Тағинам юз-хотир қилиб турибмиз. Ўйнашма, бола! Асли бу қилмишларинг қип-қизил жиноят. Обориб Фишткўприкнинг орқасидаги ертўлага жойлаб қўяман, Худо айтган куни мулла минган эшакдай бўп чиқасан!

– Жиноятчи бўлсам, жазоланглар! Болани ҳақ йўлга солиш жиноят бўлса, мени отинглар, осинглар! Шоядқи шахид кетсам! – деди Қобил иккала кафтини боши узра чўзиб.

Нозир чаққон ҳаракат билан йиғламсираб турган Абдиқундузнинг қўлагини кўтариб, қўранта-қўранта калтак изларини кўрсатди:

– Шу йўл билан тўғри йўлга солинадими бола? Нега мактабга юбормаяпсан?

– Бу мени ишим!

– Ўчир-е, энди сени ишинг эмас! Мана энди расман шуғулланаман! Давлатни иши ўйинчоқми?

Қобил боласига қараб ўшқирди:

– Мактабга борасанми, а, борасанми?!

Бола дами ичига тушиб каловланди:

– Йў-ўқ...

– Сени ким урди?

Бола баттар қўрқиб кетди:

– Ҳеч ким... Ўзим йиқилдим.

– Сизларда савол борми? Яна нима дейсизлар? Э-э, қўлларингдан келганини қилинглар! Аҳли хомовқат!

Болани судраб, машинага ўтқазди. Хотини эса уларнинг ортидан пиёда йўлга тушди.

– “Хомовқат” дедими? Нима дегани у?

– “Ҳамоқат” демоқчи бўлди, шекилли. “Аҳмоқлар” дегани.

– Ўбба қисталағ-ей...

Чиқмаган жондан умид

– Зўрсан-да, Рустам!

– Шогирдингизман-да, устоз!

– Барибир ўз айтганингни қилдинг-а?

– Нотўғри бўлдимми?

– Йўқ. Лекин барибир Элмурод Дўлтадан чўчи-санг керак, деб ўйловдим. Ҳар ҳолда, мафиоз деган номи бор.

– Қанақа мафиоз?! Уларнинг пўстагига куя тушиб бўлган. Агар ўшанинг дағдағасидан қўрқиб, жиянини голиб деб эълон қилсам, бурдимиз кетиб, ҳаммамизга бир умрлик иснод бўларди.

– Сен-ку адолат қилдинг. Халқ кўриб турибди. Лекин манави Анвар билан Соҳиб бурама қорин бўлгандек буришиб ўтирди. Имкон бўлса-ю, мусобақадан олдинроқ совринни Дўлтаннинг жиянига тутқазворса...

– Қўйинг-е шуларни!

– Ҳа бўпти, қўйдим. Шогирдларинг анча кўпайиб қолди, а?

– Ҳа, аста-секин кўпайяпти. Ўйлаб қарасам, асосийси, одамларни спортга муносабатини ўзгартириш керак экан.

– Ҳозир сенга жуда қийин. Ҳамманинг кўзи сенда. Футболда бир аччиқ ҳақиқат бор: тўп кимда бўлса, ўшанинг оёғига тепишади. Ишқилиб, ҳафсаланг пир бўлмаса бўлди.

– Сиздаям ўсмир шогирдлар кўп-у, лекин катта спортга ўтиб улгуришмаяпти, а?

– Ҳа, ўша эски касал – ё армияга кетиб, кейин меласага ишга кириб кетади, ё бир-икки марта ютқазса, қўлни ювиб қўлтиққа уради. Баҳона – тирикчилик тўрваси. Кўплари четга пул ишлашга чиқиб кетишяпти. Ачинасан. Увол-да, увол! Шундай йигитлар...

– Ҳа, мураббийлик ҳам қийин экан. Энди тушуниб етяпман.

– Нимасини айтасан, қозиққа боғланган буқачадай ринг атрофида бир умр айланиб, инфаркдан бошқа натижага эришмаганлар ҳам кўп. Сенда эса реал имкон бор. Яхши ният билан ишлаш керак.

– Яхши ният – ярим ғалаба, дейсиз-ку.

– Тарбияни бўшаштирма.

– Ҳа, ишлаймиз... Ишлайверамиз! Арслон изидан – йигит сўзидан қайтмайди...

– Арслондай йигитларимиз кўп.

– Ҳали жаҳон чемпионлари ҳам чиқарамиз.

– Ў-ў, илойим! Ҳаёт шу экан-да, Рустамжон. Аввалига ўзинг ҳаракат қиласан. Ҳеч нарсага каллак уролмагач, кейин шогирдларингга кўз тикасан. Буниси янаям қийин: бола бировники, жон бировники... Қарабсанки, Азроил Шакир тентакнинг муштидай айланиб қаншарингга кеп турибди. Ҳаҳ, аттанг, Мамадали каттанг, деб кетаверасан!

Жанг тугаб, судья-информатор рингга чиқиши керак бўлган ҳакамларни эълон қилди:

– Рефери – халқаро тоифадаги ҳакам Содик Бўтаев. Ён ҳакамлар: Рустам Мажидов, Шавкат Бобомуродов, Алишер Боймуродов, Акмал Жумамуродов, Олимжон Суяров!

Рустам ўз номини эшитиши билан ўрнидан туриб, ринг томон юрди.

Айтдим-ку, боксчи бўлмоқчиман!

– Ўзимни ўғилбола жияним! Сенам бир кўрасанми? Бир ҳидлагин...

– Йўқ-йўқ! Дадам билса, ўлдиради!

– Иби, биттагина ўғлини-я? Ҳеч қачон!

– Ҳалиги кунни сал қолди онам билан иккаламизни отиб ташлашларига.

– Опамга бир нарса бўлса, дадангни соғ қўймайман! Мен ор-номусли, мағрур йигитман, қонга қон, жонга жон! Айтиб қўй!

– Кўрсангиз дирдов қўзидай қалтираб, сузма қип қўясиз-ку кўрқувдан. Гапни қаранглар!

– Бу гапларни қўятур. Вақти келиб мен ҳам кимлигимни кўрсатиб қўяман. Се-е-ен, анави “шакарча” дан менга майдалаб, мисқоллаб олиб чиқмасдан, ярим килоча амалласанг бўлмайдимиз? Тошкентга обориб, ўйнатиб келардим.

– Тошкентда спорт дўконлари кўп-а?

– Ҳамма дўкон Тошкентда-ю. У ердаги маркетлардан войвожкни тирик боласиниям топса бўлади.

– Менга войвожкни боласимас, бокс қўлқопи керак. Кейин машқ қопиям.

– Оламиз. Менга қара, сенга нимага керак у матоҳлар? Боксчи бўлмоқчимисан? Ундан кўра чилим опкесак-чи? Ёнбошлавони-иб, ичагини билагингга ўраб тортганга не етсин? Ват-тат!

– Чилим? Унда ўтмишга қайтиш бўп қолмайди-ми, тоға? Эшитинг, Рапқонда бокс тўгараги очилибди. Рустам ака деган чемпион очибди. Ўзим кўрдим. Болалар маза қилиб бокс тушишяпти.

– Бокс яхши-ю, зарбалари ёмон-да. Бурнинг синади, миянг чайқалади.

– Тоға, мия бошқа нарсалардан ҳам чайқалмай-дими? Масалан...

– Э, буни кайфини билармидинг... Маза қиласан-да. Ке, бир кўр!

– Айтдим-ку, боксчи бўлмоқчиман деб!

Бўйингдан аканг!

– “Рапқон” ажойиб жой экан,

Бир кўга кетган сой экан.

Салқин суфа ҳой-ҳой экан,

Ким кўрса ҳангу манг экан.

Менимча, сиз мени эшитмаяпсиз, бўйингдан аканг.

– А? Эшитяпман, домла. Муқимийнинг “Саёҳатнома” сини ўқияпсиз.

– Хаёлингиз паришон бўлсаям қулофингиз динг. Муқимий домла шеърни қулоқда қоладиган қилиб миҳлаб кетган-да ўзиям.

– Домла, бу шеърни қишлоғимизда билмайдиган одам йўқ.

– Қишлоқда адабиётга меҳр ўзгача-да, бўйингдан аканг!

– Адабиётга меҳр қанчалигини билмадим-у, аммо бу шеърда қишлоғимиз номи борлиги учун қизиқардик. Пахтадаям айтиб юрардик.

– Демак, одамлар яшаб турган қишлоғига, юртига бефарқ эмас. Қишлоғинг номи ўз исмингдек ёқимли эшитилади. Дунёга чиқсанг, Ўзбекистон дейилса, одамнинг юраги жимирлаб кетиши аниқ. Буни шоирлар тасвирласин-да...

– Ўтган ой бокс бўйича “Рапқон-опен” мусобақасини ўтказдик. Бошқа туманларданам келишди. Сиз ҳам ўтказинг “Адабиёт гулшани” кечасини. Келишсин қўшни қишлоқлардан...

– Келишармикан, бачкана кўринмасмикан, бўйингдан аканг!

– Машҳур шоирларни қишлоғимизга чақиринг. Керак бўлса, ёнингиздан сарф-харажат қилинг.

– Ия, мундай қилиб... – Миркомил домла кўрсаткич бармоғи билан пешонасидаги терни сидираётгандек кўрсатди. – Топган ойликка-я?! Мен ахир бу пулни муштлашиб топганим йўғу...

– Нима бўпти? Менам ўқитувчиман. Керак бўлса сарфлайман.

– Ҳакамлигингизга-чи, пул тўлашмайдими?

Боксни-ку, майли, текинга ўргатарсиз. Лекин шаҳарма-шаҳар юриб, мусобақаларга қозилик қилганингизгаям тўрт-беш сўм аташса керак?

– Ҳакамлик учун ойлик олмайман. Ўша мусобақа кунларида ишлаганимга ҳақ тўлашлари мумкин. Лекин машинада бензин сарфлаб боришим қимматроққа тушади. Бу шунчаки қизиқиш...

– Бойга бало урармиди, а? Бўйингдан аканг, боғу роғингиз-чи? Ерларингиз билан мол-қолингизни гапирмасаям бўлади.

– Қанақа боғу роғ? Бўш вақтимда узумзорга қарайман. Иш билан бўлиб, кўпинча кетмон ушлашга вақтим бўлмайди. Ўрикзор келинингизга тан. Яхши биласиз, уям мактабдан ортмайди. Асосан, ака-укалари қарашади. Қайноғаларим...

– Менам шуни айтаман-да. Ўқитувчи ўқитувчилигини қилиши керак, бўйингдан аканг.

– Домла, солиқчимисиз, суриштириб қолдингиз? Ўзи шундоғам боксчиларимни зарил бўлганда дардан қўйиб юбормай хуноб қиласиз.

– Олдин дарсни қойиллатиб қўйсин, кейин бошқа ҳунарни бошини тутсин.

– Бокс билан шуғуллантириб, жамиятга ҳеч бўлмаса соғлом йигитларни етказиб берсак, бунинг нимаси ёмон?

– Лекин адабиёт отамдан кучли, деган эди Абдулла акам. Адабиёт инсон тафаккурини шаклланди,

ўзгаларга меҳр-оқибатли бўлишни, севишни, севилишни ўргатади.

– Спорт ҳам эл-юртга муҳаббатни кучайтиради. Мана, бугун ўқувчиларимиз вилоят биринчилигида туманимиз шаънини ҳимоя қилишди. Ёмонми?

– Ютишдимми?

– Албатта.

– Сиз ҳакам бўлганингиздан кейин ютишади-да, бўйингдан аканг.

– Ўзимни шогирдларимга ҳакамлик қилмайман.

– Бошқа ҳакамлар сизни юз-хотир қилишади-ю, а?

– Бизда унақаси йўқ. Ҳаммаси холис.

– Ҳали, боксчиларданам ул-бул олмаймиз дерсиз?

– Нима оламиз?

– Нима бўларди, ким кўпроқ берса, ўша чемпион-да. Бўлмасам шундан шунга қуруққа бориб ҳакамлик қилмасангиз керак. Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди, дейишади, бўйингдан аканг.

Рустам машинани таққа тўхтатди, домла олд ойнага қапишиб қолди:

– Бу ёғи ошиб тушди! Ўрганчик сартарошни қайчисига ўхшаб қулоғим ёнида шақиллайверсангиз ҳозир машинадан итариб тушириб юбораман, бўйингдан аканг! У ёғига пиёда кетасиз шеърларингизни ўқиб, бўйингдан аканг!

– Гапиринг, бўйинг...

– Ҳозирги гапингизни бир гапирдингиз, бошқа эшитмай! Тушунарлими?

– Тушундим... Узр...

– Дадам айтарди, одам ўз ишига тирикчилик воситаси деб қарашни бошладим, иш расво бўлгани шу, деб. Ўқитувчи дарсни ўтдимми – ўтдим, шифокор беморни кўрдимми – кўрдим деб юрверса ҳеч қачон биримиз икки бўлмайди. Ҳар ким ўз ишига... сизнинг тилингизда айтганда, ижодкор сифатида қараш керак. Изланиши керак. Шундан завқ олиши керак.

– Ие, отангизга раҳмат, Рустамбой. Сиздан бунақа гаплар чиқади деб ҳеч ўйламовдим. Файласуф экансизу...

– Домлажон, болалардан кимдир жаҳон чемпиони бўлса, менга сариқ чақалик моддий фойда бўлмаслиги мумкин, лекин менга ана шу умид ва орзу куч беради. Илҳом беради. Илҳомни тушуна-из-ку, а?

– Бизам хоҳлаймиз шуни. Лекин Куба, Россия, америкалик боксчилар “бошқа бокс тушмаймиз”, деб оқпичоқ-қорачичоқ қасам ичиб, чойхонада ҳалпана ошга ўтволишмагандир? “Олдин Рапқондан Рустамжон чемпион чиқарсин, кейин рингга қайта-миз”, деб газетага қарта уриб ўтиришмагандир?



– Ҳа, айнан Рапқондан чиқади. – Орқа ўриндиққа ишора қилди Рустам. – Мана шу болалар бир кун келиб чемпион бўлишади.

– Нега бунчалик ишонч билан гапиряпсиз, бўйингдан аканг? Бизни қора кўзларни дунё даражасида ном қозонишига бошқалар индамасдан йўл қўйиб беради дейсизми? Сиёсат бор, катта сиёсат. Вей, бутун дунё бир-бирини оқ калтак – қора калтак қилиб ётибди. Бозорлар эгалланган, жумладан, спорт бозорлари ҳам. Сиз ва бизга ўхшаганлар майдон атрофида айланиб “чули-чули” бўлиб юраверадиди.

– Хўп, нима қилиш керак? Шунақа экан деб қўл қовуштириб бир чеккада елка қисиб туравериш керакми? Домлажон, ҳаёт курашдан иборат. Ҳақингни биров бермайди, ўзинг айириб оласан, деганлар.

– Оббо сиз-ей, жадидаларни гапидан тушдингизу. Қойил лекин, беш!

– Домлажон, имкон бўлганда менам китоб варақлайман. Жа-а чаласаводга чиқариб қўйманг. Ўша жаид деганингизни даври мана энди бошланди. Одамларни фикрини уйғотиш, ўзини танитиш, гурурини кўтариш пайти келди. Агар яна Шўро давридагидай ўз юртимизда думимизни қисиб юраверсак, бир куни ер юзидан супурилиб кетишимиз ҳеч гапмас!

– Тўғри-ку, лекин ўша сиз айтган одамлар сизни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлашармикан? Ишқилиб харсангга тираб қўйиб, Ҳамза қилворишмаса дейман-да!

– Ўша қурбонлар сабаб сиз ва биз булбулгўё бўлиб сайраб юрибмиз. Домла, кечирасиз, сиз кўзгадингиз, кўнглим тубидаги гаплар чиқиб кетди. Одам бир марта дунёга келади. Одамдай яшаб ўтиш керак. Ундан яхши ном, яхши ишлар қолиши керак.

– Ҳа-а, Ҳидоят келинимдан адабиётшунослик сизгаям анча ўтибди. Айтишади-ку, синиқдан бошқаси юқади, деб. Сизга қойил қолдим. Тан бердим. – Миркомил домла боши билан болаларга ишора қилди. – Бу тирранчаларни мусобақаларда қўлга киритган совринлари қовоқларидаги бежама нақшларда яққол намоён бўлиб турибди. Кетдик, ҳайданг!

– Ўзи, сизни кўрганда тўхтамай ўтиб кетсам бўларкан, домла.

– Кенгроқ бўлинг, Рустамбой. Сиқилманг. Ҳаҳ, бўйингдан аканг!

Рустам машинани яна ўт олдирди. Миркомил домла маҳалласи бошида қуюқ хайрлашиб тушиб қолгач, Рустам шогирдларига қайрилиб савол ташлади:

– Абдулла, биринчи жангда рақибингдан кўрқдингми?

– Йўқ.

– Ютқазиб қўйишингга сал қолди-ю. Биринчи раунд деярли унинг устунлигида ўтди. Яхшиям полписланиб, тузукроқ зарба беролмади. Сениям чўчиётганинг сезилиб турди.

– Башарасидан кўрқдим. Ғадир-будур, ваҳимали экан.

– Унинг башарасини ғадир-будурлиги – ёмон боксчилигидан, – деди кулиб Рустам. – Зарбаларни ўтказавериб шунақа бўлиб қолган. Сен-чи, юзи текис рақибингдан эҳтиёт бўл. – Машина пешойна-сидан Абдуллага қаради. Кейин ойнани тўғрилаб, ўзининг юзини кўздан кечирди. – Рақибингни юзи текис, бурни пачоқланмаганлиги уни зарба ўтказмаганидан далолат беради. Ўзи, умуман рингда кўрқма. “Аввал зарба ўтказмаган бўлса ана энди мендан ейди”, дегин. Тушундингми?

– Тушундим.

– Табриклайман яна бир марта!

– Раҳмат.

– Кириб, уйингдагиларниям табриклардим-у, аянгни феъли чатоқ-да. Шошма, биз кетгандан кейин кир.

Машинага ўтириб, моторни ўчирмасдан кутиб турди. Бироздан кейин Абдулаларнинг ҳовлиси-дан онанинг хаяжонли овози эшитилди:

– Вой болагинам, келдингми? Вой болам-а! – Овоз бирдан ваҳимали тус олди. – Кўзингга нима қилди? Илоё иловандо, қўлгинаси синсин урган касофатнинг! Рустам аканг қаққа қаради?

Онанинг йиғи аралаш товушини отанинг гулди-раган овози босиб кетди:

– Турқингга бир қара, ўв, хумпар, оломонни этиги тагида қоп кетган атлас кўйлакка ўхшаб қопсану! Мен сендайлигимда тегирмончини ёрдамчисий-

дим. Рўзгорга қайишардим. Отамни ҳурмат қилардим. Сен бўлсанг, биттагина сигирниям эплаёлмайсан. Қани бу ёққа кел-чи! Ҳе!..

Қоидаси қоидасизлик

– Сен ўзбекистонликсан-а?

– Ҳа.

– Ҳозир бошқа давлатни жангчисига пул тикдинг-а?

– Ҳа, тикдим. Беш минг.

– Ютиб олганингдан хурсандсан-а?

– Ютган одам хафа бўлармиди? Хурсандман.

Осмондан тушгандай бўлди.

– Лекин сенда ўн карра, юз карра кўпроқ пул топиш имкони бор.

– Қандай имкон?

– Сен тарафдаги қорамгағиз болалар илиги тўқ, чайир бўлади. Бизда ўсмирлар ўртасида ҳам шунақа чемпионатлар ўтказилади. Тушундингми?

– Тушундим. Қоидаси қанақа?

– Қоидаси қоидасизлик. Қолган гапни кейин гаплашамиз. Мени телефон рақамимни ёзвол...

– Меники... Исми Элмурод.

– Саломат бўл. Кейин гаплашамиз.

Мен соппа-соғман

– Яна келдиларингми? Айтдим-ку, иложи йўқ, сизларни ололмайман. Ёшларинг етмайди. – Рустам худди велосипеди қулса бирор ваҳимали корҳол юз берадигандек бири рулни, бири эгарни маҳкам чангаллаган ака-укаларнинг каттасига қараб, сўзида давом этди. – Неччида ўқирдинг?

– Янаги йили бешинчи синфга ўтаман.

– Ҳозир тўртинчидамисан? Тўғриси айт!

Бола бўшашди:

– Уч...

– Ўзи велосипедни тепкисига оёғинг зўрға етяпти-ю! Шунча йўлдан қатнаш осонми? Қўште-гирмондаям бокс секцияси бор-ку!

– Рапқонда яхши ўргатишаркан... ўргатаркансиз.

– Ким айтди? Болалар, сира иложи йўқ. Машғулотлар пешиндан кейин бешда бошланади. Қишда вақтли қоронги тушиб қолади. – Айбдорона ер чи-зиб турган ака-укалар эътироз билдирмоқчи бўлиб бош кўтаришди. Рустам уларни гапиргани қўймади, – ота-оналарингдан сўраганмисизлар? “Рапқонга қатнамоқчимиз”, деб айтганмисизлар?

– Отамиз ўтиб кетган. Бувим билан турамиз.

Бувимга айтдик. Аям ҳам йўқ демадилар.

– Боксга демагансизлар-да, тўғрими? – бироз су-кутдан сўнг яна савол берди, – бошқа қариндошлар борми ҳол-аҳвол сўраб турадиган?

– Бор, – дейишди болалар истамайгина.

– Ҳа, майли, – Рустам заруратсиз бош қашиди, – бўлмасам, бешдамас, учда келинлар. Ҳар куни келиш сизлар учун мажбуриймас. Ўзларингни мактабларингдаям дарс қолдирмасдан яхши ўқиш шарт. Йўлда эҳтиёт бўласизлар.

– Хўп, раҳмат, устоз!

– Сени нега рангинг паст? Касал-пасалмасмисан? – Рустам эгилиб, кичкинасига синовчан қаради.

– Шамоллагандим.

– Унда бир йўла тузалганда келасан. Соғлиққа эътиборли бўлиш керак. Бугун сизларга жавоб, уйга боргунча кеч тушиб қолади. Тезроқ бора қолинглар.

– Мен соппа-соғман. Йўталганим ҳам йўқ. Ҳозирча ўзим келиб тураверай, – деди каттаси велосипед эгаридан оёқ ошираркан.

– Майли, эртадан бошлаб машғулотларга келавер.

– Раҳмат, устоз! Хайр!

Болалар велосипедга мингашиб йўлга тушди. Уларнинг ортидан қараб қолган Рустам катта тугун кўтариб келаётган онасини кўриб, шошиб одимлади.

– Мен уйга бориб келаман. Келгунимча арқонни таранг тортиб, рингни тайёрлаб қўйинлар, – деди болаларга. Ариқдан ҳатлаб ўтиб, тугунга қўл узатди:

– Менга беринг, ая. Тўй яхши ўтдимми?

– Ҳа, Мўътабархон ҳожи она неварасига бешик-тўйи қилди. Муқаддамхон ҳам тоза ният қилган экан. Яллагиларнинг овози бу ерга ҳам эшитилгандир. Озода артис роса қиздирди. Невара тўйи бошқача-да.

Рустам жимгина бош эгиб, онасига эргашди.

Мени буюк ишлар кутяпти

– Ҳа, ҳорманлар, қўйкатак қуряписизларми? Охури қани? – Жавлон мотоциклга қийшиқ ўтириб, бир оёғини ерга тираб беписанд гап қотди, – арқон орасидан бабачоқлар чиқиб кетади-ку. – Ўзининг гапи ўзига нашъа қилиб, осмонга қараб кулди. – Ваҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа!

– Бу катакни сенга атаб қураётгандик. Вақтида келдинг. Кир-чи, қаеридан чиқаркансан? – деди Азиз важоҳат билан.

– Менга вазнинг тўғри келадими? Ё иккитанг бир бўлиб чиқасанми?

– Ўзим чиқаман! Бир ўзим! Яккама-якка!

– Сен билан пачакилашгани вақтим йўқ, – деди Жавлон ўзини бепарво тутишга уриниб. – Бошқа пайт пийпарман. Ҳозир мени буюк ишлар кутяпти.

– Қанақа буюк ишлар, Жавлон ака? – деди болалардан бири қизиқсиниб.

– Тоғ ошишим керак. У ёғи – сир. Сенлар бу ерда арқон ошиб ётавер. Охирида кўрамиз ким зўрлигини.

– Спорт билан шуғулланыпсизми? Чекишниям ташлаворгандирсиз-да унда?

– Бошқа нарсени чекишга ўтдим, укам. Одам ҳаётга бир марта келади. Кайф қилиб қолиш керак. Гераклга ука тутиндим. – Жавлон чўнтагидан бир даста пул чиқарди. – Мана, бир кунлик улушим. Сенлар бунини йил бўйи муштлашиб ҳам тополмайсанлар. Чао, ҳаммангга гудбай! Адриано Челентано! – Моторининг дудбуронини рингга тўғрилаб, беш-олти марта газ босиб, тариллатиб, тутун пуркатди.

– Азиз, Гераклга ука бўлдим, дедими? У ким? Танийсанми? – деди Абдулла.

– Менимча, тоғ ортидаги “Геракл” лақабли “дорифуруш”ни айтди.

– Ҳа, амакиларим чегарада ўша одамни кўришган экан. Қора кўзойнак тақиб, кўриқчилари билан ўқўтмас машинада юрар экан.

– Барибир, охири вой. У йўл билан топилган пуллар фақат палакат олиб келади. Анави Фатҳиддин Қўппас эсингдами, охири қоқсуяк бўлиб, ит азобида ўлди.

– У наркоманмиди?

– Россияга ишлагани чиққанда ўрганиб келган экан... Э, уларни қўявер, ўзимизнинг ишдан қолмайлик. Ҳозир Рустам ака ҳам келиб қолса керак.

– Лекин барибир Жавлонга қойил. Гераклдай одам билан қандай танишдйкан-а?

Мунча шовқин соласан?

Тун сукунатини темир дарвозанинг бетоқат данғиллаши бузди.

– Рустам! Хўв, Рустам!

– Ҳозир! Бирор жойга ўт кетдимми?

– Тезроқ очсанг-чи!

– Мана очаяпману, Нўъмон! Нима бало, уруш бошландими? Мунча шовқин соласан?

– Машинангни бериб турмасанг ҳозир ундан баттари бўлади, хотиним кўчада кўпайишиб қўяди.

Бу орада Ҳидоят ҳам ҳовлига чиқди.

– Бор, хотинингни олиб чиқавер, машинани ўзим ҳайдайман. Тагин ҳаяжонланиб, бир балони бошлаб юрма.

– Тўхтанг, мен ҳам бораман, – деди Ҳидоят рўмолини яхшилаб ўраркан.

Ҳидоят Нўъмонга эргашиб кўчага, Рустам гаражга югурди. Ота-она яшайдиган қибадаги хонанинг ҳам чироғи ёнди.

(Давоми кейинги сонда)

Oltin zinalar

Тухфаи хоний

Маҳобатли саройлар, қўрғонлар, масжидлар, мадрасалар, нураган кўприклар вайрон, хароба ҳолида бўлса ҳам жуда кўпчилиги XX асрга қадар етиб келди. Ушбу аср фақат санокли мутахассисгина тасаввур қила оладиган улғу карвонни оғир замбараклар етаклаган, бомба улоқтирувчи учоқларда ўтирган, энг замонавий ўқ отар жанг қуролларини қўлда маҳкам тутган талончилар билан кутиб турган экан. Олти-етти минг йил наридан келаётган карвоннинг аҳволи уларсиз ҳам яхши эмасди. Бу карвонни юз йил талашди. Бу талончиликлар олдида Кариб денгизи қароқчилари баъзан одамнинг кўзига фариштадай кўриниб қолади.


1955 йилларга қадар эртақдай бўлиб турган Кўҳна Қарши ва Жиззах шаҳарлари шўролар бошчилигида эскилик сарқити, деб ер юзидан деярли супуриб ташланди. Комсомоллардан зарбдор гуруҳлар тузилиб, афсоналар яшаётган, кўҳна дунё паналаб турган қалъа деворлари ер қатори қилиб текисланди. Бухоро ва Самарқанд деворлари бошига ҳам шундай кун тушган эди. Уларга биринчи жаҳон урушида отилган замбараклардан бирортасининг ўқи ё иккинчи жаҳон урушидаги фашистларнинг бир дона ҳам бомбаси тушмаган эди. Сталинград сақланиб қолди ва вайроналари тикланди. Бироқ бу шаҳарлар кейин қайта тикланмади...

Ҳеч бўлмаганда, ҳозирча уларни юракда, тафаккурда тиклашнинг иложи бор. Туронда вайрон этилган барча қадимий кентлар, қалъалар, ҳозир ҳам олимлар нигоҳига ўзини кўрсатмай турган олти-етти минг йиллик Улғу ўтмиш қўрғонига олиб кирувчи олтин зиналар сақланиб қолган. Улардан бири «Тухфаи хоний» асаридир.

Муаллиф: Манбаларда исми Муҳаммад Вафои Карманегий, мулла Мир Вафо Карманегий, Қози Вафо Карманегий, Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Заҳир Карманегий каби кўринишларда учрайди.

У 1685 йили Кармана вилоятида зиёли оилада туғилади. Отаси Муҳаммад Заҳир Карманегий аштархонийлар замонидан қози амалида ишлаган. Албатта, у ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор қаратган, мадрасаларда таълим олишини таъминлаган. Муҳаммад Вафо Карманегий дастлаб аштархоний Убайдуллахон саройида китобдорлик вазифасини бажаради. Кейинчалик лавозими кўтарилиб, қозилик мансабида фаолият юритади. У ўз даврининг обрў-эътиборли шахсларидан эди. Юртда аштархонийлар ҳукмронлиги поёнига етиб, манғитлар даври бошланади. Муҳаммад Вафо Карманегий манғитларнинг илк ҳукмдор вакили Муҳаммад Раҳимхоннинг (1709 – 1758) ҳурматини қозонади. Ушбу «Тухфаи хоний» (Хон тухфаси) асари унинг таклифи ва буйруғи билан ёзилади. Шу сабабдан мазкур асар «Тарихи Раҳимхоний» (Раҳимхон тарихи) номи билан ҳам аталади.

Абдусаттор
ЖУМАНАЗАР,
ЎзРФА Шарқшунослик
институтининг катта илмий
ходими



Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўл-ёзмалар хазинасида асарнинг №12966 рақами билан сақланаётган нусхаси матни охирида Қози Вафо Карманагий ҳижрий 1183 йили (1769 – 1770) Бухорода вафот этгани қайд этилган.

Асар аҳамияти: «Тухфаи хоний» ҳам XX асрга қадар жуда машҳур асарлардан бири бўлган. Қўлёзмалар хазинасининг асосий жамғармасида (фонд) унинг №16 (366 варақ), 2604 (181), 2721 (295), 3530 (228), 4263 (333), 5062 (318), 5359-2 (221: 172 – 393), 5360 (293), 12966 (239), 615-3 (4: 190 – 193) рақамларда қайд қилинган ўнта нусхаси сақланади.

Китоб икки жуз (қисм)дан ташкил топган. Биринчи қисмда манғитли Муҳаммад Раҳимхон ва отаси Муҳаммад Ҳакимбий оталиқнинг ҳаёти, манғит ҳукмдорларнинг тарихи, уларнинг асар ёзилаётган пайтда жамиятда тутган ўрни батафсил ёритилган.

Асарда Бухоро давлати бошқарув тизимида мавжуд бўлган мансаб ва амалларга оид муҳим маълумотлар бор. Аштархонийлар ва манғитлар ҳукмронлигининг илк даврида мамлакатда кечган ижтимоий-сиёсий, тарихий жараёнлар моҳирона ва қизиқарли тарзда ҳикоя қилинади. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Шаҳрисабз, Жиззах атрофида кечган тарихий воқеалар, бу ҳудудларда истиқомат қилаётган элатлар ҳаётига тааллуқли ахборотларнинг кўпчилигига муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган.

Муҳаммад Вафо Карманагий манғитлар давлатида 1770 йилгача бўлган воқеаларни ёзиб боради. Бироқ тўлиқ китоб ҳолига келтиришга улгурмайди. 12966 рақамли нусха охирида матн орти (колофон) ахбороти кўра, китоб қоралама ҳолида қолиб кетади ва кейинчалик тўлдирилиб, китобат қилинади. Бу маълумотлар асарнинг биринчи жузига оиддир.

«Тухфаи хоний» асарининг иккинчи жузи амир Дониёлбий (Муҳаммад Раҳимхоннинг укаси) оталиқнинг рағбати ва буйруғи билан давом эттирилган. Бу қисмни Олимбек ибн Ниёзқулибек Насафий ёзади. Иккинчи жузда Амир Дониёлбий даври ва қисман амир Шоҳмуроднинг давлат бошқарувидаги фаолияти ёритилган. Воқеалар охири 1782 йил билан тамомланади. Бу пайтда амир Шоҳмуродбий ҳали марказий давлат бошқаруви тепасига келмаган эди.

Асарда Бухоро хонлигида яшаган олимлар, марказий бошқарувни мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилган курашлар ва ислохотлар, XVIII аср биринчи ярмида рўй берган парокандалик ва ўзаро ички тўқнашувлар оқибатида шаҳар ва қишлоқларнинг таназзулга юз тутиши каби ҳолатлар тўғрисида муҳим ахборотлар берилади. Иқтисодий жараёнлар, жамиятда мавжуд бўлган ўлчов бирликлари ва пул муносабатлари, мансаблар, илмий, адабий ҳаёт ҳақидаги маълумотлар бугунги кун ўқувчиси ўша даврлар манзарасини аниқ ва тўғри тасаввур қилиши, англашига хизмат қилади.

Ушбу асардан бир қанча тадқиқотчилар ишларида фойдаланишган. Бироқ қимматли тарихий манба бўлишига қарамай, ҳозиргача ўзбек тилига таржима қилинмаган.

Фатҳномаи султоний

Муаллиф: Муҳаммад Мир Олим Бухорий. Амир Насруллохоннинг эътиборли кишиларидан эди. Таржи-май ҳолига оид маълумотлар деярли йўқ. Бу унинг шахси ва асари махсус ўрганилмаганидан далолат беради. «Фатҳномаи султоний» (Султон фатҳномаси) китобини Ғузурда Муҳаммад Олимбек ҳузурда ёзишга киришади. Мазкур асар «Тарихи амир Насруллоҳ» номи билан ҳам аталади. Муаллифнинг бошқа асарлари борлиги бизга ҳозирча маълум эмас.

Асар аҳамияти: Қўл-ёзмалар хазинаси асосий бўлимида асарларнинг №1838 рақамли ягона нусхаси сақланади. Форсийда ёзилган, қаттиқ муқовали, маҳаллий қоғоз, хати настаълиқ, 194 варақ, ҳажми 26х15см. Ҳижрий 1256 йили (1840) йили кўчирилган.

Асар анъанавий тарзда бошланади, 5^а-саҳифада мақсадга ўтилади ва ёзилиш сабаблари баён қилинади. 8^о-саҳифадан амир Дониёлбий даврида жамиятда назорат сустлашиб қолгани, амалдорларнинг ўзбошимча бўлиб кетгани, порахўрлик авж олгани ва солиқлар ошиб, халқ қийналиб қолгани тўғрисида сўз боради. Шоҳ-


* Тухфаи хоний. 12966, 239а.

муродбий давлат тепасига келгач, давлат назоратини кучайтириб, барча тартиб-сизларга барҳам беришга киришади. У «хатти тархоний» жорий этиб, солиқлар белгиланган муддатга бекор қилинади.

Асарнинг 56⁶ -саҳифасига қадар амир Насруллонинг тахтни эгаллашигача бўлган воқеалар ҳикоя қилинади. Сўнги тарихий ҳодисалар ҳижрий 1248 йилгача (1832) етказилган. Амир Насрулло даври тўлиқ ёритилмагани сабабли кўпчилик тадқиқотчилар асарни тугалланмаган, деб ҳисоблайди. Балки муаллиф бу пайтларда ҳаёт бўлмагандир - бунга кейинги тадқиқотлар аниқлик киритади.

Муҳими, асар катта тарихий аҳамиятга эгадир. Унда амир Насруллохон шахси ва унинг атрофида тўпланган тарихий шахслар, турли вилоятлар ҳокимларининг марказий давлат олий бошқаруви билан муносабатларига тааллуқли муҳим ахборотлар берилган. Шўролар даврида жаллод, ёвуз ва золим қиёфасида тасвирланган амирнинг кўпгина ижобий томонлари ҳам кўзга ташланиб қолади. Унинг мамлакатни бирлаштириш йўлида олиб борган тинимсиз курашлари, Баҳовуддин Нақшбанд мозорида амалга оширган ободончилик ишлари, отаси амир Ҳайдар қабри ёнида мадраса қурдириши ва унга вақфлар ажратиши, Айуб алайҳиссалом мозорига ажойиб сандиқ ясаптиргани каби кўплаб ишларига оид маълумотлар тарихга бўлган муносабатимизни қайта кўриб чиқишга ундайди.

Тадқиқотчилар Денов шахридаги Саййид оталиқ мадрасасининг XV – XVII асрларда Алоуддин Аттор авлодлари томонидан бунёд этилгани ва бошқа маълумотларни қайд этишади. «Фатҳномаи султоний» асари мадрасалар тарихига бағишланган ишимизда бу муаммони ҳал этишга ёрдам берди. Уни амир Ҳайдарнинг қайнотаси Саййид оталиқ XIX бошларида қурдиргани аниқланди. У бир неча йиллар Деновда ҳокимлик вазифасини бажарган экан.



Асарда XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср ўрталаригача Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Гузор, Шеробод, Бойсун, Денов, Жиззах, Яккабоғ ва бошқа бекликлар тарихига оид кўплаб қимматли маълумотлар бор. Ушбу асар Муҳаммад Вафо Карманагий маълумотларини тўлдиради ва муваффақиятли давом эттиради.

Академик Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашича, О.Д. Чехович «Фатҳномаи султоний» аса-

рининг биринчи қисмини рус тилига таржима қилган, аммо нашр этилмай қолган. Мазкур қисм амир Насрулло ҳукмронлигига қадар давр воқеаларидан иборатдир.

Бу асарнинг тақдири ҳам олдингиси кабидир. Мамлакат тарихини ўрганишда қимматли ахборотларга бойлигига қарамай, ҳозиргача ўзбек тилига ўгирилмаган.

Олтин зиналар... Уларни топмай, замонлар кемтик қилган жойларини бутламай, унга қандай қадам қўйиб бўлади?

Яхшиямки, аждодлар китоблар ёзиб қолдиришган. Битта, иккита эмас, минглаб. Айтмоқчи бўлган зиналаримиз ўшалар. Ҳар бири Миллатни ўзига, унинг қалб саройига олиб боришга хизмат қиладиган охири кўринмас узун зинанинг битта пиллапоясидир. Уларни кўрмасдан, билмасдан бирор тарихий-бадий асар ёзиб бўладими? Тадқиқотлар ўз йўлига. Улар бугуннинг ишлари. Уларнинг яхшилари бугуннинг кишисига имкони етганича кўмак берар, аммо манбалар удалайдиган ишларни асло бажара олмайди.

Биз, ҳозир нимани кутяпмиз ўзи?

Koshg'ariydan qolgan til sadolari



Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими.

1963 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети (ҳозирги
ЎзМУ)нинг ўзбек
филологияси
факультетини
тамомлаган.
«Рухмининг товуши»,
«Хиргойи» шеърлар ва
дostonлар тўпламлари
нашр этилган.
А.Файнбергнинг
«Чигир»,
Б.Генжамуроднинг
«Окуздарё битиклари»,
каби шеърини
тўпламларини ўзбек
тилига таржима қилган.

Қозоқ тилида ижод қиладиган адиблар Абай асарларининг тили ҳозирги замон қозоқ тилидан кўра Маҳмуд Кошғарий тилига яқинроқ эканини таъкидлашади. Жаҳон адабиётининг дурдоналарини, жумладан Абай Иброҳимнинг шеърларини ҳам Миртемир домла қиёмига етказиб ўзбек тилига таржима қилган эди. Устоз Абдулла Орипов «Карвон» шеърда Миртемирнинг таржимонлик маҳоратини шундай таърифлаган:

*Не-не ўлкаларнинг не даҳолари
Сиз боис ўзбекга сўйлаган эди.
Сизнинг лафзингизда куйлаган эди
Кошғарийдан қолган тил садолари.
("Йиллар армони", 1984, 379-бет)*

Абай ўланларидаги қадимий туркий тилнинг «шира»ларини, оҳангдаги маъно ва қочиримларни аниқроқ англаш ва ўланларнинг бадиий хусусияти, тили ҳақидаги фикрларни равшанроқ баён қилиш учун мисолларни қозоқ тилидаги китобдан келтиришга ҳаракат қилдик.

*Қансонарда бургутчи тикқади ангаа,
Тастан тулки топилар ангдиганга.
("Абай", 1994, Алмати, 14-бет)*

Бургутчи қор ёққанда овга чиқади. Чунки, оппоқ қорда ёввойи ҳайвонларларнинг излари аниқ кўзга ташланади. Овчи тулкининг изини осонгина топиб олади ва унинг изига тушади. «Анг» – ёввойи ва йиртқич ҳайвонларнинг умумий номи. «Ангдув» – пойламоқ, йирқич ҳайвонларнинг изидан тушмоқ. Бу сўзлар қорақалпоқ тилида ҳам шу маънони билдиради. Ўзбек тилидаги бўш-баёв, уқувсиз, содда маъносидаги «ангқов» ҳамда тушунмоқ, уқиб олмоқ сўзларининг маънодоши «англамоқ»нинг ўзаги ҳам «анг». Ангни – ёввойи ҳайвонни овлашни эплай олмаган, унинг изини англамаган ландовур – ангқовдир.

Маҳмуд Кошғарий лўғатида эса «анг» сўзи шундай изоҳланади: «Анг – қуш исми, унинг ёғидан дори сифатида фойдаланишади. Агар ёғи кафтнинг юзига сурилса, кафт орқасига ҳам ёйилиб кетади» («Девони луготит турк» «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент 1960 йил, 1-жилд, 76-бет).

Абай ангчининг тулкининг изидан дарё ўзанига чиққани, бургутини тулкини овлаш учун учирганини ёрқин бадиий бўёқлар билан тасвирлайди.

Қар – аппақ, буркит – қара, тулки – қизил,
Ухшайди қаса сулув гўмилғанга.

Қара согин кўтариб икки шынтақ,
У-да булк-булк этмайми сийпаганда.

(“Абай”, 1994, Алматы, 15-бет)

“Қас” – ҳақиқий, чинакам, асил”, “шынтақ” – биллак деган маънони англатади. Шоир оппоқ қорда қора бургут билан қизил тулкининг олишув манзарасини ниҳоятда гўзал қизнинг сувда чўмилаётган ҳолатига ўхшатади. Сулув икки билаги билан қора сочларини кўтариб бошини ювгани, сувда чўмилгани каби бургут билан тулки жон талашиб курашганида оқ, қора ва қизил ранглар айқаш-уйқаш бўлиб, ялт-юлт этиб кетади.

Аппақ эт, қип-қизил бет, жап-жалангаз,
Қара сог қизил юзни яширганга.
Куёви эр, қалындыги сулув бўлиб,
Яна ўхшар тор тўшакда жўлғасқанга.

(“Абай”, 1994, Алматы, 15-бет)

Қора бургут қизил тулкига чанг солгани қора сочнинг қирмизи юзни яширганига ўхшатилади. Ов завқини шоир куёв билан келиннинг чимилдиқдаги висол оқшомига тенглаштиради.

Абай ушбу ўланни ҳақиқий овчи йигитлар ўқиса, завқланади, дея яқунлайди. Зотан овга чиқиб, ангга қуш солиб, ов завқини ҳис қилмаган кимсалар, бу ўланнинг қадрини ҳам билмайди.

Муни оқыса, жигиттер, ангшы оқисин,
Била алмассынг, қус салып дам татпасанг.

(“Абай”, 1994, Алматы, 16-бет)

Шоирнинг мазкур ўлани Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони лўғотит турк” асаридаги қуйидаги қўшиқни эслатади.

Чағри алиб арқун,
Муниб арқар етар,
Авлар кэжик тайған
Изиб тилку тутар.

Қўлига логин қўндириб,
Алқорларга етади.
Този ит-ла кийик билан
Тулкиларни тутади.

(“Девони лўғотит турк” 1-жилд, 398-бет.)

Туркий халқлар турмушида эпчил, чаққон ва мерган овчиларнинг фаолияти ниҳоятда қадрланган. Шоирлар чавандоз ва қушчи йигитларнинг жасоратини мадҳ этган. Абай ҳам ўз халқининг ана шундай фазилатини улуғлайди. Шоир ов манзараси билан бирга овчининг кўнглидаги шавқу завқни бадиий маҳорат билан ифодалайди.

Инсон туйғуси ва руҳиятининг тасвири бадиий асарнинг умрбоқийлигини таъминлайди.

Мен салом ёзаман,
Қароғим, қалқама.
Қайгундан озаман,
Боргувти айтама?

Кўнгилга юпаниш,
Сен эдинг, бозорим.
Энди йўқ қувониш,
Тўзмоқда ажарим.

(“Абай”, 1994, Алматы, 253-бет)

“Қалқам” сўзи жоним, меҳрибоним маъносини англатади. Жоним, сенга саломнома ёзаман, дейди лирик қаҳрамон. Лекин жондан ҳам азиз жонона бепарво. “Ажар” ранги рўй деган маънони билдиради. Ишқингда рангим саргайиб сомон бўлди, деб ўртанади ошиқ.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лўғотит турк” асарида севги ҳақидаги лирик шеърларга ҳамоҳангликни ҳис этаркансиз, улуг боболардан қолган навларнинг янги оҳанглари дилга завқ бағишлайди.

Ўзик мени қумитти,
Сақинг менга юмитти,
Кўнглим ангар эмитти,
Юзим менинг саргарур.

(Севги дарди қўймайди,
Согинг мени қийнайди,
Кўнглим унга тўймайди,
Юзим менинг саргаюр).

(ДЛТ 1-жилд, 99-бет)

Абай ўланларининг асосий қаҳрамони туйғу, фикр, эҳтирос, дард, қайғу ва севинч.

Абай ўланларининг асосий мавзуси халқининг нури келажаги учун ёниб-куйиш, элдошларининг тараққиётдан орқада қолаётганидан ўртаниш, миллатни нодонлик ва қолақликдан воз кечишга, илму ҳунар ўрганишга даъват этиш. Шу боис билимсиз, нодон ва беғам одамларни аёвсиз танқид қилади.

Ёшликда билим излаб югурмадим,
Хайрин билдим, бироқ юз ўғирмадим.
Улгайганда қарасам қўлим қуруқ,
Кегикиб қўл гўздиму, улгурмадим.

Билимсиз қолганимга ким гуноҳкор?
Изласам бўлармидим мунғалик хор?
Одамзод тасаллиси фарзанд экан,
Фарзандимни билимга қўймадим зор.

(Абай “Ёрқин юлдуз”, Тошкент, 2015, 25-бет Миртемир таржимаси.)

Панд-насиҳат мавзусидаги ўланларида ёшларни илғор илм-фан ва бадиий адабиёт ютуқларидан хабардор бўлишга, тил ўрганишга ундайди. “Интернатда ўқийди талай қозоқ боласи” деб бошланувчи шеърида билим эгаллашнинг манбаи китоб ўқишда эканини таъкидлаб, билимга бефарқ кишиларни “Уйида йўқ бирининг Салтиков ё Толстой” (“Ёрқин юлдуз”, 42-бет) дея танқид қилади.

*Қозогим, шўрлик юртим, вайрон юртим!
Қоронгида йўл тополмай ҳайрон юртим!
Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,
Оғзида ҳам қон, ҳам мой сарсон юртим.
(Шу банднинг охирги мисраси “Оғзи-бурни ҳам қон,
ҳам мой сарсон юртим” дея таҳрир қилинганида халқ
иборасига мос бўларди – Р. М.)*

*Тунда уйқунг бузилар, кундуз -- кулқинг,
Дардинга эм бўлмади молинг -- мулқинг!
Огкўзсан, тамакорсан, қурумсоқсан,
Бор савлатинг бошинга кийган тулқинг...*

*Оталарга ўхшамай қолди турқинг,
Ёпирай, мунга кетди, элим, хулқинг!
Бирлик йўқ, барака йўқ, бузилди феъл,
Қани йиққан давлатинг, боққан йилқинг?
(Абай “Ёрқин юлдуз”, Тошкент, 2015, 35-бет, Мирте-
мир таржимаси)*

Устозимиз Абдулла Орипов таъмагирлик нуқсонини бор, нафси ёмон кишиларни таърифлаганда “Бир чўқиб, ўн қарайди” деган кўҳна нақлни эслар эди. Абай қадимги туркий мақоллар, ҳикматли сўзлар ва иборалардан бадиий восита сифатида маҳорат билан фойдаланади. Қуйидаги сатрларда порахўрлик, таъмагирлик ва очкўзлик эл-юртни таназзулга учратгани ҳақидаги аччиқ фикрлар сонлар воситасидаги истиора билан ифодаланади:

*Байлар жур жиган малин қоргалатиб,
Ўз жузин ўнин бериб алар сатип.
Ўнин алип, тўқсаннан таъма қилип,
Бул журтти қўйган жўқпа Қудай атип?
(“Абай” 1994 йил, Алмати, 29-бет)*

Абай ўланлари ҳам “Девону луғотит турк” даги лирик шеърлар каби бармоқ вазнида битилган. Китобда 7-8 ва 11-12 ҳижоли вазнда битилган шеърлар кўп. Лекин туркий халқлар оғзаки адабиётида шундай шеърий шакллар борки, улар мураккаблиги ва ўйноқлиги, оҳандорлиги билан ўқувчини ҳам, тингловчини ҳам сеҳрлаб

қўяди. Бу тўлғов жанридаги лирик шеърлар ва термалардир.

*Игим ўлган, сиртим сов,
Кўринганга дейман-ов:
Бугунги дўст – эртан ёв,
Мен не қилдим, ёпирым-ов?!
Бундаймасдинг анов кун,
Нима бўлди, ботир-ов?
Уг кун арқон бўшаса,
Бўла қолдинг бўш асов.
Берарманда бешовсан,
Оларманда яна олтов.
Тўп бўлганда кўрарсан
Турли довни юз таров.
Қайтиб келар эшикни
Қаттиқ ёпма, ёрқин-ов!
Етилсанг-да, етсанг-да,
Керак куни бир бор-ов.*

(“Абай”, 1994, Алмати, 89-90-бетлар)

Тўлғов шаклидаги шеърий усул халқ достонларида ҳам кўп учрайди.

“Алпомиш” достонида Товка ойим Алпомишнинг келаётганини эшитиб, бекни кутиб олишга чиққани шундай тасвирланади:

*Хабар эшитгандан туриб жўнади,
Канизларман бирга-бирга келади.
Келаётир кўнглин хушлаб,
Ўн канизи йўлни бошлаб,
Ўн канизи пўш-пўшлаб,
Ўн канизи зулфак ташлаб,
Ўн канизи белин ушлаб,
Нега қизлар ўйин бошлаб,
Бир-бирининг вақтин хушлаб.*

*(“Алпомиш” “Шарқ” НМАК, Тошкент, 1998, 298-бет,
айтувчи Фозил Йўлдош ўғли.)*

Абайнинг шеърларини аслиятда, яъни қозоқ тилида ўқиган китобхон шоир оҳанглар ва товушлар афсунгари эканини англайди ва бу гўзал ҳамда жозибали шеъриятнинг оҳанрабосига ром бўлиб қолади. Оҳанг, сукут, урғу, суръат, товушлар уйғунлиги гоҳ тоғдан тушаётган жилғага, гоҳ елиб бораётган арғумоқнинг туёқлари дупурлашига, гоҳ қуюнга, гоҳ майин шаббодага ўхшайди. Бепоён кенглик, чексиз даштларнинг манзараси ўз оҳанглари билан Абай шеъриятига кўчган. Айни пайтда унинг ижодида осмонўпар тоғ чўққиларининг улуғворлиги ҳам намоён бўлади. Улуғ шоир шеърларидаги оҳанглардан олинган айрим мисолларга эътибор беринг.

“Буралип турип,
Бувини қурип” 5 ҳижоли,
“Соф-соф кўнглим, соф кўнглим” 7 ҳижоли,
“Қалинг элим, қазагим, қайран журтим” 4-3-4
туруқ билан 11 ҳижоли,
“Қақтаган ақ кумистай кенг мангдайли” 11 ҳижоли,
“Қартайдик, қайғи уйладик, уйқи сергак” 12 ҳижоли,

“Саккиз оёқ” саккиз мисра “а-а-б; в-в-б; г-г” шаклда қофияланган 25 бандли, 5-5-8; 5-5; 8-8-8 ҳижоли мураккаб ва ўйноқи бармоқ вазнида ёзилгани билан эътиборни тортади. Ўланнинг ҳар банди саккиз қатордан бўлгани учун “Саккиз оёқ” деб номланган.

Ҳар банди 6-4-4-3-4-2-8 ҳижоли 7 мисрали, шунингдек ҳар банди 9 мисрадан бўлиб, 4-4-7-4-4-7-4-3-3 ҳижоли вазнда ёзилган ва “а-а-б; в-в-б; г-г-г” шаклда қофияланган ўланлар туркий шеърятнинг оҳанглари ранг-баранг эканини намоён этади.

Ҳар мисраси 6 ҳижоли ўландаги товушлар уйғунлиги, такрорлар, ҳаракат-ҳолатни билдирган сўзлар худди афсун ўқилгандек янграйди:

*Иситқан, сувитқан
Бўйингди бир кўнгли.
Дунёни унутқан
Қумаринг тўзар, бил.*

Туркий халқларнинг қўшиқларию лирик термаларида охирги сатрлари асосан феъл билан яқунланади. Яъни шеърнинг қофияси феъл сўз туркумига мансуб бўлади. Бундай поэтик хусусият Абайнинг шеърларига ҳам хос. Албатта, бугунги кун ижодкори учун шеър қофиясининг от ёки сифат бўлгани яхши. Чунки, қофия от бўлса, бундай қофиядан янги ном, янги образ яралади. Агар қофия сифат бўлса, янги ранг яралади. Бу эса шеър тилини бойитади. Бироқ ўйланиб қоламан, нима учун қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, шу жумладан қадимги ўзбек шеърятининг қофияланиш шакли асосан феълдан иборат? Ҳар бир халқнинг бадиий адабиёти ўша халқнинг руҳияти, феъл-атвори, урф-одати ва фикрлаш тарзини намоён этади. Феъл иш-ҳаракатни, амалиётни ифодалайди. Туркий халқлар ҳаракатчан, чаққон, жанговар, тадбиркор бўлган. Улар бепоён кенгликларда қишлоқдан яйлоққа, яйлоқдан қишлоққа кўчиб кўниб умр кечирган. Қушдек учқур тулпорларида елиб, душманларининг додини берган.

Ҳаёт учун курашнинг асосий шартини ҳаракат, ҳаракат, яна ҳаракат бўлган. Шунинг учун уларнинг қўшиқларининг қофияси ҳаракатни ифодаловчи феълдан тузилган. Думбираю қўбиз мусиқаси жўрлигида куйлаган қўшиқларида қаҳрамонлик, ботирлик, чаққонлик, топқирлик, зийраклик мадҳ этилган.

Туркий халқлар шеърятининг яна бир қадимий тури топишмоқдир. Баъзида у жумбоқ деб аталади.

Абай ҳазратлари қадимий туркий шеърятнинг вориси сифатида жумбоқ жанридаги шеърлар ҳам биттади. Шоир уларда дунёнинг моҳияти, умрнинг ўткинчилиги, табиат ва оламнинг яратилиши, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашни тасвирлайди.

Жумбоқ:

*Аллоҳ яратган кугли саккиз ботир,
Бир-бири билан кураш тушиб ётур.
Галма-галдан йиқитишиб, ётиб-туриб,
Ким енгади – номаълум аллал охир.*

Ечим:

*Буни топсам ўйланиб: “Оқин” – денгиз,
Тополмасам: “Қайда қолди ақл?” – денгиз.
Қиш билан ёз, кун билан тун, тоқ билан жуфт,
Яхшилик билан ёмонлик – бўлди саккиз.
(Матн “Абай”, 1994, Алмати, 169-бетдан олинди,
таржима бизники – Р. М.)*

Абай ижодида айтишув (қиз билан йигитнинг ўлан айтишуви), йўқлов жанридаги шеърлар ҳам мавжуд. Айни пайтда Абай аллома шоир. Унинг диний мазудаги шеърлари халқни ҳидоятга, имон-этиқодга даъват этади. Шоирнинг ўз даврининг илғор зиёлиси, маърифатпарвар ижодкор сифатида рус мумтоз шеърятидан қилган таржималари ва бадиий маҳорати ҳақида жуда кўп гапириш мумкин.

Абай ижодини ўрганиш бугунги ёш авлод учун туркий шеърятнинг бетакрор ва ранг-баранг поэтикасини кашф этиш ва таҳлил қилиш имкониятини беради. Шоир шеърятдаги умрбоқий ҳикматлар ёш авлодни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Адабиётни ривожлантириш, қардош халқлар ўртасидаги адабий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, аynиқса Абай ижодини теран ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилаётган эътибор нур устига нур бўлди.

Mehribon

Ҳикоя

Аммам Маҳбуда Нуриддинхон қизи хотирасига



Бобо РАВШАН

1985 йили туғилган.
Қатор ҳикоялари,
“Шом ва тонг орасида”
қиссаси чоп этилган.

Кечагина баҳорнинг нафаси уфуриб турган табиат яна қо-воқ-тумшуғини осилтириб олди. Оқшомга яқин жимирлаб ёға бошлаган ёмғир қорга айланди. Туни билан ёғиб чиққан қор тонгда тиниб, изғирин шамол бутун борлиқни забтига олди. Собир молхонага борадиган йўлнинг қорини кураб, сигирга ем-хашак ташлаб қайтгунча совуқда тарашадек қотди. Қўли қип-қизил бўлиб ачиша бошлади. У кафтига қуҳ-қуҳлаб уйга қайтаркан: “Февраль аросатга ўхшайдия, кечагина баҳор эди. Бугун яна қиш”, деб хаёлидан ўтаказди. Кейин тандир бошида этигини эчиб, калиш кийди. Уст-бошини қоқиб уйга кирди. Қараса, хона тўрида аммаси – Меҳри опа ўтирибди. Собир остона ҳадлаши билан аммаси ўрнидан туриб қучоғини кенг очди. Собир салом бериб аммаси билан кўришди. Меҳри опа жиянини бағрига босиб, уни ёш бола-дай эркалаб:

– Оғажонимдан, суюнган товим, ишонган боғим! Меҳрибоним!!!
– деди. Улар аҳволлашиб бўлар-бўлмас Собир аммасини саволга тутди.

– Ким билан келдингиз?

– Менга жин урармиди, ўзим келабердим, – деди Меҳри опа.

– Шу совуқда сизга зарилми, амма? Бир оғиз телефон қилсангиз мошин билан олиб келардим.

– Иссиғиям-совуғиям ўзимизники. Чидаймизда энди. Худонинг берган кун.

Собирнинг кўксида бир нарса чирс этиб узилгандай бўлди. Аммасининг: “Иссиғиям-совуғиям ўзимизники”, деган гапи жон-жонидан ўтиб кетди. Демак аммасини кимдир ҳафа қилган. Меҳри опа эса бировга айтиб-айтмай тугунини кўтариб кўчага чиққан Собирнинг уйигача бўлган бир ярим чақиримлик йўлни пою-пиёда босиб ўтган. Бу йўлни шунчаки юриб ўтса ҳам майли эди, келгунча неча жойда тўхтаб, йиғлайвериш бугилиб қолган нафасини ростлаб, кейин яна қишлоқ бошидаги тутқаторда кўз ёшларни артиб, юзини ариқдаги совуқ сувга чайиб келиб ўтирибди. Энди на бировга арз қилади ва на тақдирдан нолийди. Ҳамма дардини кўз ёшига қўшиб кўчага ташлаб келгану ҳеч бир ҳасрати қолмагандай кулиб-қувониб гурунг бериб ўтираверади. Сиз аҳволини билиш илинжида қанча қийноқ-қистовга олсангиз ҳам барибир, Худонинг



берган куни, бировдан олдин, бировдан кейин бўлиб юрибмиз, дейишдан нари ўтмайди.

Дарвоқе, Меҳри опа турмушдан ажрашгач бошқа оила қилмади. Яқинлари қанчалик қистовга олмасин, бир гапда туриб олди: “Эркак зоти шу бўладиган бўлса, қайтиб эр қилмаганим бўлсин!”

Ўшандан буён у Собирнинг ота-онаси ва укаси билан бир уйда яшайди. Ҳозир Меҳри опани хафа қилган ҳам улардан бири. Ким бўлса ҳам билиб-билмай аммасининг дилини қаттиқ оғритган. Мана энди у бир ҳафта нари-берисида Собирнинг уйида яшайди. Шу вақт мобайнида Собирнинг болаларини ювиб-тарайди, келинига насихат қилади, уй юмушларига қарашади. Бошқа пайт қорасини кўрсатмайдиган қўшни аёллар ҳам кунора гурунг ахтариб Меҳри опани йўқлайди. Уларни кузатиб қўйган Меҳри опа Собир билан тонготар гурунг қилади. Ниҳоят, қайсидир куни Собирнинг укаси ё отаси машинада келиб сигнал чалади. Меҳри опа эса боладай қувониб тугун-тоғарасини кўтариб жўнайди. Кейин Собирнинг уйи кўнгли каби хувиллаб қолади. Тагин у ҳар сафар ўзига-ўзи ваъда бериб: “Энди аммамни кўрсам ҳамма гапни айтиб, азоб еб юришингизга мен айбдорман, дейман. Кейин мени урушса ҳам, умрбод юзимга қарамай кетса ҳам майли, барига чидайман”, дейди.

Ўшанда Собир ўн яшар бола, аммаси Меҳри опа эса бўй етган қиз эди. Улар тун-кун бир-биридан айрилмас, аммаси уй юмушларини бажараётганда ҳам, пахта теримига чиққанда ҳам жиянини етаклаб юрарди. Оқшомлари эса Собирнинг дарсларини бирга тайёрлашар ва

жиянини эртақ айтиб ухлатар эди. Собир бирор шўхлик қилиб, ота-онасидан дакки ейдиган бўлса ҳам аммаси уни ҳимоя қиларди. Шу сабаб Собир ота-онасидан ҳам кўпроқ аммасини яхши кўради.

Ўша йили баҳорнинг адоғида Меҳри опани қўшни маҳаллага узатиб кетишди. Тўйдан сўнг орадан бирор ҳафта ўтиб-ўтмай аммасини соғиниб хар-хаша қилган эди, онаси Собирни олиб аммасининг уйига борди. Шу куни онаси уйларига қайтмоқчи бўлди, Собир эса аммам билан ётаман деб туриб олди. Меҳри опа ҳам жиянининг ёнини олиб:

– Чеча, ташлаб кетсангиз ҳам бўлаберади. Узоқ жой бўлмаса, кетаман деб қолса обориб ташлаймиз, – деди.

Ноилож қолган она, ўғлини қолдириб якка ўзи ортига қайтди. Бундан қувонган болакай куни билан аммасининг изидан қолмади. Кечки пайт ишдан қайтган поччаси Турсинбой ака Собирни кўриб:

– Меҳмон бола ҳали кетмадимми? Ярим кечаси туриб олиб энамни соғиндим, деб жанжал қилмайдими? – деди. Меҳри опа эса:

– Йўқ, – деди. Бу жавобдан қониқмаган поччаси Собирга юзлаиб:

– Кечаси сийиб қўймайсанми? – деб сўради. Собир уялиб

бошини эгди ва йўқ дегандай ишора қилди. Турсунбой ака индамай нари кетди. Зум ўтмай Меҳри опани чақириб нимадир деди. Сўнг Собирнинг ёнига қайтган аммаси:

– Оғажон, сени жеззанг уйга обориб қўяди. Эсли-хушли боладай ўзинг тез-тез юриб бор, жеззанг ишдан чарчаб келган, хўпми? – деди. Собир ноилож рози бўлди. Шу-шу бўлдию Собир поччасини ёмон кўриб қолди. Бўлмаса, у Собирга бирор ёмон гап айтгани йўқ. Лекин бари бир Собир поччаси ҳақида ўйласа кўз олдига эртақдаги ёмон одамнинг қиёфаси келарди.

Тўйдан кейин уч ой ўтар-ўтамас Меҳри опа шом қоронғисида уйларига қайтиб келди. Унинг йиғлайверириб кўзлари қизариб шишган, ўзи ҳам бир аҳволда эди. Меҳри опа уйга кириши билан янгасининг бўйнига осилиб уввос тортиб юборди. У ўзини тутолмай йиғларкан: “Чеча, бу дўзахда яшолмайман... Энам тирик бўлганда бунча хўрланмасдим... Уйини елкамнинг чуқури кўрсин”, дерди. Янгаси эса уни юпатишга уринарди. Меҳри опа тагин баттар йиғи-сиғи қиларкан: “Чеча, қайтиб у уйга бормайман”, деди. Собир аммаси аввалгидай уйларида яшашини эшитиб, болаларча соддалик билан севинди. У бобоси ва отаси ўтирган хонага югуриб кирар экан:

– Ота-ота, суюнчи беринг, – деди.

– Ҳа, нима гап? – деди отаси умидвор қараб.

– Аммам энди уйимиздан кетмаскан. Ҳар доим биз билан яшаркан!

– Тилим бор деб валдирайверасанми, тирранча, – деб отаси Собирнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Кейин қилган ишидан афсуслангандай юзи аянчли тус олиб:

– Бор йўқол, кўзимга кўринма, – деди.

Келинлик уйдан қайтиб келган Меҳри опани кимдир алмаштириб кетганга ўхшарди. Зеро, у Собирнинг дарсларига ёрдам бермас, эртақ ҳам айтмасди. Аксинча, иложи борича Собирни эртақоқ ухлатиб, юзини ёстиққа босиб пиққиллаб йиғлайди. Мабода Собир уйғониб кетса, уни бағрига босиб: “Сениям кўрқитиб юбордим-ми? Бўлди, энди йиғламайман, ухла”, дейдию тагин кўз ёшини тиёлмайди. Собир суяги қотмаган бармоқларни мушт қилиб тугади. Сўнг ўзини аммаси айтиб берган эртақ қаҳрамонидай ҳис этиб, хаёлан поччасининг адабини бериб қўяди.

Ўша тунда ҳам Собир одатдагидай аммаси йиғлагани учун ухлай олмай ётган эди. Хонага Собирнинг онаси – Шодия хола кириб келди. Уни кўрган Меҳри опа ўрнидан турар-турмас кўзини артди.

– Кўз ёш билан иш битмайди, эгачи. Агар кўз ёш бир нарсани ҳал қилганда энангиз тирилиб келарди, – деди Шодия хола.

– Чин айтасиз, чеча. Кўз ёшдан фойда йўқ. Эртага кетаман. Сизларниям зиқ қилиб юбордим. Нима бўлсаям

пешонамдан кўриб яшайбераман, – деди Меҳри опа.

– Ҳай-ҳай, кенжа қиз, сира ундай дегманг! Шундайгаям акангиз билан отангизнинг оччуви чиғиб ўтирибди. Неча кундан бермағон бир келиб хабар олмади, бизнинг қадримиз шунчаликмиди, деб. Минг қилсаям қизимиз ерда ётган тошмаску, ҳеч бўлмаса келиб айбини айтиб кетсин эди, дейишяпти. Ростиям шуда, кенжа қиз! Ҳозир отангиз айтибди, агар уч кунда келиб хабар олса-олди, бўлмаса, бориб ўзим жавобини олиб келаманда, тенгги чиққан жойга бериб юбораман, бир марта кўнглига қарадик бўлди, деб.

– Чечажон, келади, деб айтинг. Куёвингиз ёмонмас, энаси билан синглиси эговлаб адо қилди. Шулардан қочиб бу кишиям...

– Майли, келса бўлди. Бизгаям сизнинг бахтингиз керак.

Меҳри опа янгасини кузатиб қўйгач Собирнинг папкасидан дафтар-ручка олиб, нимадир ёзишга тутинди. Собир бир кўзини хиёл очиб, аммасини кузатиб ёта-ёта ухлаб қолди.

Тонгда Собирни уйғотган аммаси унинг бўйнига аллақандай туморни тақиб:

– Оғажон, бугун бизнинг уйга бориб кел. Жеззанг уйда бўлса керак. Мана шу туморни жеззангга бер. Бошқа бировга ушлатма, хўпми? Мени яхши кўрасан, а? – деди. Собир аммасининг топшириғини диққат билан эшитиб, ҳа деб бош чайқади.

Собир муҳим топшириқ олган аскардай олд-ортига қарамай югуриб борарди. У аввал ўзларининг кўчасидан бориб катта йўлга, ундан сал юриб канал бўйлаб кетган тошлоқ кўчага бурилди. Бу кўчадан одам кам юрар, аммо у қўшни маҳаллага олиб борадиган ягона яқин йўл эди. Собир тошлоқ кўчада тез-тез кетиб бораркан кеча аммаси билан онаси ўртасида бўлган гурунги ёдига тушди. Кейин нима учун аммаси бу туморни жеззасига бериб юборганига қизиқиб тўхтади. Собир биров кўриб қолишидан чўчиб тол панасига ўтди. Кейин бўйнидан туморни олиб, унинг чокини сўтди. Туморнинг ичига икки варақ қоғоз қат-



лаб солинган эди. Қоғознинг тўрт бети ҳам қизил ва кўк ручкада безаб ёзилган экан. Собир канал бўйида ўтириб олиб уни ўқий бошлади: “Соғинчли хат!..”

Собир мактубни хатм қиларкан бу сатрларни аммаси ёзганига ишонгиси келмасди. Айни дамда поччасидай ёвуз одамга бундай ширин сўзларни ёзган аммаси ҳам ўша эртақлардаги каби қиёфаси ўзгарадиган жодугардай кўрина бошлади. Собир ўзини алданган ва хўрлангандай ҳис этиб, алам билан:

– Йўқ, аммам фақат мени яхши кўради, соғинади, – деди. Кейин хатни яна аввалгидай қатлади ва ўйлаб ўтирмасдан мактубни майдалаб йиртди. Сўнг уни тол тагига кўмиб ташламоқчи бўлди. Аммо қачондир аммаси келиб хатни топиб олишидан чўчиб, нима қиларини билмай ўйланди. Тагин нима бўлса-бўлар дегандай қоғоз қийқимларини каналга қарата улоқтирди. Сўнг “жиноят” изини йўқотиш учун “тумор”нинг латтаси ва ипини бириктириб тошга ўраб уни ҳам қоғознинг изидан отиб юборди. Аммаси шубҳага бормаслиги учун яна бироз кўчада санғиб юрдию уйига қайтди. Унинг келганини кўрган Меҳри опа Собирни бир четга тортиб гапга тутди:

– Туморни обориб бердингми? Жеззангнинг қўлига тутқаздингми? Нима деди?.. ҳеч нарса демадимми? Майли. Сен-чи, туморни очиб кўраркансиз, деддингми?.. Ҳа, яхши! – деди ва Меҳри опанинг тунд қиёфаси очилиб, шунча вақтдан буён биринчи марта жилмайди.

Айтилган муддат яқинлашгани сари Меҳри опанинг кўнглини қўрқув эгаллай бошлади. Энди у тез-тез Собирни саволга тутар ва ўша кунги гапларни такрор сўрарди. Собир эса “тумор”ни эгасига етказиб берганини такрорлашдан чарчамасди.

Кўп вақт ўтмай Меҳри опанинг келинлик уйини тўлдириб турган кўрпа-тўшак ва бошқа буюмларнинг ярмини олиб келишди. Уларни Собир ва аммаси ётадиган ўша хонага жойлаштиришди. Нарсаларнинг кўплигидан тахлаган кўрпалар хонанинг ягона деразасини тўсиб, зимистон қилиб қўйди. Энди бу хонага кундуз кунлари ҳам чироқ ёқиб кирилар, ҳали оҳори кетмаган буюмлар чироқнинг хира ёғдусида қандайдир сирли, жозибадор бўлиб кўринсада, уларга қараган киши кўнглида изтиробли ачиниш ҳиссини уйғотарди. Меҳри опа дунёга сиғмай кетган чоғда шу хонага қамалиб олиб, кўрпаю ёстиққа юзини босиб йиғлар, кунни билан у ердан чиқмай ўзи учун азиз бўлган нарсаларга термулиб ўтирарди. Унинг бу нигоҳида кимнидир интизор кутаётгани шундоқ билиниб турар, ана шу илинж, умид Меҳри опани ҳаёт билан боғлаб турган эди.

Меҳри опа уларни қанчалик асраб-авайламасин буюмлар зах ва қоронғи хонадан бирма-бир чиқиб тўзиб кетди. Бешавқат йиллар Меҳри опа учун азизу муқаррам бўлган бу буюмларнинг оҳорига қўшиб баракасини ҳам учирди. Энди бу буюмларга уйнинг исталган бурчагида дуч келиш мумкин эди. Аммо Меҳри опанинг кўзидаги ўша ишонч, умид ҳали-ҳамон сўнмаган ва кимнидир интиқ кутарди. Бу айниқса, ҳозиргидай яқинларидан ҳафа бўлиб Собирнинг уйига келган чоғларида аниқ сезилади. Айни чоғда Собир аммасининг кўзига қараб ўша саволларни ўқийди: “Туморни обориб бердингми? Жеззангнинг қўлига тутқаздингми? Нима деди?!!”

Yig'layotgan qushlar



**Дилфуза
ШОМАЛИКОВА**

1965 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети
(ҳозирги ЎзМУ)
нинг журналистика
факультетини тугатган.
“Онам ёпган нон”,
“Тупроқ ўйнаётган бола”
ҳикоялар тўплами нашр
этилган.

(Иккинчи жаҳон урушида бедарак йўқолган амаким Шоюсуф Шомаликов ва бувим Саодат Мажидова хотираларига бағишланади)

Аллақаерлардан эшитилаётган най навоси ҳушимни ўғирлайди... юрак алланечук ўзлигини йўқотади. Най навоси... бу дунёга келарда қувонч, сўнги йўлга кетарда кўз ёш бўлиб эшитилади менга... Аро йўлда-чи?..

Аро йўлда найнинг навоси синса, йўқ, йўқ, қушларнинг кўз ёши тўкилаётганидан огоҳ бўлган най бир зум муаллақ қолса... Нечун? Бунинг сеҳр-у сабаби не?

Қушлар – бу оналар руҳлари номаълум ва номсиз жангчи қабри устида айланиб-айланиб кўз ёш тўқади.

Қушлар кўз ёш тўкса, бу бири кам дунёнинг яна бир жароҳатими? Бу жароҳатга дунёда малҳам... малҳам қўйгувчи борми?

Йўқ, дейди кимдир, бор, дейди баралла овозда яна кимлардир. Мен айтилмаган сўровимга жавоб ахтараман: одамларнинг чеҳраларидан, исмлари ёдда бору рўйхатларда йўқ ҳужжат-китоблардан...

Қушлар учаверади... уларнинг қанотида Армон бор! Қушларнинг сайроқларида дунёларга сигмайдиган дарди бор. Онанинг интиҳосиз дардини дунёларга элтгувчи элчи бу қушдир. Онанинг охиратда ҳам тинчиёлмай фарзанди ёди-ла, доғи-ла гирён ураётган безовта руҳларининг қушларга айланиб қолгани...



Бир тўда қушлар... Уларнинг орасидан бири ажралиб, пастлайди, аста-аста. Сўнг қанотларини кенг ёйиб, номаълум қабрга қўнади-да, алланима топгандек тумшуклари билан тупроқни бир-икки чўқилайди, кенг ёйилган қанотларини яна ҳам қаттиқроқ босиб, гоҳ ўнг, гоҳ сўл тарафга ташлаётган бошини қабрга қўяди. Шунда кутилмаган мўъжиза рўй беради оламда: қушнинг кўзларида ёш сизади: ўн еттига тўлмай йўқотган ўғлининг исини топгандай эди бу қабрдан...

Гирён уриб учаётган қушлар осмонни ларзага келтургудек чуғурлашади: “Ўғлингнинг қабрини ахийри топдинг” деяётгандек. Умр бўйи излагани – ўғлининг исига тўёлмаган Бедор Қуш эса ҳамон бағрини қабрга бериб ётарди...

Бувижон, дейман, ўн еттига тўлмай кузатган ўғлонингиз дардида ўзингиз бу дунёдан ўтгунингизга қадар армон билан яшадингиз. Кўз ёшларингиз юзларингизни ювиб айтган гапларингиз ёдимда: Қирчиллама ёшида вафот этган ўғлимга юрак ютиб аза очолмадим, мусофир юртларда юрибди, деб юрагимнинг чеккасида чироқ ёқолмадим”

Бувимнинг юрагида ҳам, ўн еттига тўлмай урушга кетган акамиз Шоюсуф аканинг қабрию руҳига ҳам ҳали-ҳануз чироқ ёқилгани йўқ...

Етмиш йилдан ошдики, бу чироқнинг ёниши маҳол бўляпти. Эшитяпсизми, руҳлари қушларга айланган қондошларим, маҳол бўляпти бу чироқнинг ёниши...

Жуда яхши эслайман, 5-6 ёшларда бўлсам керак (ҳали мактабга бормасдим) бувам бир нотаниш киши билан килиб келди – шунақанги хурсандки, уни ҳеч қачон бундай кайфиятда кўрмагандим.

– Кампир, – деди уйга ҳам кирмай остонадан. Бувим ҳа, дейишга улгурмасдан, – суюнчингни каттасидан тайёрлайрер, Шоюсупингни дараги топилди. Мана хабар опкеган киши, тайёргарлигингни кўр.

Рўмолини ўрашга улгурмаган бувим:

– Вой, ўлай, ростданми, хабарчига жоним садага бўлсин, – дедида йиглаб юборди. Уйимиз бир зумда қўни-қўшни, таниш-билишларга тўлди. Улар аллапайтгача ўтиришди. Хабар келтирган меҳмонни кузатаётиб бувам унга тўн кийгазиб, кейин совға-саломлар берди. Бувим сандигидан ипак кийимликлар олиб: – Мана бу болаларингизга мендан. Ҳали ўғилгинам келса... кўнглингиздагидан ҳам зиёда қилиб, – деди-да, томоғи тўлиб, гапини давом эттиролмади.

Кейин эшитсам, меҳмон киши амакимизнинг чет элда яшашини, бир таниши у билан суҳбатлашганини, яқин кунлар ичида аниқ маълумотлар келтириб беришини ваъда қилибди.

Бувим тонг отгандан катта йиғинга тайёргарлик кўрар, тинчимас, баъзилар,

бола-чақаси мусулмонмикин ахир, дер... “Жони омон бўлса бўлди”. Бувимнинг чиқарган ҳукми шу эди.

Сўроқларга қурилган кунлар ойларга, йилларга айланди. Энди бувам кўчадан келганда бувимнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиларди.

Бувим эса ҳар кундан умидвор эди. Ҳар тонг бир мўъжизани умид қилар ва кутар эди. Кутиш... алдовларга қурилган ваъдалигини билмагандик биз. Билганимизда умр отлиғ аробанинг гилдираклари кўз ёш, соғинч, алам ва армон йўлларида азоб билан ўтган – бувимнинг қалбидаги нур пардаси нурай бошлаганди.

Энди бу мавзуда ҳеч ким ботиниб гап бошламасди.

Яна шуни эслайманки, бувимнинг қонга тўлган юрагидаги умиднинг зарралари унга тинчлик бермасди. Бувим бормаган ташкилот, учрашмаган раҳбар қолмаганди. Югур-югурларнинг натижаси бувимга йигирма икки ярим сўм нафақа тайинлашган эди. Ўғлимни суриштирсам, пул билан юпатишди... Бувижонимнинг тутдай тўкилиб айтгани шу бўлганди.

Кейин амакимиз Шоюсуф ака ҳақида бир нарса ёзаман, деганимда бувим хурсанд бўлгандек туюлганди менга. Ушанда бир неча кун тун қоронғусигача суҳбат қурганмиз...

– Иккинчи болам ҳам ўғил бўлди. Буванг отини Шоюсуф қўйди. Онам келиб, бошқа от қўя қолмабсизлар-да, деди-ю, индамади.

Билдимки, исм онамга ёқмади. Волидамнинг бу гапи кўнглимни гаш қилди.

– Нимага унақа дейсиз, ёмон отми бу?

– Ёмонмас-ку... қизим, бир китобдан бобонг ўқиганда эшитгандим, Шоюсуфни қарға-қузгун едилар, деганини. Шунга, майли, парво қилма.



Худойим умрини узоқ қилган бўлса, исмнинг фарқи йўқ. Қариганда ҳамма нарсани кўнглига оладиган бўлиб қоларкан одам. Қўй, гапларимни хаёлингдан чиқар, — онам мени хотиржам қилмоқчи бўлди-ю, кўзига норозилиги из солганини ўзи сезмасди. Мен ҳам бошқа гап айтмадим.

Энди бу менга армон... Армон дегани умримнинг ёқасидан этагигача осилиб қолди-ку, болам: Шосуюфни қарға-қузғун едилар...

Шу мисраларни қайта-қайта киши эшитолмайдиган паст оҳангда такрорларди.

Бувим анчадан кейин гапида давом этди: — Олти боламнинг учи ёшидан ўтиб-ўтмай тупроққа кирди. Учасининг каттаси менга тоғдек суянч — кўзимнинг нури эди... Отинг ўчгур уруш бошланганда ўғилгинамни гўдак ҳисоблаган эканман. Бирин-кетин акам Шомиржамил, укам Шожалил (Шомирзаевлар)га чақирув қоғози келиб, ҳаммамизнинг юрагимиз ярим бўлиб, уларни кузатдик. Буям ҳолва экан, болам, бир куни Шоюсупим шошиб келди-да:

Военкоматга ҳужжат олгани кетяпмиз, — деб қолди.

Бемаҳалда қанақа ҳужжат, десам, — Менга фойдаси тегадиган ҳужжат деди.

Уч-тўрт кун ўтмай Шоюсупимга ва ўртоғи Мурод Муҳамедовга чақириқ қоғози келди. Кейин эшитсам, кўнгилли бўлиб ёзилиб келган экан. Дунём қоронғу бўлди, болам ҳали она сути оғзидан кетмаган бола деб юрсам...

У тонгда кетадиган бўлди. Кўзимда ёшим, йўл ҳозирлигини кўрдим. Тумонат одам, қани энди ўғлим ҳоли қолса-ю гапларимни айтиб-айтиб олсам, дейман. Аксига олиб буванг, ўғлинг дамини олсин, қолган насиҳатингни келганида айтасан, йўлда толиқади, дейди. Билганимдаку-я,

болагинам билан охирги ўтиришимни, оёғи остига ўзимни ташлаб, изларидан тумор ясаб олардим-ку...

Эрта баҳор. Ҳамма барвақт қишлоқ марказига йиғилди. Соли бува деган чол аравада йигитларни шаҳаргача кузатиб қўяркан. Шу кишининг араваси кўриниши билан йиғи бошланди. Худди Соли бува урушга сабабчидек, ҳамма уни ёмон кўраркан. Айниқса, боласини кузатаётганлар. Юрагимнинг вайронлигини дилимга тугиб турган эдим, ўғлим билан хайрлашаётиб, ўзимни тутолмадим. Додлаб юбордим. Атрофда бирдан йиғи кўтарилди.

— Ҳамманинг кўнглини абгор қилдинг, йиғиштир... — бувангни баланд овозидан ўзимга келдим. Шоюсупим аравага чиқаётганда, бир кулиб қаради-да, қўлини силкитди. Аравага чиққандан кейин қайрилиб ҳам қарамади. Ё кўзига ёш келди, дейман, ё мени йиғимни кўришни кўнгли кўтармади. Ҳурлиқодек кўркам болагинамнинг бўйи баландлиги ўтирганида ҳам кўриниб турарди. Нимагадир шу кўнглимга тасалли бўлди: елкасига етиб-етмаган тенгдошлари ичида ўзини тутиб олар, деган ўй хаёлимдан ўтиб, бироз енгил тортдим.

Унинг кетганига ҳафта ҳам ўтмай хат кутардим, ҳар куни эшик олдида ўтириб, йўл бошида почтачи кўриниши билан юрагим тез урарди. Икки ойдан ўтганда амакингнинг хатини олдик:



“Соғинчли мактуб!

Ушбу хатим орқали Сизларга соғлигимни билдираман ва Сизларни ҳаммаларингизни соғ ва узоқ умр кўришингизни яратгандан кечаю кундуз чин кўнгил билан сўраб юрмоқдаман. Дадамга мингларча кўп салом, онамга кўп кўришишлик салом. Синглим ва укамга кўп салом. Қариндош-уруғларнинг ҳам барчасига кўп кўришишлик салом.

Тоғаларимдан хат келиб турибдими? Худойим хоҳласа, соғлиқ бўлса, бу кунлар ўтиб кетади. Мени сира ўйламанглар, соғ-саломат юрибман. Шу билан хайр, омон бўлинглар, соғлигинглар тўғрисида ёзиб туринглар, деб ўғлингиз Шоюсуф. 1942 йил, июль”

Бу мактубдан кейин орадан уч ой ўтиб, қисқагина хабар олдик:

“Салом, азиз меҳрибонларим! Соғлигинглар яхшими? Мен, Худога шукур, соғ-саломат юрибман. Анча пайт хат ёза олмаганим учун узр. Бу хатимни қисқа қиламан, чунки ҳозир бошқа жойга кўчамиз. Мендан хат кечикса хавотир олманглар. Сўраганларга салом айтинглар. Онажон, ўзингизни сиқманг, Худо хоҳласа тез кунларда кўришиб қоламиз. Барчангизни соғиниб: Ш.Ш. 1942 йил, октябрь”

Боламнинг хатлари менга ёд бўлиб қолганди...

Қишнинг қирчилламасида Шомиржамил акамдан, йигирма кун ўтмай синглимнинг эри Азимбойдан қора хат келди. Қўшалок ўлимдан сўнг туриб юришга мадорим етмасди, устига-устига ўғлимдан хат келмаслиги мени адоий тамом қилди.

1943 йилнинг қиши эди. Радиодан солдатларимиз қиш изғиринларида кечаю кундуз немисларнинг адабини бериш учун жонини аямай жанг қил-яптилар, деганини эшитдим-у, бу гаплар қулоғимга маҳкам ўрнашиб қолди. Ўлимлар менга қаттиқ таъсир қилганди, шунгами, ўғлим совуқда юрса-ю, мен иссиқ уйда ўтираманми, деб айвонга чиқиб ётиб олдим. Эрталабгача кўрпамга қор ёғиб чиқарди. Буни эшитган қариндош-уруғлар койишди: шу ётишингдан ўғлингга фойда бўлса ётавер, деди.

Хат кутавериш, кўзимнинг кўки узилди. 1944 йилнинг бошларида Шоюсуф



билан бирга кетган Мурод яраланиб келганини эшитиб, уларникига бордим.

– Шоюсуф билан бир йил ҳам бирга турмадик, ажралиб кетдик, – деди Мурод. Бирор хабар эшитаманми, деб боргандим, ўйларим “тўрхалтага солинган тарикдек” сочилиб кетди. Кейин эртаю кеч радиодан яхши хабар кутиб кунларни ўтказдим.

Бувимнинг кўз ёшларига тўлган кунларнинг бирида “Ўғлингиз бедарак йўқолди” деган хабар келган. Буни бувамиз бувимизга айтмай, ўша ҳарбий қисмга, яхшилаб текшириб кўринглар, деган илтимос билан хатни жўнатган.

Бу иш бувимнинг тирик қолиши учун сир тутилганди... Сирлигича қолди... Бу дунё бувим учун сирга айланганини билмасди...

– Уруш тугаб қолди, деган гаплар эшитилганда, туну кун менга бир бўлган. Ҳар кимнинг оғзини пойлардим. Уруш тугабди, деганда ўтиргани жой тополмай, жоним ичимга сиқмаган, болам, – бувим титраб-титраб йиғларди. – Ҳатто ҳар куни бугун келар, эрта келар деб меҳмон кутишга уйларга пояндоз тўшаб қўйгандим. Қишлоқда бир куни аза бўлса, бир кун тўй эди. Урушга кетган аскарларнинг бировидан қора хат, бировининг ўзи кириб келарди. Шоюсупимдан эса, лоақал икки энликки-на хабар ҳам йўқ эди. Кутдим, кутдим, бормаган идорам қолмади, қай бир идорада суратини олиб келинг, деди. Кейин бормадим...

– Амакимнинг сурати йўқмиди? – сўроққа тутаман бувимни.

– Атиги биттагина сурати бор эди, ҳеч кимга айтмагин-у тагин, – уларнинг овози пастлайди, – бир қариндош қиз иккисининг бир-бирига мойиллиги боракан, учини эшитгандим, йўл-йўлаккай гап деб ўйлагандим. У жудаям кўҳликкина қизиди, мактабда муаллимлик қиларди. Уруш

тугасаям ҳеч кимга розилик бермай юрди, ўғилгинамдан умидвор экан, онагинанг айлангур. Бир куни тўсатдан шу қиз уйимизга келиб қолди, гапини бошлолмайд қизариб кетди. Кейин мактабда урушдан қайтмаганларнинг суратини йиғяпмиз, деганга ўхшаш гап айтди. Қизни кўнглидагини дарров тушундим. Якка-ю ягона сурати менга қанча азиз бўлмасин, мактабларингда йўқолиб кетмас, авайлашар, деб ҳеч нарса билмагандек суратни обчиқиб бердим. Кетгандан кейин ўғлимга аза очгандек бўлдим... Ўша қизнинг уйида сурат ҳали ҳам бор, деб эшитаман бола-чақали бўлиб кетса ҳам, ўғлимнинг суратини асраб юраркан...

Бувим кўп йиғлайдиган бўлиб қолганди. Ўзининг радиоси бўларди. Сиқилиб кетганида эшитиб ўтирарди. Агар найнинг навоси янграб қолса, тўкилиб-тўкилиб йиғларди ва айтардики: йигит ёшидаги боласини йўқотган оналарнинг юрагидан чиққан нола бу, болам, дерди...

Туманимиз марказида Ғалабининг 35 йиллигига бағишлаб “Мангу олов” ёдгорлиги очилганда уруш қатнашчиларининг номи ёзилган тошдаги рўйхатларни биттама-битта ўқиб чиққандим. Амакимизнинг исми йўқ эди. Нимагадир йиғлагим келган, йиғлаганман... кўз ёшимни шу атрофда кўзлари жовдираб турган бувимнинг кўриб қолишидан кўрққанман.

Тошларга ёзилгани нима? – кўнглимдагини сезгандек сўраб қолди бувим.

Урушда ўлганларнинг рўйхати.

— Мани болам на тирикларнинг, на ўликларнинг қаторида бор болам... Улар бошқа сўз айтмай, тошдаги рўйхатларга узоқ тикилиб қолди.

Бу манфаатталаб дунёда бувим ҳеч қандай ташкилотдан ва раҳбарлардан ҳеч қандай манфаат кутмасди. Айтгани шу бўлганди: “Бу катта идорада ишлайдиганлар кичкина кўнглингни тушунмаскан-да?”

Бугун бувимнинг руҳи олдида бош эгиб, ўйлаиб қоламан: Ўғлингиз 60 миллион шаҳиднинг биттаси эди. Бувижон! Улар билан қаҳрамонларнинг номи биттага кўпайиб ҳам, камайиб ҳам қолмайди. Ўғлингизнинг исм-шарифларини ёзишга рўйхатларда атиги бир қаторгина жой бордир... Йўқ. Ёзиш ҳам шартмасдир, балки... У жангга кирганида катта китобу узун рўйхатларнинг қаторига ёзиламан, деб хаёлига ҳам келтирмаган. Онага эса булар асло-асло ётлигини биламан, Буви! Она учун фарзандидан ортиқ нарса йўқ... Агар дийдор деганидан бенасиб бўлса ўғлингизнинг муқаддас хоки кўйилган туфроққа бош уриб, хумордан чиқиш эди... “Худойим иккисини ҳам насиб этмаса, онанинг тириклайин куйиб кул бўлгани, болам”. Бувимнинг бу гаплари қулоғимнинг остида жаранглайверади, жаранглайверади...

Қўлёмани тугатмай кўзим илинибди: “Буvingинанг айлансин, жонимни қоқай болам, сен ҳам йўқладингми, Шоюсупимни?... Мана буни болаларингга бер”. Чўчиб уйғонаман. Кўркам кийиниб олган бувим кўз олдимда тургандек бўлади.

Мусофир шаҳарда шунча йил яшаб, менинг хонадонимни – бугун биринчи марта бувимнинг руҳлари йўқлаганди...

Одамзот ўлмайди, улар руҳларга айланиб, ҳамиша тириклар билан бирга юради – эшитганим, эшитиб эшолмаганим эди... Энди ҳақ – рост дейман, ҳаққаст рост!..

Мени бетизгин хаёллар олиб қочади. Кўз нурларим гўё кўп қаватли биноларни йиқиб, беҳад узоқларга, қатор номсиз қабрларга тушади: гул-чечагу майсалар ўпиб, шамоллар силарди қабрни... Бемор Қуш эса бағр қўйиб ётарди унда. Кўз ўнгимдаги бу манзара шоирнинг сатрларини ёдимга солади:

Қабрни силайди манзилсиз шамол
Қабрга кўрсатар шарқдан кун жамол.
Зиёрат этгандай қўйиб – бағр-тўшлар
Қабрнинг устида йиғлайди қушлар,
Ким ётар бу ерда, ким бўлди ўзи,
Ким бўлди бу ерда юмилган кўзи...



Амаким беном кетгани йўқ. Шоирнинг сўнгги мисрала-ри яна хаёлимда жонланади:

*Элсевар баҳодир, жанговар ўртоқ,
Зўр жангда мардларга бўлганди ҳалок.*

Йўқ, йўқ... Буви! Кўнглингиз оғримасин... Сизнинг жи-гарпорангиз, умрингизнинг устунни – ўғлингиз мардларча ҳалок бўлмагандир балки... У оддийгина ўлим топгандир. Бувижон, аммо ўғлингиз Сиз учун, биз учун жонини ти-киб жангга киргани аён!...

Елкадаги қарз-чи? Қарз – менинг узоқ тунлар суҳ-батлашиб амаким ҳақида бувимга бир нарса ёзаман, деб берган ваъдам эди. Ўзимнинг катта-кичик ташвишларим-дан ортолмадим. Бувимни алдаб совға-салом олиб кетган меҳмон киши билан ўзимни шу пайтгача тенг қўярдим. Энди-чи?! Энди мен шаҳидлар қабрига бошимни бироз тикроқ тутиб қарайман...

Қушлар ... бағир-тўшларини қабрга бериб кўз ёш тўкаётган Бедор Қуш! Ярим асрдан ортиқки, ҳар номаълум қабрнинг устида чириллаб, ўғлингнинг исини энди топганинг рост!

– Тургин, турақол, – дейман, – менинг Бедор Қушим, ё ўғлингнинг кечагидек таниш исидан хумордан чиқол-май, ўзинга келолмаяпсанми, айт?! Айтгин, айт, 73 йиллик соғинч учун 73 минг йил керак деб! Айтгин, айт менга... Соғинч нелигини бир сиқим умримга ташланган бир тутам айрилиқ йўли юрагимга игналар билан ёзиб ўтганини...

Юракдан ўтганни – юраги-дан ўтганлар тушунади, Бе-мор Қушим! Тур, армон отлиғ қанотингга ниҳоясиз бахт инди энди... Тургин, қанотларингни ёй! Ундаги бахту дийдор нурла-ридан умидвор кўнгилар ҳам иншооллоҳ баҳраманд бўлмай!

Турақол... тургин... Қара, кўзингдаги ёшлар – соғинчинг-нинг дур томчилари, умиднинг алангасига айланиб бораётир...

Умид алангаси. Қабрнинг устида йиғлаётган қушларнинг кўз ёшларини тиндиради бу аланга абадий. Бу аланга рост-лик ва ҳақиқат дунёсига қўйил-ган умид...

Қабрнинг устида йиғлаётган Бедор Қушим, сенинг кўзла-рингдан оқаётган ёшмас, у инсо-нийлик ва эзгуликка қўйилган мангу жуфтчирик...

Тургин... Қанотларингни кенгроқ ёй, Бедор Қушим! Кўз-ларингдаги мангулик-тинчлик нурларининг умрбоқийлиги рост бўлсин...

Xalqim, mehring ziyosi ko'ngilga boshlab borsin



Исломжон ҚЎЧҚОРОВ

1993 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат
жаҳон тиллари
университетининг
халқаро журналистика
факультетини
тамомлаган.
Ҳозирда “Миллий
тикланиш” газетасида
ишлайди.


Тилимни гаён гақса, дилим тин айт деб турса,
Итимда бир ҳур овоз, ўзинга қайт деб турса.
Тушимда Темур бобом от топиб, “ҳайт!” деб турса,
Даралар сергак тортса, мен эса уйғонмасам.

Мудраб ётган қонларим томиримда гупурса,
Хотирим ким эдинг, деб мудом сўроқлаб турса.
Кўкдаги миллион кўз кимлигим кўриб турса,
Коинот тўлғонса-ю, мен эса тўлғонмасам.

Бобомнинг пешонаси эгатдек тизиқ-тизиқ,
Ўтмиши қулф осилган сандиқдек қизиқ-қизиқ,
Вақт ҳукмида туйғулар, ришталар юлуқ-узук,
Ғафлат мендан тонса-ю, мен ундан тонолмасам.

Ватан! Ватан! дейману каломим сохта, синиқ,
Унинг ҳовуг тупроғи маъволари оқ, тиниқ.
Бу диёрнинг машъали иймон-ла мудом ёниқ,
Мен ким бўлдим, гар унинг қадрини англолмасам.

Халқим, меҳринг зиёси кўнглиннга бошлаб борсин,
Ҳазрат Навоий юрган йўлиннга бошлаб борсин.
Бош устига синовлар, йўлга дард ташлаб борсин,
Ошиқ ё шоирмасман шу дарддан сўз термасам,
Сенинг ўғлонингмасман, “Ватан!” деб жон бермасам.
Яшаганим ҳам ёлгон шонингга шон бермасам,
Она, ўғлим демагил, кунингга ярамасам...



* * *

**(Ч. Айтматовнинг “Соҳил ёқалаб
чопаётган олапар” қиссасини ўқиб)**

Чайқалиб боряпман тўлқинлар аро,
Денгизда оқ булут – манзил йўқолган.
Менинг ҳам қайиғим бир мотамсаро,
Менинг ҳам осмоним юлдузсиз қолган.

Унутиб қўйдим мен ташналигимни,
Сенинг изларингдан сузиб бораман.
Киришк, қабул эт ошналимни,
Дардингни ит-итдан сезиб бораман.

Мана мен боряпман, гидагин пиға,
Етсам, отангни ҳам сақлаб қоламиз.
Милхунга айт: кутсин мен боргунимга,
Овгилик номини оқлаб қоламиз.

Оқсоқол Ўрхоннинг тамакисини
Чақмоқнинг ўтида тутатамизми?
Ахир мен сезяпман Ернинг исини,
Сафарни шу ерда тугатамизми?

Умидинг сўнмасин, кугли бўл, ошна,
Ўзингни сақлагин телбаликлардан.
Бизни кутаяпти булоқлар – ташна,
Умбалоқ ошамиз тепаликлардан.

Овинг юришмади овулингга қайт,
Оғиқ яраларинг энди ким ёпар?
Биз келдик, энг мунгли қўшигингни айт,
Соҳилда интизор турган олапар.

* * *

Қисмат, дедим, дод дедим,
Қўлларингни торт дедим.
Ғамингни елкамгамас
Юрагимга орт дедим.

Йўлим тўлди тошларга,
Кўзим тўлди лошларга.
Юрагим, бу ғамлардан
Омонлик йўқ бошларга.

Куз кўрдим кўрмайин ёз,
Юз кўрдим кўрмайин ёз.
Дунёдан сўраганим
Меҳр эди-ку, холос.

Тангрим, шул ҳолимга боқ,
Йўлимда мингта тузоқ,
Сен томон отланганинг
Манзили бунга узоқ,
Бунга узоқ...

Йиғлама осмон

Нега бундай йиғлайсан, осмон,
Сенга тутар дастрўмол қайда?
Кўзёшларинг ютиб кетар Ер,
Офтоб гикса, буе кўтарилиб,
Қуриб кетар бу эски жайда.

Нега бундай йиғлайсан, осмон,
Кел, яхшиси, устимиздан кул.
Биз йиғлаймиз сенинг ўрнингга,
Қара, ўзи шундоқ ҳам замин
Бағри тилка, яноқлари ҳўл.

Энди бундай йиғлама, осмон,
Эримаймиз – дийдамиз қотган.
(Ҳайрон қолар жойи йўқ бунинг)
Йиғлаб-йиғлаб гаргаган дунё
Кўзёшининг лойига ботган.

Йиғлама осмон...

Tarix



Ойгул АСИЛБЕК қизи

1983 йили туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетини тамомлаган. Шеърлари “Ёшлар китоби”, “Олтин кўприк” сингари баёзларга киритилган. “Шоир хаёллари” номли китоби нашр этилган.

Ayol haqida nima deydi?

Қадимги юнонлардан қолган бир нақл бор: “Қул эмас эркин, варвар эмас эллинлик, аёл эмас эркак бўлиб туғилганимга тақдирдан миннадорман”. Ҳозирги даврда бу муаммоларни муҳокама қилиш, қайсидир омилларни оқлаш ва қоралаш муҳим бўлмаслиги табиий, чунки дунёнинг кўплаб мамлакатларининг қонунчилиги, шу жумладан, Ўзбекистондаги қонунчилик ҳам аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқчилигини таъминлайди. Бугунги кунда жамиятнинг деярли барча соҳасида аёлларнинг ўз имкониятларини амалга оширишларига етарли шароитлар яратилган, яратилиб берилмоқда. Кишиларнинг тафаккур тарзида ҳам ўзгаришлар сезилмоқда...

Аёллар муаммосини пуфлаб шишириш ҳозирги пайтда беҳуда вақт ўтказишдек бўлиб кўриниши мумкин. Аммо масаланинг би-

роз нозик томони ҳам йўқ эмас: жамиятда аёлларнинг муайян ижтимоий гуруҳ сифатида эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлганлигига нари борса юз йил бўлди, холос. Бугун аёллар эга бўлган мақом, шароит ўз-ўзидан пайдо бўлмади, албатта. Шу сабаб ҳам унга қандай қилиб, нималар эвазига эришилганини, қанчалик узоқ тарихий йўл босилганини билиш, ўрганиш ўз аҳамиятини йўқотмаган деб ўйлаймиз.

“Оламда тартиб, ёруғлик ва эркакни яратган эзгу ибтидо ҳамда зулмат, хаос ва аёлни яратган ёвуз ибтидо мавжуд”, дейди Пифагор. Яна бир файласуф Ксинафонт эса “Аёлга ишониш ўғрига ишонишдай гап”, дея таъкидлайди. Излаб топаман десангиз, тарихда бунга ўхшаш гаплар талайгина. Инсоният томонидан ўрнатилган таълимотлар, ахлоқий қоидалар ҳатто динлар ҳам аёл кишини ожиза, эркакнинг қарамогига муҳтож мавжудот ёки “репродуктив машина” сифатида кўрсатади.



Тарихчилар бизга жамият ривожланишининг илк босқичида кишилик жамоаси матриархат, яъни она уруғи устун бўлган даврда яшаган, дея уқтиради. Аммо инсониятнинг бугунги кунгача етиб келган қадриятлари, меъёрлари, ахлоқий қоидалари кейинчалик эркаклар мутлақо устунликка эришган пайтларда ўрнатилгани боис, биз у даврдаги ҳаёт тарзи ҳақида қатъий бир хулоса чиқара олмаймиз.

Чиндан ҳам, инсониятнинг деярли барча мифлари, эртаклари, қонунлари, динлари, таълимотлари эркаклар ҳукмрон бўлган даврларда яратилди. Оқибатда аёлларнинг эркаклар ҳаётида тутган ўрни икки ёқлама маъно касб эта бошлади. У айна пайтда талон-тарож қилиш, сотиб олиш мумкин бўлган ўлжа, мол-мулк; айна пайтда эса наслни давом эттирувчи турмуш ўртоқ, она. Диний манбаларга кўра, Момо Ҳаво айна пайтда Одам Ато учун яратилган аёл, лекин айнан унинг айби билан одам болалари машаққатга маҳкум. Қадимги юнон мифларига кўра, маъбудлар одамлардан қасд олиш учун уларга айнан аёл қиёфасидаги офат – Пандорани юборадилар.

“Муқаддас Ману қонунлари” аёлларни чўриликда тутиш лозимлигини айтади, “Библия”, “Инжил” ва “Қуръон”да аёлларнинг эрларига мутлақо итоат этишлари уқтирилади. “Салон қонунларида” аёллар ҳуқуқига деярли ўрин йўқ, Рим кодекслари эса унинг ҳомийларга мутеълигини мустаҳкамларкан, илова сифатида аёлларнинг ақлий ва жисмоний ноқислигини рўқач қилиб кўрсатади.

Кундуз тунсиз, нур зулматсиз, эзгулик ёвузликсиз мавжуд бўла олмаганидек, эркакларнинг ҳам турли талаб-эҳтиёжлари, авлодлар давомийлиги аёлларсиз амалга ошмайди. Шу боис аёлларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш уларнинг хожалари, яъни эркаклар талабидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. “Муқаддас Ману қонунлари”да аёлнинг мангу осойиш топиши, яъни жаннатга кириши фақатгина хожасининг розилиги билангина белгиланади. Ислом динида эса аёлларнинг мақталган сифатлари Худодан кўрқиш ва эрига итоат қилиш билан кўрсатилади. Христианлик жисмоний



лаззатларга бўлган нафратига қарамай, аёллардаги бокиралик ва итоаткорлик каби фазилатларни улуғлайди.

Турган гапки, аёлларни қоралайдиган жамики сифатлар эркакларга бўйсунмаслик, итоатсизлик билан боғланади. Биргина Ксантиппа образининг бу қадар довруқ қозонганлиги ҳам ана шунда.

Агар бугунги кун нигоҳи билан қарасак, бироз ноқулай бўлса ҳам, савол туғилади: узоқ тарихдан то шу кунгача эркаклар аёллар ҳақида мулоҳазаю муҳокамалар қилишган, тоғ-тоғ китоблар ёзишган экан, хўш, аёллар-чи, улар эркаклар ҳақида нима дейди? Жилла қурса, ўзлари ҳақида бирор гап айтганми? Жавоб оддий: то XVIII–XX асргача арзигулик ҳеч гап йўқ. Зотан, машҳур ёзувчи, файласуф Симона де Бовуар хоним айтганидек, “Аёллар ҳақидаги ҳамма тарихни эркаклар яратган”.

Бу маънода Симона де Бовуарнинг “Иккинчи жинс” асари чинакам шуҳрат қозонди. Асар эссе шаклида бўлиб, унда аёллар ҳақидаги машҳур мулоҳазалар, қарашлар, таълимотлар таҳлил этилади. Инсоният тарихи гўё икки қутбнинг ўзаро кураши сифатида кўрсатилади. Муаллиф эркакларнинг узоқ тарих давомида мутлоқ ҳукмрон жинс бўлганлигини физиологик, психологик, ижтимоий далиллар билан асослайди.

“Тарихчилар қадимги маданиятларга оид маъбудаларнинг ҳайкаллари ҳамда Иштар, Исида, Гео ҳақидаги мифларга таяниб аёлларнинг мавқеи устун бўлган олтин давр тўғрисида ёзадилар. Аммо бу афсонадан бўлак нарса эмас, чунки ушбу маъбудаларнинг култлари фақат ҳосилдорлик билангина боғлиқ. Улар эркаклар ҳосил оладиган ер, “репродуктив она” ва аёл тимсоли бўлганлар, холос. Аёллар эркакларга тенг инсон сифатида баҳоланмаган”.

Де Бовуар муаммонинг сабабларини бундай изоҳлайди: “Оналик мавқеи баланд бўлган илк деҳқончилик даврида ҳам аёллар етакчилиқни қўлга ололмади, чунки

фарзанд туғиш, уни тарбиялаш фаолият эмас, табиий жараён эди. Рўзгор ва оналик мажбурияти доимий бир хил ишни такрор бажаришга ихтисослаштирди. Бу иш асрлар ўтса ҳам, ўзгаришсиз такрорланаверди. Оқибатда эса аёллар арзигулик янгилик яратмади, ярата олмади. Эркакларнинг йўриғи бошқа эди: жамоани озиқ-овқат билан таъминлаш худди асалариларникидек шунчаки табиий жараён бўлмади, у айна пайтда трансцендентликни, яъни ўз моҳиятини ифодалаш фаолияти ҳам эди. Homo faber асрлар ўтиб кашфиётчига айланди. У омоч ихтиро қилди, дарёларга тўғон қурди, курашди, жанг қилди, дунёга ҳукмрон бўлди. У ҳар қандай мақсадини том маънода эркин, мавжуд инсон бўлиб амалга оширди. У ҳаётни сақлаб қолишга интилиб, оқибатда яратувчига айланди, у бугунни эмас, келажакни бунёд қилди: овчилик, балиқчилик муқаддаслаштирилди, жангчи қаҳрамонлар шарафига шон-шуҳрат ёғилди. Сирасини айт-

ганда, эркаклар асл инсонлик таъмини тоттишди. Улар бугун ҳам осмонўпар бинолар қуриб, атом реакторларини кашф этаркан, ана шу гурурни туядилар. Аёлларнинг улкан фожиаси шундаки, улар эркаклар билан бирга ёввойи ҳайвонлар билан курашмадилар, душман билан жанг қилмадилар, дунё яратмадилар. Аёлларнинг репродуктивлиги яратувчанлик эмас, шунчаки насл қолдириш бўлди. Агар инсон ҳайвонлар каби фақат жонини сақлаб қолишнигина истаганда эди, у ҳаётини хавфга қўювчиларни бу қадар улуғламаган бўларди”.

Бу нафақат Симона де Бовуарнинг аламли эътирофлари, балки классик феминизм вакилларининг ҳам сўзларидир. Сабаби “Иккинчи жинс” асарининг чоп этилиши ғарб оламидаги аёлларнинг дунёқарашини ўзгартириб юборди.

Дарҳақиқат, XX аср аёллар учун том маънода ҳодисалар асри бўлди. Турли қонли инқилоблар, жаҳон урушларига қарамай, улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркаклар билан тенглик ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу тенглик ҳар иккала жинс ҳаётида янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаргани чин, бироқ у янгидан-янги имкониятларни берганлиги ҳам ҳақиқатдир.

Минг йиллар давомида эркаклар белгилаб берган мақомга қарамай, бугун аёлларнинг ўз-ўзини англаши, том маънода ҳар қандай стереотип ва ёрлиқлардан мустақил ҳаётда ўз ўрнини ўзи белгилаш жараёни аста-секинлик билан ўзгармоқда. Бу жараён жамиятда устувор бўлган баъзи қадриятларнинг ўзгаришини, алмашишини, ҳеч бўлмаганда уларнинг қайта баҳоланишини талаб қилади, албатта. Аммо масала шундаки, ушбу эврилишларни ахлоқий нормаларнинг инқирози сифатида эмас, балки ижтимоий зарурат ўрнида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Мисол учун, бундан деярли юз йил олдин аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини бугунги кун билан таққослаб бўлмайди. Яхшими, ёмонми бугун биз қабул қилаётган қадриятлар, ахлоқ стандартлари юқорида айтилган ўзгаришлар ва ижтимоий заруратлар сабаб юзага келди. Бас, шундай экан, Симона де Бовуар таъбири билан айтганда, замонлар ўтгани сайин аёллар ҳақидаги тасаввурлар ўзгариб бораверади.

Табиийки, биз бугун узоқ келажакдаги XXII–XXIII асрлар ҳақида тасаввур қила олмаемиз, ким билсин, эҳтимол, у даврларга келиб нафақат аёлга, балки умуман инсон моҳиятига нисбатан қарашлар мазмун ва шакл жиҳатдан мутлоқ ўзгариб кетар. Бироқ, нима бўлганда ҳам, инсониятнинг тафаккур тарақиёти давомида аёллар ўз тарихларини ўзлари яратишларининг тарафдоримиз.

